

Акром Баҳром. «Фарёд».

ISSN 0235—1277



4

1991

سازمان
پخش کوچه



БЕОРОМ КУНЛАР НАФАСИ ● ҚАТОРТОЛГА МАКТУБЛАР ● МИР-
МУҲСИН БИЛАН СУҲБАТ ● ФАНТАСТИК ҲИКОЯ ● УЗБЕКИСТОННИНГ
КОСАСИ ОҚАРАДИМИ ● АШРАТХОНА МЕРОСИМИЗ ● БИР ТУҲМАТ
ТАФСИЛОТИ ● КУЛГИ ТЎЛА ЖОМАДОН



Комсомоллар турмушидан мамнун бўлаётганлар, кўнгли тўлаётганлар, чинакам комсомолчасига яшаётганлар жумҳуриятимизнинг қайси вилоят ва туманида, шаҳар ва қишлоғида бор!

Бор бўлса, марҳамат, «Ёш куч» бундай хабарларга мунтазир!

А. КУДРЯШОВ суратга олган



«ЕШ КУЧ» ОЙНОМАСИ МУШТАРИЙЛАРИ, ҲОМИЙЛАРИ, ВА БАРЧА МУХЛИСЛАРИГА МУРОЖААТНОМА

Қимматли дўстлар, ўзингиздан қолар гап йўқ, иттифоқимизда бошланган бозор иқтисоди муносабатлари беҳисоб қийинчиликларни эҳтимол тутилганидан ҳам кўпроқ келтириб чиқармоқда. Бу қийинчиликлар ҳаммамиз учун ҳам катта синов, катта имтиҳондир. Севимли ойнамангиз «Еш куч»нинг 1991 йилги обуна нарҳини белгилашда, гарчи, ҳар бир сонига сарфланадиган қоғоз ва меҳнатнинг умумий қиймати 80 тийин бўлса-да, таҳрир ҳайъати жумҳуриятимиз меҳнаткашларининг бир қисми қашшоқ ҳолатда яшаётганлиги, энг муҳими муштарийларимиз асосан мактаб ўқувчилари, техникум ва илмгоҳлар талабалари эканлигини ҳисобга олиб, ойнаманинг нарҳини 55 тийин қилишга қарор қилган эди, яъни йиллик баҳосини 9 сўм 60 тийин эмас 6 сўм 60 тийин белгилаб, ҳар бир муштарийга 3 сўмга енгиллик берилган эди. Шундай қилиб, «Еш куч» жумҳуриятимиздагина эмас, балки Совет Иттифоқидаги энг арзон ойнама бўлган эди.

Обуначиларимиз ойнамани ташкил этишда, унинг йўналишини, мазмунини, ўзига хос қиёфасини белгилашда ходимларимиз билан теппа-тенг иштирок этдилар, ёш бўлишига қарамасдан Иттифоқдаги энг катта ойнамалар билан беллаша оладиган даражага кўтардиларки, унинг умумий нусхаси ҳозир 650 000 дан ошиб кетди. Ойнаманинг оммалашиб, умумхалқ ойнамасига айланиб бораётганлиги лоақал кунига олаётганимиз 500 га яқин хат ва мактублардан ҳам билиниб турибди. 1990 йили муштарийларимиздан 50 000 дан ортиқ хат ва хабарлар олдик, улар билан бевосита алоқада бўлдик.

Демак, кун сайин ўсиб бораётган, обуначилар сонининг кўплиги жиҳатидан жумҳуриятда биринчи ўринга чиқиб олган ойнамани асосан Сиз ташкил этдингиз, у бошдан оёқ сизникидир, унинг бугуни ва келажаги ҳақида қайғуриш

ҳам кўп жиҳатдан сизга боғлиқ бўлиб қолди.

Уйдаги гап кўчага тўғри келмайди деганларидек ҳайрия йилидаги олижаноб мақсадимиз, яъни энг арзон ойнама чоп этиб муштарийларимизни мамнун этамиз деган яхши ниятимиз катта тўсиқларга дуч келиб қолди: қоғоз нарҳининг беш баробар ошиши, босмаҳона ва маъмурий бошқарув ҳаражатларининг 2—3 баробар кўпайиши, матбуот бирлашмаси ва алоқа Вазирлигининг ойнама нарҳидан 26 фоизини бизга берасан деб оёқ тираб олиши — мажбурий ҳаражатларни кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган даражада кўпайтириб юбордики, севимли ойнамангиз — «Еш куч» 1991 йилда салкам 400 000 сўм атрофида зарар кўрадиган бўлди.

Ўзингиз жон куйдириб ташкил этган, ўзингизнинг дарди ҳасратларингизни, фойдали фикр-мулоҳазаларингиз ва ҳал бўлмаган муаммоларингизни дадиллик билан ёритаётган, Сиз учун, Сизнинг маънавий маданият ва руҳий баркамоллигингиз учун тинмай курашаётган ойнаманинг тақдирига бефарқ бўлаолмаслигингизга астойдил ишонамиз.

Марказда чоп этилаётган «Правда», «Известия», «Комсомольская правда» рўзномаларини, боринги, жумҳуриятимиздаги барча рўзнома ва ойнамаларни муштарий ва ҳомийлар бозор иқтисоди зилзилаларидан омон сақлаш учун қандай молиявий ва маънавий ёрдам берган бўлсалар, Сизни — яъни «Еш куч»нинг барча муштарий, ҳомий ва мухлисларини ҳам ана шундай ёрдамга чорлаб

МУРОЖААТ ҚИЛАЕТИРМИЗ:
Комсомол кўмиталари фаолларига!
Халқ таълими жонкуярларига!
Келажак авлоднинг маънавий тарбияси учун қайғураётган мураббийларга!
Фарзандларининг руҳий ва ахлоқий камолоти учун масъул бўлган ота-оналарга!

Энг муҳими, муштарийларимизнинг шахсан ўзларига мурожаат қиламиз: миллионлаб ёшларнинг маънавий маданияти бутунлиги учун, ёш талант ва истеъдодларнинг мукамал тарбияси учун, социал адолат, ҳақ ва ҳуқуқ учун, тенглик ва кенг маънодаги демократия учун, ислом маданиятининг гўзал дурдоналари учун, унутилган тарих ва бой тарихий маданият учун, халқлар дўстлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик учун — нимаики шахсни камолотга етказишда ва ўзини англашда хизмат қилса — ҳаммаси учун астойдил курашаётган «Еш куч»ни молиявий тангликдан қутқаришга баҳоли қудрат ёрдам берингиз!

Ойнаманинг обунасига чин кўнгилдан жон куйдирган почтачиларимиз, олийгоҳ, мактаб, техникум ва билим юрталари маъмурияти жойлардаги комсомол кўмиталари муштарий ва барча кўнгилдилардан тушадиган катта-кичик ҳадяларни жамлашга бош-қош бўлсалар савоб устига савоб бўларди. Лоақал муштарийларимизнинг ўзлари биз яхши ният билан ўтиб берган 3 сўм эвазидан 1 сўмдан ҳада этиб жамғармани йиға бошлаган почтачи ёки бошқа мутасаддиларга келтириб берганларида молиявий танглик тезроқ бартараф бўларди.

Азиз дўстлар, такрор айтамиз, ойнама Сизники, уни молиявий танглик йилида қутқариб қолиш ҳам Сизнинг ҳиммат ва ғайратингизга боғлиқдир.

Ҳисоб рақами — 001700016
Тошкент, Акмал Икромов райони
«Жилсоцбанк» код — 734105
«Камалак» бирлашмаси «ЕШ КУЧ»
журнали фондига.

«Еш куч» ойнамаси таҳрир ҳайъати номидан

Бош муҳаррир:
Худойберди ТУХТАБОЕВ.

Беғубор МАНФААТЛАР БРЗУСИ



Кўлингиздаги ойнома ушбу сурат билан очилаётганидан ҳайрон бўлгандирсиз, ҳойнаҳой? Хаёлингизга савр ойнинг мутойиба куни билан бошланиши келгандир эҳтимол? Майли, хаёлни ўз ҳолига қўйинг— эркинлик ва ҳурлик маликаси бўлмиш хаёл Сизни ҳадсиз-сарҳадсиз кенгликлар сари олиб борсин, токи хаёлан бўлса-да кундалик турмуш машаққатларидан, дунёни қомига тортишга уринаётган уруш оловидан холи қолинг.

Тонг-ла маҳшар чоғи болишдан бош узгандан то хуфтон кўз юмилгунга қадар манфаат билан яшаб толиқмадингизми? Ҳар лаҳза манфаат ҳар қадам манфаат— наҳотки, азизу мукаррам Инсон зуваласи манфаатпарастлик лойидан қорилган бўлса? Нафс бандасими шу қадар Инсон?!

Шуурга қурумдай ёпишган манфаат ҳирсидан болалик, гўдаклик беғуборлиги ҳалос этади. «Дунёга болалар кўзи билан қарай олиш туйғусини ўзида сақлаб қолган кишиларга таъзимдаман» деган эди донишмандлардан бири. Ана шу беғуборликни, ана шу нафис туйғунини унутмадикми, биз?.. Наҳотки, улғайиб бораётган кишилик жамияти ўзининг норасидалик палласини, суратдаги маъсум жўжалардек ожиз, ҳимоясиз дамларини унутаётган бўлса?..

Ироқнинг қўшни Қувайтни қуроли забт этиши шунинг оқибати. АҚШ бир неча қудратли давлат қуроли кучлари иштирокида

Ироқ устига ажал ёғдираётгани шунинг оқибати. Сир эмас, бу қон тўкишларнинг бош айбори Саддам Хусайн ва Жорж Буш деб қаралаяпти.

Маълум маънода бу фикрни рад этиш қийин, лекин икки қудратли давлат раҳбарини болаларга бемеҳрликда ҳам айблаб бўлмайди. У ҳолда болаларни оталаридан жудо этаётган урушлар кимларнинг сайъ-ҳаракатлари билан юз бераяпти?..

Жавоб тополмаймиз-да, хитоб қилгимиз келади: дунёга гўдакларнинг беғубор кўзлари билан қарайлик!..

Ешу кекса киномухлислар қалбидан жой олган изқувар Каттани ваҳшийларча отиб ўлдирилгани не-не таъсирчан дилларни ларзага солмади.

«Саксон ёшли мўсафидни ўспирин болалар ўлдириб кетибди»... «Ёши бир жойга борган қайнонани ҳомиладор келин уриб ўлдирибди»... Бундай воқеалар хорижий фильмларда эмас, бевосита сизу биз яшаётган жойларда юз бераяпти.

Одамни ваҳшийларча ўлдиришни қаердан ўрганяпти одамлар? Ундан нафратланамиз, шафқатсиз жазоларни раво кўрамиз уларга. Бироқ, яқин ўн йиллар асносидаги ҳаётимизга зийракроқ назар ташлайлик— одамлар қалбини аёвсиз ўлдирмадикми, қалбларга жаҳолат уруғларини ўзимиз қадамадикми?!.

Яна жавоб тополмаймиз-да, қалбимиздан бир нидо сирқираб чиқади: қалб ўлдирилган, ўлдирилаётган жойда жисман ўлдиришлар оддий ҳодисага айланади...

А. ЖУМАЕВ фотоси.

Қалб ҳуқуқлари, виждон ҳуқуқлари ғорат қилинган сайин жаҳолат ўзини эркин ҳис қилади. Жаҳолат бор жойда покизалик, гўдакларча беғуборлик, самимийлик чирқирайди. Инсон увол бўлади!

Ҳаёт фалсафасининг ҳикматини қарангки, бундай жаҳолатдан Инсонни яна ўша болаларча софлик ҳалос этади.

Маъсумлик, бокиралик ҳалоскор сифатида доимо ҳозир нозир туради. У Сизни Инсонлик мартабалари сари улуғлаш йўлида хизматга тайёр.

Фақат Сиз бунга тайёр бўлсангиз бас, қалбда, шуурда эзгулик уруғлари кўкаргувчи замин топилса бас!

Ана шунда қалб эзгу туйғуларга тўйинади, бу туйғу одамни янада одамийроқ қилади. Бундай инсон фильмдаги Каттанига ҳам, ҳаёт ривожини босқинчи тўплар зарбидан узилаётган қувайтликларга ҳам, Болтиқбўйида жон таслим қилган ватанпарварга ҳам, ҳатто пасткам ва ташландиқ омборхонада дунёга келганидан ҳайрону лол турган суратдаги жажжи жўжаларга ҳам бирдек шафқат кўзи билан қарайди. Уларнинг жонига оро киргиси, уларнинг соғомон қолишлари учун жонини нисор қилгиси келади. Бу мурғак вужудда ҳам манфаат бор, бу — беғуборлик, мусаффолик, эзгулик манфаати.

Одамларни ана шу манфаатпарастликдан бе-насиб этмасин!..

Хабарингиз борми?

Айрим ҳисобларга кўра Қуёшнинг ёши илгари тахмин қилингандай 4,7 эмас, 4,49 миллиард йилга тенг экан.

Олмониялик мутахассислар шампан виносини очишдан эҳтиёт бўлинмаса шиша тиқимининг отилишидан кўпчилик шикастланаётганини маълум қилди. Савол туғилади: винони эҳтиёт бўлиб ичган маъқулми, мутлақо ичмасликми?

Париж модапарастларининг башорат қилишича бу йил аёллар ўртасида этаксиз кўйлак кийиш расм бўлар эмиш.

1991 йили ССЖИдан Исроилга 500 минг фуқаро бош олиб кетиши кутилмоқда.



Собиқ ГДЖ Ғарбий Олмонияга қўшилгач ҳам том маънодаги бозор иқтисодига ўтиши учун 10 йил керак бўлади.

Совет Иттифоқида 400 минг компьютер бор, АҚШда эса 40 миллионга.

Москов олий ўқув юртида таҳсил олаётган 2,5 минг талабадан сўралганда уларнинг 80—90 фоизи турли муддатга чет элга бориш истагини билдирдилар.

Америкада машҳур пицца таомини қошиқ ё санчқида эмас, қўлда ейиш фойдали деган қарорга келишибди. Овқатни қўлда истеъмол қилиш маданиятини ўзбеклар қачон ўзлаштирганани биласизми!..

Шахмат бўйича жаҳон ғолиби Г. Каспаров ССЖИ Президенти билан келиша олмаслигини ошкора эълон қилди.

Янги раис — Л. Кравченко тайинланиши билан Марказий телевидение сиёсий кўрсатувлар савиясида 1986 йилга қайтиш юз берди. (Йил бошидаги мулоҳаза).

Қиёс учун рақамлар: икки киши рисоладагидек тушлик қилиши учун (вино билан қўшиб ҳисобланганда) Бельгияда 43,70, Мисрда 20,50, Италияда 34,40, АҚШда 45, ССЖИда эса 45, 60 доллар сарфлашга тўғри келади.

АҚШ фуқароси — профессор Г. Петроскининг 434 саҳифалик «Қалам» деб номланган китобида қалам тарихи ва унга доир маълумотлар ҳақида сўз боради.

Дунёда денгизчилар сони тахминан 1 миллион атрофида. Энг кўп денгизчилар Филиппинда, сўнг Жанубий Корея, Гонконг ва Таиландда.

Оврўпода энг тежамкор халқ португаллар экан.

Туя баданидаги намликни исроф қилмаслигида унинг бурни энг муҳим «асбоб» ҳисобланади.

Нуфузли фикрларга қараганда В. Лениннинг жасадини ҳозирги мақбарада яна бир неча ўн йил сақлаб туриш мумкин.

Аҳолиси 54 минг кишини ташкил этадиган Гренландиядаги жиноятларнинг 97 фоизи мастлик ҳолатида қилинади.

«Саддам» исмининг маъноси жангари, бузғунчи, бўйсунмас маъносини англатади.

Голливудлик 26 ёшлик Ч. Догерти кинода аёллар қиёфасини яратишга ихтисослашган эди, у қалбаки ҳужжатлар билан Колорадодаги аёлларнинг махсус мактабига ўқишга кирди ва тез кунда фош бўлди.

Иваново ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори ССЖИ халқ депутати В. Голубева ўзининг бюсти олиб ташланишини талаб қилди. Мамлакат Президенти талабни қондириш ҳақидаги фармонга имзо чекди.

Буюк файласуф ва донишманд Арасту туғилганига 2375 йил тўлди!

Буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудига 655 йил бўлди!

Московдаги сиёсий адабиётлар нашриётида чоп этилган «Ахлоқий тафаккур 1990» («Этическая мысль 1990») китобида даниялик машҳур файласуф С. Кьеркегорнинг «Ажал ваҳимаси» асари биринчи бор ўрис тилида эълон қилинди.

Ҳозирги пайтда Канадада миллион ва ундан ортиқ доллари бўлган оилалар 425 мингга етган.

Буюк Британия коммунистларининг умумий сони 40 мингдан 6 мингга тушди. Партияга янги ном изланмоқда.

Сўнгги беш йил мобайнида ССЖИда 2000дан ортиқ одам олий жазога ҳукм этилди.

Бир саволга — бир жавоб

«Ёш куч!» Биз Тошкентдаги Тансиқбоев мавзеида яшаймиз. Яқинда ўртоқларим билан гаплашганда кўпчилигимиз Тансиқбоевнинг кимлигини билмаслигимизни сезиб қолдим. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Эркин ЗОКИРОВ,
ўқувчи.

Эркинжон! Сиз яшайдиган мавзеида машҳур ўзбек манзарачи рассоми Урол Тансиқбоевнинг номи билан аталган.

У. Тансиқбоев 1904 йили Тошкентда туғилган. У ССЖИ халқ рассоми, ССЖИ Бадий академиясининг ҳақиқий аъзоси. Рассом портрет ва манзара жанрида самарали ижод қилган. Хусусан, «Қоплонбекда куз», «Тунги сўғориш», «Ўзбекистонда баҳор», «Жонажон ўлка», «Тоғдаги чироқлар» каби кўплаб асарлари тасвирий санъат мухлисларининг эътиборини қозонган.

Таниқли рассом 1956—1959 йилларда жумҳурият рассомлар уюмасига раислик қилган. Ҳамза мукофоти совриндори.

У. Тансиқбоев 1974 йили 70 ёшида вафот этди.

Эркинжон! Улкан рассом ижоди ҳақида қисқа жавобда батафсил ҳикоя қилиш қийин. Шу боис, ҳамонки ўзингиз яшаётган жой номига чиндан ҳам қизиқсангиз, дўстларингиз билан Санъат музейига қўйилган рассом асарларини бориб кўришингизни, Урол Тансиқбоевнинг уй-музейига ташриф буюришингизни маслаҳат берамиз.

XXI аср остонасида турибмиз. Ривожланган мамлакатлар фан ва техника тараққиётида ЭХМлардан юксак даражада фойдаланилмоқда. Бу ҳаёт талаби. Аммо биз бу соҳада анча орқада қолиб кетдик.

ЭХМ жумҳуриятимиз ҳаётига ҳам аста-секинлик билан бўлса-да кириб келяпти. Айни пайтда у ёшлар, ўсмирлар таълими билан алоқадор қатор муаммоларни келтириб чиқаряпти. Шу муносабат билан мухбиримиз ТошДД доценти, тарих фанлари номзоди М. Ҳ. Ҳакимов билан мулоқотда бўлди.

— Мифтоҳ Ҳамидович, авваламбор, «Еш куч» муштарийларига ЭХМ пайдо бўлганини, унинг ҳаётимиздаги заруриятини айтиб ўтсангиз!

— ЭХМнинг яратилиши жамият камолоти йўлидаги инқилобдир. Дастлабки ЭХМ «ЭНИАК» 1943 йилда АҚШнинг Пенсильван дорилфунунда яратилган эди. Ушанда 2-жаҳон уруши бўлгани учун бу қалдирғоч ЭХМ энг аввал ҳарбий техника ва ҳарбий муаммоларни ҳал этишда қўлланилди. 1960 йилларга келиб эса ЭХМ илм-фаннинг бир қанча соҳаларида кенг ишлатила бошлади. ЭХМ — инсон ақлий меҳнатини автоматлаштириш имконини яратди, маълумотларни йиғиш, узатиш, сақлаш ва қайта ишлашда унинг энг зарур ёрдамчисига айланди.

Ҳозирда ЭХМ ҳар қандай мураккаб ҳисоблаш жараёнларини, турли технологик жараёнларни, илмий изланишларни, ўқув жараёнларини амалга оширмоқда, ҳатто музика ёзмада, шезъ тўқимоқда, ҳикоя ёзмада, шахмат ўйнамоқда. Хуллас, қисқа давр ичида ҳеч бир соҳа ўз тарихий йўлида бундай тез ривожланмаганди. Ҳозир халқ хўжалигининг бирор тармоғини ЭХМсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улар лойиҳалаш ишларини бажаряпти, диагноз қўйишда шифокорларга ёрдамлашяпти, экспертиза ишларини ҳал этишда аниқ маълумотлар беряпти, беморларни даволаш йўллари кўрсатаяпти. Қишлоқ хўжалигида эса пахтани қачон экишдан тортиб, қанча ҳосил олишга қадар, космосдан берилган маълумотлар асосида об-ҳавонинг қандай бўлишига, ердан қандай фойдаланишдан тортиб, ундан олинадиган маҳсулотларнинг миқдорига бўлган жараёнларни ҳам ҳисоблаб бермоқда.

— 1984 йили ССЖИ фуқароларининг компьютер соҳасидаги саводхонлигини ошириш, умуман бу соҳани ривожлантириш ҳақида ҳукумат қарори қабул қилинган эди. Унинг таъсири ва натижаларни ҳақида нима дея оласиз!

— Аввало бу қарорнинг ўзи 10—15 йил кечикиб қабул қилинди. Унда кўзда тутилган асосий вазифалар, яъни ўқувхоналар энг зарур ЭХМлар билан тўлалигича таъминланмади. Қолаверса, турли хил компьютер ишлаб чиқаришда уларни халқ хўжалигига тадбиқ

этишда кўп нуқсонларга йўл қўйилди. Академик С. Лебидев бошчилигида ишлаб чиқарилган компьютерлар («СМ-2» «БЭСМ-6») чет элдаги рақобатчиларимизнинг мавжуд ЭХМларидан қолишмас, ҳатто айрим афзалликларга ҳам эга эди. Шунга қарамай биз рақобатчиларимиздан нусха кўчира бошладик. Натижада улардан нусха кўчириб, кўплаб ишлаб чиқариб, улардан фойдаланиб улгурганимизча бўлмай, улар яна янгиларини яратаяпти. Оқибатда ЭХМ ишлаб чиқарадиган заводларимизнинг қуввати етишмай қолди, кейин катта қийинчиликлар эвазига ишлаб чиқарилаётганлари ҳам тез орада бугунги талабларга жавоб беролмаяпти.

— Ҳозирги иқтисодий тангликда бу соҳага беҳад кўп маблағ сарфлашнинг имкони бор деб ҳисоблайсизми!

— Мен маблағлар тақсимоли билан шуғулланувчи иқтисодчи олим эмасман. Аммо бир нарсга менга равшанки, хўжасизлик оқибатида миллиард-миллиард маблағларимиз осмонга совурилмоқда. Василий Селюнининг бугунги иқтисодийетимиз мавзусига бағишланган мақоласидан бир мисол келтирай. Мамлакатимиз дон йиғувчи комбайнларни АҚШга нисбатан 14 баробар кўп ишлаб чиқарар экан. Аммо давлатимиздаги бузуқ машиналарнинг сони Америка саноати 70 йилдан буён ишлаб чиқараётган машиналарнинг сонига тенг экан. Ваҳоланки, бундай фактлар тўлиб-тошиб ётибди. Шунинг учун мамлакат техник тараққиётининг савиясини белгилайдиган ЭХМ ўзига ажратилган ҳар қандай катта маблағни ҳеч қанча вақт ўтмай бир неча баробар ортиқчаси билан қайтаради.

Умуман бизда ахборот алмашиш ривожланиши жуда сустлик билан амалга оширилмоқда. АҚШ, Япония, Германияда бу соҳага энергетика, хом ашё ва қайта ишлаш соҳаларига нисбатан кўп маблағ сарф қилинмоқда. Бу эса ушбу мамлакатлар ривожига ижобий таъсир қилмоқда. Масалан, АҚШнинг ЭХМдан маълумотлар комплекси 140 миллиард долларни ташкил этар экан.

— Мифтоҳ Ҳамидович, журнал муштарийларини жумҳуриятимизда компьютер ишлаб чиқариш, уни халқ хўжалигига тадбиқ этиш, мақтабларда қўллаш, корхоналарда ундан фойдаланиш борасидаги ютуқ ва камчиликлар кўпроқ қизиқтиради.

„МУАЛЛИМЛАР ЖАНЖАЛЛАШГАН И ЁКИ БЕГУНОХ МУШТАРИЙЛАРИМИЗ“

Ойномамизда Сирдарё вилояти Меҳнатобод ноҳиясидаги 7-ўрта мақтабдаги салбий кўрinishлар ҳақидаги юқоридаги сарлаҳхали мақола эълон қилинган, («ЕШ КУЧ», 1990 йил, 10-сон) бу ҳусусида журналхонларимиздан кўплаб мактублар олдик. Улар ўз хатларида мақола юзасидан ҳамда шу баҳонада таълим ва тарбия ўчоғи — мақтаб тўғрисида, эртанги билим даргоҳи қандай бўлишига ҳам ўз қарашларини ифода қилишган.

Мен «Еш кучнинг» ҳар бир сонини орзиқиб кутаман. Октябрь ойида чиққан муаллимлар ҳақидаги мақола менга мунозаробоплиги билан ёқди. Тўғри, ҳозирда ҳал этилиши зарур бўлган муаммолардан бири мақтаб ишини яхшилашдир. Мақолада ёзилган 7-мақтабдаги каби салбий муносабатлар очиғи, бошқа мақтабларда ҳам бор.

Биз журналдаги мақолаларни оиламиз билан ўқиб муҳокама қиламиз. Юқоридаги мақола тўғрисида дадам: «Ҳозир кўп мақтабларда ўқиш ишлари жуда сусайиб кетган, биз ўқиганда бу ишлар жойида, ҳатто намунали бўларди», деб қолди. Буни эшитиб, ўйланиб қолдим. Нега ҳозир ўқитиш, ўқиш намунали эмас? Менимча, сабаби лоқайдликдадир.

Мақолада «Эртанги мақтаб қандай бўлмоғи лозим?» деб ўртага савол ташланади. Менимча, эртанги

мақтаб ўқитувчилари ҳам, ўқувчилари ҳам мустақил бўлмоғи лозим. Ҳозирда мақтабда ўқиш қийинлашиб кетди, барча ўқитувчиларга дарс соатлари бўлиб берилади. Баъзида бизга дарсликдан бошқа китоблардан дарс ўтилади. Биз уларни тополмаймиз. Истардимки, мақтаб дарсликлари пухта ўйланган режа асосида тузилган бўлса! Чунки биз ўқув юртларига борганимизда юқоридаги «ноёб» китоблардан савол тўша, «биз уларни ўрганмаганмиз», дея олмаимиз-ку?!

Яна бир гап. Ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабат баъзан мени қониқтирмайди. Баъзи муаллимлар битирувчи синф ўқувчиларига 5—6-синф боласига қилгандек муомалада бўладилар. Ахир ўсмир ўқувчини «Бу ишни қилмасанг мақтабдан ҳайдаيمان» ёки «Яна шундай қилсанг, баҳонингни пастлатаман», қабилидаги пўписа билан ўқитиб бўладими? Ўқитувчилар болалар феъл-атворига қараб муомала қилсалар яхши бўларди.



ВА

ҲАЁТ

— Тошкентдаги «Алгоритм» заводида ва «Вариант» Совет-Болгар қўшма корхонасида компьютерлар ишлаб чиқарилмоқда. Лекин улар боя айтганимдек бугуннинг юксак талабларига жавоб беролмайди.

«Вариант» корхонаси ҳозиргача Тошкент шаҳри ва вилояти мақтабларини биттадан «Правец-8А» компьютерларнинг маҳаллий тармоқлари билан таъминлади. Аслида эса бир мақтабда иккитадан компьютер хонаси бўлиши керак. Лекин биз ҳозирча мақтабларни компьютерлар билан таъминлаб қўйдик, холос. Уни ўқувчиларга ўргатадиган, мабодо «гапирмай» қолса бу ақлли машиналарнинг «тилини» тушуниб, муомала қиладиган мутахассислар йўқ. Мақтабларда бу вазифани компьютер билан нари-бери танишган математика ёки физика ўқитувчилари бажаришяпти.

Ҳозирнинг ўзидаёқ жумҳуриятимизда компьютер билан «ишлаш»нинг икки хил номақбул усули кўзга яққол ташланиб қолди. Биринчиси — компьютербозлик касали бўлиб, уни қўли узун, имкониятлари катта ташкилотлар хўжақўрсинга сотиб олмақда. Ишлатишга келганда эса турли баҳоналар кўрсатишмоқда. Бундайлар ўзларининг айблари очилиб, қинғир ишларининг сезилиб қолишидан чўчидилар. Негаки, тилсиз қоғозда ўғирлик, қўшиб ёзиш ва найрангбозликнинг минг бир кўчасига кириш мумкин. Компьютер эса арзимас хатони, сал ножўя ишни ҳам кечирмайди. Лозим бўлса қаерда адашганингизни аниқ кўрсатиб беради. Уни алдаб бўлмайди.

Лоқайдлик фақат ўқувчилар эмас, ўқитувчилар орасида ҳам учрайди. Баъзи ўқитувчилар ўзлари дарсга қирадиган ўқувчиларнигина танийдилар холос, кейин бирор ўқувчи жиноят ёки безорилик қилса, ўша ўқувчининг синф раҳбарини қидириб қолишади. Ваҳоланки, ўқитувчи мақтабда таълим берар экан, ўша мақтабдаги барча ўқувчиларнинг қандайлигини, оилавий шароитини, характерини библиши керак! Баъзилар «Бундай ишлар билан синф раҳбарлари шуғулланиши керак», дейди. Йўқ, халқимизда «бир болага етти маҳалла ота-она», деган мақол бор. Шундай экан, мақтаб ҳам бир халқ. Демак, бир ўқувчига фақат синф раҳбари эмас, балки мақтабдаги ҳамма ўқитувчи ота-онадир! Мақолада «тарбияланмаган тарбиячилар» ҳақида ҳам сўз боради. Ҳа, ундайлар ўзларининг беодоб сўзлари билан ўқувчилар ўртасида «обру» қозонишади. Эҳ, келгусида мақтаб эркин, мустақил бўлса қани эди!..

Истардимки, ойномада мақтаб мавзуси давом этса.

Салом билан Соҳиба ҚОСИМОВА,
Наманган вилояти Учқўрғон шаҳридаги
3-ўрта мақтабнинг 10-синф ўқувчиси.



Фахриддин МУХИТДИНОВ чизган расм.

— Капиталистик мамлакатлардаги ЭХМ соҳасидаги муваффақиятларнинг сири нимада!

— Аввало капиталистик оламнинг илм-фан соҳиблари ва ишбилармон кишилари ЭХМ нималарга қодир эканлигини жуда тез тушуниб етишди ва унинг тараққиёти ҳамда истиқобли учун зарур бўлган маблағни аяшмади. Масалан, АҚШ аҳолиси биздан кам бўлишига қарамай 1985 йилда маориф учун 178,6 миллиард доллар ажратган, биз эса — 37,9 миллиард сўм. 1989 йили АҚШ фақат ЭХМ соҳасида илмий изланишларнинг ўзига 12 миллиард доллар сарфлади. Кейин капиталистик дунёда ҳамма нарса рақобат асосига қурилган. Улар бизга ўхшаб бир-биридан нусха кўчириб ўтирмайди. Биринчидан юқори ва афзал бўлган компьютерларни ишлаб чиқариш билан бу соҳадаги ривожланишни таъминлаб боради.

Инсон ҳаётида вақтни тежаш масаласида компьютерлар одамнинг мушкулларини осон қиладиган энг яқин ҳамроҳ ва ёрдамчидир. Шу ўринда яна бир мисол айтмай.

АҚШдаги миллий кутубхоналар ва бошқа катта қироатхоналарнинг кўпчилиги дунёнинг баъзи кутубхоналари билан компьютерлар орқали боғланиб туради, улар ёрдамида истаган китобни сўрашингиз мумкин. Бизда эса ҳозирча бирорта бундай кутубхона йўқ. Умуман, биз бу соҳада ривожланган мамлакатлардан 10—15 йил ортда қолиб кетдик.

— Сиз шахсан ўзингиз бу соҳадаги муаммоларнинг ечилишига қандай ҳисса қўшмоқдасиз!

— Албатта қуруқ танқид ёки оғиз кўптириб гапириш осон. Информатика соҳасидаги илмий ва айниқса жумҳуриятимиз учун зарур амалий ишлар ҳажмини ошириб бориш даркор.

Биз, амалий математика ва механика ҳамда математика куллийётларининг бир гуруҳ ўқитувчи ва мутахассислари мактабларнинг ўқитувчилари иштирокида ўрта мактабнинг 5—11-синф ўқувчиларига ўзбек ва рус тилларида математика фани бўйича сабоқ берувчи «Шарқ» программ педагогик системасини яратдик. У ўқувчиларга математиканинг назариясидан сабоқ беради, масалаларни ечишга кўмаклашади, улар жавобини таҳлил қиладди. Система ўқувчилар тафаккурининг ривожланишига шак-шубҳасиз ёрдам беради. Ҳозир шу системани тугатиш арафасида турибмиз.

Бундан ташқари ўрта мактаб раҳбар кадрлари учун савол-жавоб режимида ишловчи «автоматлаштирилган иш жойи»ни яратмоқдамиз. У ишга тушгач, педагогик кадрлар, педагогик юмушлар — синф журналларини юритиш ва дарс жадвалини тузиш масалаларини қамраб олади.

— Системангиз ўрта мактабнинг 5—11-синфлар учун мўлжалланган математика фани бўйича ўқув дастурини тўлиқ ўз ичига оладими!

— Система ҳозир ўз ичига 140 дарс соатига мўлжалланган темаларни олади. Дастур эса 952 дарс соатига мўлжалланган. Агарда Халқ таълими вазирлиги лозим топса, биз система ҳажмини 400 дарс соатига етказишимиз мумкин. Бунда албатта, бутун математика дастури ўз ифодасини топади.

— Ушбу «Шарқ» системаси фақат математикадан сабоқ беришга мўлжалланганми!

— Йўқ. Унинг имкониятлари жуда кенг. Биз у орқали бошқа фанлардан, жумладан, олий ўқув юртлари дастуридаги фанлардан ҳам сабоқ беришни йўлга қўйишимиз мумкин. Лекин бу иш албатта, ҳар бир соҳанинг мутахассислари иштирокида бўлиши керак. Бунда уларнинг вазифаси фақатгина дарс материалларини махсус, лекин мураккаб бўлмаган талаб бўйича тайёрлашдан иборат бўлади.

— Мифтоҳ Ҳамидович, жумҳуриятимизда ЭХМ тараққиёти учун нималар зарур деб ҳисоблайсиз!

— Иқтисодий системани ўз-ўзини бошқаришга ўтилгандан сўнг ЭХМнинг аҳамияти ва зарурияти янада ошади. Бунинг учун энг зарур бўлган нарса мутахассислар масаласидир.

Ҳозир биз мактабларга компьютер бўйича ўқитувчилар тайёрлашда ҳам, зиёлиларнинг бу борадаги саводхонлигини оширишда ҳам шовша-шошарликка йўл қўяётимиз. Малака оширишга йўлланма билан келаётган ижтимоий фанлар бўйича мутахассисларнинг кўпчилиги, у мураккаб техниканинг бизга нима кераги бор, деб эътироз билдиришяпти. Айримлари бу соҳа билан «таниш» эканлиги, «ўқиганлиги» ҳақидаги ҳужжатларини курсатишяпти.

Бу мураккаб машиналар билан танишиш фақат зиёлиларгагина эмас, ҳаммага керак. Лекин биз ҳозирда зарур база тайёрламасдан туриб қўлларидан ҳужжатлари бор бўлса-да, ЭХМдан машғул олиб боришни ёки ундан фойдаланишни билмайдиган «мутахассислар» сонини йилдан-йилга кўпайтираёلمиз.

Бу соҳани махсус мутахассислар билан таъминлаш учун ТошДДда, политехника ва педагогика олийгоҳида ва бошқа ўқув юртларида ЭХМ билан шуғулланадиган, шу соҳанинг мутахассислари бўлиб етишиб чиқадиган махсус куллийётларга талабаларни кўплаб қабул қилиш керак.

— XXI асрда ЭХМни қандай тасаввур қиласиз!

— Ҳозирги бу соҳа ривожланишини ҳисобга олиб XXI асрнинг 10-йилларида компьютер билан бемалол «суҳбатлашиш» имкони бўлади, яъни у инсон тилини тушунадиган, мутахассисдан турли хил топшириқларни олиб, энг яхши ечимни дарҳол тақдим қиладиган бўлади, деб ўйлайман. Компьютер ўз «билимини» ўзи автоматик тарзда кенгайтириб боради. Билим беришнинг тўлиқлигини ўз зиммасига олади. Социал, гуманитар соҳадаги маълумотларнинг ҳаммаси унинг «харитаси»да бўлади.

— Суҳбатингиз учун ташаккур!

Суҳбатдош — У. ЯКВАЛХУЖАЕВ.

Ўқувчиларнинг азият-чеккани ҳақида " МАВЗУГА ҚАЙТИБ МУҲОКАМАСИДА

Журналдаги мақоладан келажакда ўқитувчи бўлман, деган одам таъсирланмай қолмайди. Ҳозир баъзи ўқитувчиларнинг тажрибасизлиги, ўқувчилари билан тил топа олмаслиги, ўқувчисининг ўлимига сабаб бўлаётган ва «ўқитувчи», «муаллим» деган буюк номга нолайиқ кишилар ҳақида кўп ёзилапти. Наҳотки, муаллимлик номини улуғлаш, кўларга кўтариш ўрнига унга доғ туширилмоқда? Ахир биз ёшларга келажакда касб танлашимизда, ҳаётда ўз йўлимизни топишимизда ўқитувчилар таълим-тарбиясининг таъсири катта-ку! 7-мактабдаги баъзи ўқитувчиларнинг «деди-деди», «миш-миш»ларга берилиши ўша ўқитувчи инсонларнинг ўзига, қолаверса, коллективга боғлиқ деб ҳисоблайман. Эртанги мактаб тақдири бўлажак ўқитувчилар ва ўқувчилар кўлида. Унда ўзининг илм даражаси юқори, ўқувчиларини сева оладиган, қолаверса, касбдош ўртоқларини ҳурмат қила оладиган педагог кадрлар ўрин эгаллаши керак! Шундагина эртанги мактаб гуллаб яшнайди.

Х. МУҚИМОВА.

СамДД биология куллийети III-курс толибаси.

Мақоладан жуда таъсирландим. Ахир болаларга таълим берувчи ўқитувчиларнинг ўзлари жанжал қилиб юрсалар, тарбияланувчиларнинг аҳволи не кечади...

Нима учун директор ўринбосари Абдуқодир Жамолов шу муаммони 2 йилдан бери ҳал қилмади? Нима учун мактаб директори Рустам Каримбердиев синф журнали йўқолиб қолса-ю, унинг ўрнига индамасдан янгини келтириб беради? Ахир, бу журнал давлат ҳужжати-ку! Ўқувчи Гулчеҳра Музаффарова «Мактабда ифвоқаш ўқитувчилар бор» деб тўғри айтибди. Воҳид Назаров «Тамара опа дарсга кирганда мол эгасига ўхшамаса ҳаром ўлади», дебди, демак Тамара опанинг ҳам менимча тиллари ёмон бўлса керак, чунки қизларни ўғил болаларнинг кўз ўнгига ҳақоратлаш шартми? Бу жанжалга ўқитувчиларнинг ўзлари сабабчидир. Ахир уларга кадр керак бўлса, мана, етишиб келаётган ёшларни ўқитсалар, уларга таълим-тарбия берсинлар! Ана ўшанда улар учун кадрлар етарли бўларди.

Норжон АМИНОВА.

Қарши ноҳияси Аврора посёлкаси.

(Давоми 8-бетда)

Менга ишонинг, одамлар!

Немим Дилбар. Яқинда 18 га тўлдим. Мени чиройли, келишган қиз дейишади. Лекин бу чиройлиликимга минг пушаймон едим. Менга бир одам севги изҳор қилди. Ёши 31 да. У шаҳардан келиб ишлайди. Бир кун менга маз танир эдим. Бир кун менга гандан-гап чиқиб ўз дардини айтиб қолди. Айтишича, фарзанд кўрмаганлиги учун хотиндан ажрашган, хотини кунда ҳеч кими йўқ, ота-онасидан ёшлигида етим қолган экан. Унга шундай раҳмим келдики, дунёда ундан бахтсизроқ одам йўқ, деб ўйладим. Бир кун мени ёқтириб қолганини ва унга турмушга чиқиб кетганини шундай дийдиё билан айтдики, жавоб беролмай қолдим. Чунки... ўзим ҳам уни ёқтириб қўлқўрдим. Уша пайтда билим юртимдан маслаҳат сўрадим. Лекин улар ўзларини олиб қочишди.

Оргимдан гийбат бошланди. Мен раҳбаримга ҳам учрашдим, чунки у онамга айтармиким, деб ўйлагандим. Лекин она менга фақат маслаҳат бериб, у билан гаплашмаслигимни, агар гаплашсам ёмон қизга айланишимни таъкидлади. Яна шунақа гап топиб келсам директорга олиб киришини айтди. Ахийри онамга ўзим айтдим. Онадан эса «агар яна учрашадиган бўлсанг, бегингни синдираман», деган таъдидли жавоб олдим.

Мен ўша кунлари гангив қолган, нима қилишга ҳайрон эдим. Лекин барибир бу йўлдан қайтишим кераклигини ҳис қилдим. Мен бориб унга ҳаммасини айтдим. У шундай кўзёши қилдики, мен умримда эркак кишининг йиғисини биринчи марта кўришим. «Менга турмушга чиқинг, сизни бахтли қиламан», деди. Лекин мен бари бир севгимдан воз кечдим. Кейин бир номаълум одам отамга «набирали бўлибсиз, табриклайман», деб телефон қилибди. Ишонинг, одамлар! У менга кўлини ҳам теккизгани йўқ.

Балки шунинг учун ҳам уни севиб қолгандирман. Уша кун отам келиб шундай урдиларки, ўша воқеалардан 6 ой ўтган ҳам ўзимга келолмаяпман. Унг кўлим қайрилиб қолди. Кейин уйдан ҳайдашди. Ҳозир бир аёлликида турибман. Орадан 3-4 кун ўтгандан кейин онам келиб: «Аҳмоқ қиз, у сенинг устиндан гаров ўйнаган экан», деб роса йиғладилар. Ишонмадим. Унинг олдида бордим. Эҳ, нақадар юзсиз одамлар бор-а? У тиржайиб туриб, ҳақиқатдан ҳам мени илтириш учун ўртоқлари билан пул тикиб гаров ўйнаганлигини тан олди. Сўнгра ютган пулининг бир қисмини менга таклиф қилди. Пулни унинг башарасига отиб уйга қайтдим. Уйда эса гўзал бир аёл — унинг хотини мени кутаётган экан. «5 та фарзандимиз бор, туппа-тузук қиз экансиз, нега эримни йўлдан урасиз, эрим пок, унда гуноҳ йўқ», дея ҳақорат қила бошлади. У аёл келганидан кейин ўзимни ёмон сездим. Шу билан бир ҳафта ўқишга бора олмадим. Мен шу хат орқали ўша аёлга айтмоқчиманки, «Сиз

га раҳмим келади, сиз ҳали шу хатни ўқиб ҳам балки ишонмас-қизни деб ўзини етим қилиб, бор фарзандларини эса йўқ, деб қўришундай тубан кетадиган инсон қилмишни таърифлашга сўз қилиб қолганимда мендан ҳеч ким келиб кетдилар, холос бир марта ҳам шуқр. Уқишга борган, раҳтига тушдилар. Уқишдошларим эса бефарқ, яна оргимдан шивир-шивир ҳам қилишади. Нега мени бунча эзасизлар?! Чора эмиш! Ўзим ортирган «чора» эмай-дими?! Мен ўқишга ҳозирча бораётганим йўқ. Бормайман ҳам. Кўнглим жуда совиб кетган. Қийналиб кетдим. Уқишга борсам бўлиб чиқди. Вировникида Акси япман. Онам «тезроқ турмушга деяптилар. Менда эса хоҳиш йўқ. Ишлагим, ўқигим келади. Ҳа,

онам айтганларидек ўзимга ўзим қилдим. Бу ҳақда журналларга ҳам ёзган эдим. Афсус, жавоб бўлмади. Энди умидим сизлардан.

Одамлар! Ишонинглар, мен дошларим мен ҳақимда шундай гаплар чиқаришяптики, ўзимни кўярга жой тополмайман. Айниқса, айбинг-бўлмай туриб шундай гаплар чиқаришса чидай олмас экансан.

Дугоналар! Сизлар онангиздан сир яширманг, бу жуда қимматдан тушиши мумкин экан. Отам мени кўришни ҳам, кечиришни ҳам истамаяптилар. Нима қилай? Балки яшашнинг ҳожати қолмагандир?! Азиз журналхонлар!

Бир огиз маслаҳат беринглар. Йўлимни қанча сўкиш эшитиб, калтак ейишимни худонинг ўзи биллади. Лекин хатимни одамларга етказасизлар, деган умидиман. Адресимни эълон қилманглар.

Депутатнинг дардига қулоқ солади?

Хурматли «Ёш куч»! Сизлар орқали кўнглимдаги дардларим билан ўртоқлашмоқчиман. «Ёш куч»га ҳаётда эзилган, хўрланган кўп одамлар ёрдам, маслаҳат сўраб мурожаат қилишади. Мен ҳам сизларга шикоят билан мурожаат қилмоқчиман. Фақат у менинг шахсий ҳасратларим эмас, балки кўпчиликни ўйлантирган, ташвишга солган муаммолардир. Аввал ўзимни таништирай. Мен 1981 йилдан буён туманимиздаги собиқ С. Альянде, ҳозирги «Дўстлик» давлат хўжалигида бригада бошлиғи бўлиб хизмат қиламан. Шу йиллар давомида доимо давлат планларини ўриши билан қинғир ишга имкон бўлган ортир марга қўла урганим йўқ. Шу боис, тақдирда ҳам қўла урганим йўқ. Шу боис, машғум «пахта иши» билан боғлиқ ташвишлар ҳам менга бегона. Ҳалол хизматим

тўғриси ўзлим туфайли халқ мени аввалига қишлоқ, кейинчалик Қашқадарё вилояти кенгашига депутат қилиб сайлади. Нишон тумани партия кўмитаси бюросининг аъзосиман.

Депутат — халқ хизматкори, дейдилар. Депутат бўлиб сайланганимдан сўнг одамлар менга турли масалада ёрдам, маслаҳат сўраб мурожаат қиладиган, табиийки мен уларнинг арзини текширадиган бўлдим. Менинг ҳамма «кўргуликларим» мана шундан кейин бошланди. Негаки кўпгина арзлар, шикоятлар совхоз директори устидан бўларди.

Очиғи, совхозимиз директори Маҳмадқул Ороловнинг давлат мулкига кўз олайтириши, одамларнинг оддий ҳақ-хўқуқларини ҳам поймол қилишини илғари ҳам сезардим, ўша пайтларда ҳам — табиатим шунақа ўзи — ноҳақликларга қарши кўлимдан келганча курашардим. Бироқ амалсиз бир бригадирнинг «қўли узун паҳлавон директор» билан олишуви нима билан тугаши ҳаммага аён.

Эҳтимол бунга чидаса бўлар — лекин директор оддий меҳнаткашларни инсон ўрнида кўрмаслиги менинг газабимни кўзгарди. У устаган ишчига кўнгли тусаганча ҳақ ёзар, ўзи билан тортишган одамни совхоздан кўчириб юбориш (шу қайта қуриш замонида ҳам) унга бир пиёла чой хўшлашдай осон иш эди. Кўлимда директор томони-

дан ҳақ-хўқуқлари топталган ўнлаб одамларнинг шикоятлари турибди. Қолаверса, директорнинг совхоз мулкни талон-тарож қилаётгани ҳақидаги ҳужжатлар ҳам етарли. Мен одамларнинг ҳасратини қандай ҳам қилишга бошим қотади холос. Сизларга ушбу шикоятимни йўллар айтгим баъзан депутат ҳам одамларга ёрдам эканман, май оғиз қилишни баралла айтгим келди. Мен қилишни баралла айтгим ринни юқори ташкилотларга етказишнингизни ҳамда ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари томонидан жиддий текширилишида ёрдам беришингизни илтимос қиламан.

Сизларга чуқур ҳурмат билан Тахририятдан: Биз Қашқадарё вилояти партия кўмитаси ҳамда ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларидан депутатнинг аъзоси хусусида жавоб кутиб қоламиз.



Семилеяга третни го-
Октябрьской социалистик

17

ФЕВРАЛЬ

1918 Романа Б В
КПРС, история са
70 лет со дня рожд
ветнован
пропу

Бизга ёрдам беринг!

Биз тўрт фарзандимиз, энг каттаси мен. Билим юртининг 2-курсиди ўқийман. Битта укам мактабга, иккитаси боғчага боради. Дадам доим учар, онамни уради. Ҳозир эса қамоқда. Онам 5 ойдан бери касалхонада ётибди. Онам мактабимизда фаррош бўлиб ишларди, касалхонага тушгандан кейин ўрнига ўзим ишладим, ҳам ўқидим. Онам 70 сўм, ўзим эса 10 сўм стипендия оламан. Жуда ҳам қийналиб кетдик. Аҳволимиз оғир, «Еш куч», қаерга беришимиз керак, ким бизга ёрдам беради?! Қаровсиз қолиб кетдик...

Рағно, Рустам, Лайло, Равшан Шариповлар. Қашиқадарё вилояти Яккабоғ тумани Усмон Юсупов кўчаси, 53-уй.

«Еш куч», ёрдамингга муҳтожмиз. Онам 66 ёшда, анчадан буён касалманд. Мен онамнинг акамлар, омамлар уйлик-жойлик бўлиб кетишган. Аммо иккинчи акам тақдири бизни жуда ўйлантирмоқда. Биз кўп жойларга ёрдам сўраб ёздик. Жавоб хатлар келди-ю, аммо беш йилдирки, хануз ёрдамдан дарак йўқ.

Акам Эшпўлатов Рустам 1982 йили Зи-рабулоқ пахта тозалаш заводида тарозибон бўлиб ишларди, завод раҳбарлари ва юқори

Ёрдамингизга муҳтожмиз. Оилада 13 киши яшаймиз. Отам қурувчи, онам фаррош. Укаларим ҳаммаси ҳали ёш. Каттаси — 11-синф, кичиги эса бир яшар. Эсимни билмайман. «Коммунист» қишлоғида бир хонали қоровулхонада турардим. Кейинчалик бизга қишлоқ томонидан ер берилди. Лекин уй солишига қурбимиз етмади. Ахир ўйлаб кўринг, ота-онам оладиган ҳам ойимдан, ҳам бувимдан айрилдик. Улик чиқаришимиз ҳам кетди. Улган устига тепган қилиб, бойвачча тоға ва холаларини тупроққа қўйдик. Шу кўни тоғам отам амаллаб ойимларни қўриб олдилар. Адамларнинг йи-га берган 200 сўм қарзини сўраб туриб олдилар. Дунёда ҳеч қачон эркак қарзини йиғламасин экан. Эртасига бир амаллаб лашларини кўриб юбордик. Ҳаммаси ўшандан кейин бош қарзимизни бериб юбордик. Ҳаммаси ўшандан кейин бош амаллаб ота-онам, укаларим билан иморатнинг пойдеворини қўйиб олдик. Шу бўйича 3 йил ётди. Сўнг бир амаллаб

мансабдагиларнинг буйруғи билан қўшиб ёзиш ишига аралашиб қолган. Шу айб билан 1986 йилда 11 йил озодликдан маҳрум қилинди. Ҳозир акам меҳнат колониясида жазо муддатини ўтамоқда. Акамнинг 8 та фарзанди бор, ҳаммаси ёш, гапга тушунмайдиган, энг каттаси эндигина 12 ёшда. Хаста онамни, янгамни, шу билан бирга мени ҳам ана шу 8 та норасиданинг тақдири ўйлантиради. «Болалар бизнинг келажагимиз», «Ҳамма нарса болалар учун» деган шиорлар бор. Шундай экан, болалар тарбияси, келажаги учун ота меҳри жуда ҳам зарур. Улар «бизнинг отамиз қаерда? Нимага ҳамманинг отаси уйда, бизнинг отамиз уйда йўқ?», дея юрак-бағримизни қон қилиб юборишади. Уларнинг айби нимада? Ахир мақол бор-ку. «Вой амр қилмаса бойвачча хатир қилмайди», деган. Акам ахир кичик одам, бор-йўғи буйруқни бажарган. Қолаверса, қўшиб ёзишнинг моҳиятига тушуниб етмаган, ахир! Бизга акамнинг ишини енгиллатишга ёрдам беришингизни сўраймиз. Ёш гўдаклар, хаста онам ҳаққи-ҳурмати, илтимос. Умид билан сизга мактуб йўлловчи доимий мухлисингиз Уроқова Барно. Самарқанд вилояти Нарпай тумани.



Мен Фарғона Политехника институтини механика факультетининг биринчи курсида ўқийман. Уқшига ўз билимим билан кирганман. Агар ҳар бир ўқувчи мактабда асло баҳоларга ўқиса, дарсдан тайёралик пайтларда ҳам ўзи мустақил таъёрланиб бурса, билим машаққатларидан қочмас, олий ўқув юртлирининг эшикларини тўғридан-тоғри очиб, деб ўйлайман. Хагимни жур-налда босиб чиқарсангизлар, Токи, билим бор ёшлар ҳеч иккиланмасдан, кўрқмасдан олий ўқув юртларига ўқишга борсанлар.

Мен сизга бу ҳақда иккинчи марта ёзишим. Одамлар «ёзганинг билан ҳеч нарса чиқ-майди», деб айтади. Утган йили «Еш ленинчи» деб айтади. Ўтган йили «Еш Советга» газетасига ёзганим, қишлоқ дагилардан «қаерга ёзсанг томорқа билан жавоб хати келди. Лекин бу ер-жаваб бирор нарса топалмасан», деган керак идорига икки йилдан буён қатнаш-Утирган жойимиз тор. Уйимиздан зах-қиб олган. Оилада 7 кишимиз. Акам ҳам оиласи билан шу ерда. Мен харбий хизмат-дан ногирон бўлиб қайтганман. Қишло-гимизнинг ҳам муаммолари кўп. Пуллари-миз қишда лой, ёзда чанг бўлиб ётади. Қачон биз ҳам одамларга ўқшаб яшаркан-миз?

Қашиқадарё вилояти Чироқчи тумани Рўзимурод Очилов

пахсасини кўтардик. Охири, кучимиз етмай юбордик. Энди бу ёғини сўрасангиз, шаҳарда уйларнинг нархи фалон сўм экан. Бир амаллаб қулбача сотиб олдик. Опаларимнинг бўйи етиб қолган. Келган совчилар ҳам худди ўзи эмас, уйи керакдек қайтиб келиб нима ҳам қилишадими?! Кундуз борди-келди йўқ. Ахир ҳаммаси амалдор бўлгандан кейин кунни-ку яхши, укаларим ҳовлида ўйнаб юришади. Кеч бул-ганда эса қўйларни кичик кўрага қамагандек тиқилишиб ётамиз. Ҳеч қандай шароит йўқ. Яқинда уйимиздан кулиб кетди. Тегишириш учун келган ҳамшира устимиздан кулиб кетди. Қаердандир комиссия келиб устимиздан кулиб кетди. «Берамиз», деган эди. Ҳали дарак йўқ. Наҳотки, яна шу бо-ришда йиллар ўтса. Хурматли «Еш куч», мададкорим, биргина умидим сен-дан. Бизларга одамлардек яшаймиз учун ёрдам бер! Ахир қанча-қанча менга ўқшаганларга ёрдам кўлини чўзгансан... Ёш бўлишимга қарамай юрагим санчиб оғрийд.

Тошкент шаҳар Луначарский шоссеи 232-уй. Мухаббат АБДУЛЛАЕВА.

Катта ота-мактаб уюблар

4. Хурमतойнинг нотўғрилиги шундаки, нима бўлганда ҳам у олимпиададан жанжал чиқармай келиши керак эди. Сўнгра директор, директор ўринбосари ва ўқитувчилар билан биргаликда Дилфузанинг немис тилидан борган болани нега математикага олиб кириб кетганлигини муҳокама қилиши керак эди.

5. Хурमतой Тамара дарс ўтаётган синфга таълим-тарбия бўйича директор ўринбосари билан кириш керак эди.

Гапимнинг охирида шунини ёзмоқчиманки, бизнинг ҳам ўғил-қизларимиз бор. Уларнинг ҳам ўқитувчилари шундай бўлса, келажакда биз уларни олий ўқув юр்தларига ўқишга эмас, тўғридан-тўғри пахтазорга ёки қурилиш ишларига ишчи қилиб юборишимиз керак! Сирдарё вилояти Меҳнатобод райони Беруний номли 7-мактаб коллективи орасида ўқитувчи номига нолийқлар ҳам бор экан. Наҳотки, шу гапларни журналга чиқармасдан ҳал қилиш қийин бўлса, ўртоқ мактаб директори Рустам Каримбердиев?!.

Йўлдош ҲАМРОЕВ,
Беруний шаҳар Киров кўчаси 2-уй.

Мақолани ҳам ҳайрат, ҳам аяқ билан ўқидим. Мен ўқитувчиларнинг энг мураккаб санъат деб билман. Бу касбга ўзининг бутун умрини бахшида этган олижаноб қалб эгаларини ниҳоятда ҳурмат қиламан, уларга ўхшагим келади. Мақолани ўқигач эса педагоглар орасида «тарбияга муҳтож тарбиячилар» борлигига ажабландим, ачиндим. Ахир ҳадемай давлат имтиҳонлари топшириши керак бўлган, мактабни тугатиб олийгоҳларга киришни орзу қилиб юрган тенгдошларим математикадан бир ойдан ортиқ сабоқ ололмайд қолишса-я!

Мақолани ўқир эканман, «Педагог обрўсини топиш учун чуқур билим эгаллаб, ақлу одоб касб этиб, бир умр ҳалол ғийбат чекмоқ лозим, лекин ундан айрилиш учун битта ақлсиз ҳаракат кифоя» эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Очигини айтсам, бу мактаб коллективи орасида ўзаро ҳурмат, ҳамжихатлик, меҳр-оқибат етишмас экан. Ҳаёлан мақолада тилга олинган ўқитувчилар билан ўз мактабим ўқитувчиларини таққослаб, улар билан қанча фахрлансам ҳам арзигулик эканлигига тан бердим. Чунки Тоҳир Расулов, Дилбар Хусайнбекова, Едгора Иброҳимова, Расул Жуманиёзов, Аҳмадҷон Тиллаев, Малика Сулаймонова каби қалби кенг, ширинсўз, меҳрибон, айни пайтда талабчан ўқитувчиларимиз бизга нафақат дарсликдан, балки меҳру-оқибатдан, одамийликдан, ахлоқ-одобдан ҳам сабоқ берадилар.

Шаҳло ЙўЛДОШЕВА,
Урганч шаҳридаги 2-ўрта
мактабнинг 11-синф ўқувчиси.

Мақолани ўқиб мактаб директори Рустам Каримбердиевдан кўнглим қолиб кетди. Нима учун раҳбар одам ўз ишига лоқайд қарайди? Шу синф ўқитувчилари ҳам тўғри иш қилишмаган. Ахир, битирувчи синф ўқувчилари катта умид билан олий ўқув юр்தларига борамиз деб турганда математикадан «2» ва «3» баҳо олишса. Агар менга қолса кадрлар етишмаслигига қарамай жанжалкаш ўқитувчиларнинг баҳридан ўтардим, ҳатто директорини ҳам. Ахир нега у давлат ҳужжати — битирувчи синф журналининг йўқолишига бефарқ қарайди, жанжалларни бартараф этолмайди?

Эртанги мактаб қандай бўлмоғи лозим? У — тарбияли, истеъдодли ўқитувчилар билан тўла бўлиши керак. Аввало мактабда тарбия биринчи ўринда туриши лозим. Кейин мактабларда ҳар бир фандан алоҳида ўз мутахассислигига эга ўқитувчилар бўлиши керак.

Маҳфуза ЭРҒАШЕВА,
Қўрғонтепа ноҳиясидаги
27-мактаб 11-синф ўқувчиси.

Мен бу хатни ёзмоқчи эмас эдим. Кейин ўқиб, ҳаяжондан қандай қалам-қоғоз олганимни билмай қолибман. Ўқитувчилар устидан ёзиш қанчалик қийин бўлса ҳам ошкоралик пайти ёзишга мажбур бўлдим.

Ўзим ўқувчи бўлганим учунми, мақолани аввал ўқиб ишонмадим. Кейин яна ўқидим. Наҳотки шу рост бўлса? — деб ўйга толдим. Узлари жанжал чиқариб аламини ўқувчилардан олишса. Бу қандай гап? Болаларда нима гуноҳ? 7-мактабнинг рус тили ўқитувчиси Лутфуллаевнинг кўполлигидан қаттиқ

ранжидим. Ахир бировнинг фарзанди мактабга билим олиш учун келсаю, сиз унга тартиб берингиз. Буни қандай тушуниш мумкин? Шу ерда фалокат юз берса нима қилардингиз? Унинг ота-онаси ўрнига ўзингизни, Гулчехранинг ўрнига ўз қизингизни қўйиб кўринг. Бундан кейин шундай қилмаслигингизга ким қафолат бера олади?..

Йўқ, сиз Гулчехралар ва Воҳидҷон каби ўқувчилардан тарбия олишингиз керак экан. Менимча, сиз ҳам Дилфуза ва Тамара каби Хурमतой опа билан келиша олмагансиз. Шунча гап-сўздан кейин ҳар ким ўз хатосини тўғрилалар. Лекин, мени кечирасизу, Хурमतой опа, сиздан ҳам ўтган.

Сўзимнинг охирида эртанги мактаб ҳақида. Энг асосийси, мактабга билимга ташна ўқувчи керак. Мактабга ҳақоратловчи, ўч олиш учун юрган, кўпол ҳаракат қиладиган ўқитувчилар керак эмас.

Каромат ҚУРЁЗОВА,
Шовот ноҳиясидаги Пушкин номли
мактаб ўқувчиси.

Мақола муаллифининг ўқитувчи ва ўқувчилар учун керакли бўлган сўзларига албатта тўғриликман.

Ўқитувчилар болаларга билим, тарбия бериш, адолатга, халқпарварликка, инсонпарварликка ундаш ўрнига жанжаллашиб ўтиришса?.. Майли, жанжаллашибди ҳам дейлик, лекин шунини деб ўқувчиларнинг азият чекиши ачинарли. Улар ўқувчиларга, ўз касбдошларига яхши муомалада бўлиб, бир-бирини иззат-ҳурмат қилсалар, бир-бирига нисбатан кўпол сўзларни ишлатмаганларида эди, бу воқеа бўлмас-миди?

Қодир БУРОНОВ,
Советобод туманидаги 55-ўрта
мактаб ўқувчиси.

Ассалому алайкум ҳурматли Адҳам Даминов! Мен «Ёш куч» журналининг 10-сонидан берилган «Муаллимлар жанжаллашгани...» ҳақидаги мақоланингизни қайта-қайта ўқиб чиқдим. Мен ўша мактабда ўқиганман. Биз Фарғонадан у ерга 1985 йил баҳорда кўчиб борганмиз. Мен сиз ёзган воқеаларнинг ҳаммасидан ҳабардорман. Сиз мақолани ўтган йилги ноҳия олимпиадасидан бошлабсиз. Мен ҳам гапни шу ердан бошлайман. Мен бу мактабни каптархонага ўхшатгим келади. Чунки бир ўқитувчи келади-да, бир-икки йил ишлаб яна ғойиб бўлади. Шунинг учун ўқувчилар яхши билим ололмайдилар. Дилфуза опа билан Хурमतой опанинг бир ўқувчини талашиб сабаби ҳам шунда. Ахир мактабда ўша ўқувчидан бошқа тузукроқ билимли ўқувчи йўқ-да!

Ҳ. Мамадалиева дарсни яхши ўтади. Бирор байрам ёки концертларга ўқувчиларни пухта тайёрлайди. Лекин дарсни билмайдиган ўқувчилардан ўзининг «ширин» сўзи ва калтақларини аямайди.

Мен Дилфуза Мукаррамовани ҳам жуда яхши билман. У киши билим беришда ҳам, одоб-ахлоқда ҳам жуда яхши. Дилфуза опа Ҳ. Мамадалевани ва унинг синфидаги қизларнинг одобсизлигини жуда кўп танқид қилгани учун юқоридаги жанжал келиб чиққан. Мен Ўзбекистон халқ таълими вазирлигидаги амакилардан илтимос қилардимки, ана шу мактабга

тажрибали мутахассис ўқитувчилардан юборишса. Қишлоқ мактабларида ўқитувчилар жуда кўп. Ҳатто, энг тажрибали математика ўқитувчилари ҳам мактаб кутубхонасида ишлаб юришади. У ерда эса... Ўқитувчилар камлиги ҳам майли-ю, борлари ҳам дарсни яхши ўтишмайди. Кун ўтса бўлди. Ким ишонмаса, бориб дарсларга кириб кўрсин. Бунга ўқувчилар ҳам ўрганиб қолишган.

Ҳурматли Адҳам ака! Мен мақоланингизни айни пайтда ёзилган деб ўйлайман. Мени бу воқеалар жуда қийнаб келган эди. Албатта, бу камчилиكنинг олди олинади, деб умид қиламан!

Мен бир нарсага ачинаман, шундай катта бир мактабга ҳеч ким эътибор бермаяпти. Бу мактабдан қанча-қанча педагоглар, докторлар чиқиши мумкин эди. Лекин ўқитувчиларнинг аҳволи шу бўлгандан кейин ўқувчилардан нимани ҳам кутасиз...

Жўмағул УМАРОВА,
Тошлоқ ноҳияси М. Горький жамоа
хўжалиги.

МАҚОЛА МУАЛЛИФИДАН: Мана муҳтарам журналистлар, мақола ҳусусида жумҳуриятимизнинг турли ҳудудларида яшовчи муштарийларимизнинг фикр-ўйлари билан танишдингиз. Уларнинг ҳеч бири мактабда — таълим-тарбия даргоҳида юз берган жанжални ёқламаган. Айниқса, бу мажароларнинг ёш авлод келажакка, билим ва тарбиясига салбий таъсиридан қаттиқ қайғуришган. Ахир ўзбекларнинг бир гапи бор: «Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кетади».


Мактабларда эртанги кун мактаби қандай бўлмоғи кераклиги тўғрисида ҳам ёзишди. Бизни хат йўллаганларнинг аксарияти ёшлар — юқори синф ўқувчилари, аниқроғи қизлар бўлгани ҳам қувонтирди, ҳам ажаблантирди. Қувонарлики шундаки, ёшлар ўз тарбияларига, келажакка бефарқ эмас. Ажаблантирилмас шундаки, наҳотки ёшлар ҳақида, келажак мактаби ҳақида, катталар, бу соҳада неча йиллардан буён ишлаётганлар, қолаверса шу даргоҳда нон топи оиласини боқаятганлар кизиқмайди?! Наҳотки улар келгусида мактаб қандай бўлиши кераклиги, таълим-тарбия ҳусусида оғизда эмас, амалда қандай тадбирларни юзага чиқариш лозимлигини ўйлашмайди?..

А. ДАМИНОВ,
«Ёш куч» муҳбири.

Таҳририятдан: Биз маззуга қайтиб ушбу мақолани чоп этарканмиз, кўнглимизда бир ўқинч қолмоқда. Мана дастлабки мақола чиққанига прим йилдан ошди, лекин Сирдарё вилояти Меҳнатобод ноҳиясининг 7-мактабидан салбий ҳолатлар бартараф этилган-этилмагани тўғрисида бу мактаб маъмуриятдан, на ноҳия халқ таълими бўлимидан [муздир О. Орипов], на Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармасидаги мутахассислардан икки зилли жавоб хати олдик. Бу ҳам ана бир бор Сирдарёдаги раҳбарлар маориф соҳасидаги муаммоларга қай даржеда муносабатда бўлаётганларига ёрқин мисолдир. Балки буларни ўқиб энди бирор мулоқозга келишар... Биз улардан ҳамон жавоб кутмоқдамиз.



Сабоқдошларнинг ҳордиқ онлари.
Суратчи — А. КУДРЯШОВ.



ИҚБОЛ

Жаридамизга шеърят мухлисларидан кўплаб мактублар келади. Аксарият хатларда «Шеър қандай ёзилади?» деган савол кўндаланг қўйилади. Азизлар, шоирликнинг мактаби йўқ. Унга мустақил ўқиш, муталаа орқали эришилади. Шундай бўлса ҳам, барча хатларга жавоб йўллаш имконияти бўлмаганлиги сабабли, биз ёш шоирларга анкета саволлари туздик. Уйлаймизки, унга берилган жавоблар барча ёш ҳаваскорларга ибрат мактаби бўлади. Биринчи сўз навбати умидли шоир Иқболга.

Савол:

- 1. Олий ўқув юртига қандай киргансиз?
2. Шеър ёзишни неча ёшдан бошлагансиз?
3. Авлодингизда шоир ўтганми? Нима учун шеър ёзасиз?
4. Шоирлардан кимларни кўпроқ ўқийсиз?
5. Қайси фаслда, қай пайтда кўпроқ ёзасиз?
6. Режаларингиз билан ўртоқлашсангиз.

Жавоб:

- 1. 1984 йилда Фаргона дорилмуаллиминининг чет тиллари факультети толиби бўлдим.
2. Аниқ эсимда йўқ. 1977 йили ноҳия рўзномасида шеърим босилган.
3. Тоғам Ғуломжон Абдуллаев яхши шоир.
4. Навоий, Фузулий, Огаҳий...
5. Кўпроқ қишда ёзаман.
6. Уйлансамми ё зўр шоир бўлсамми, деб турибман...

Алдов

Ишонма... Алдадим... Ойни чилдирмадек чалганим ёлғон, Зуфоф кечасига келинни чорлаб. Бармоғимдан сирқиб, томчиган қондан Эриб битгани йўқ қиррадор қорлар.
Ишонма... Алдадим... Эшиги зичланган бу менинг ҳужрам, Тушимга кирмадинг нурдек сирғалиб.
Ишонма... Алдадим... Зумуррад тонгларим сенга армуғон. Қуёшни пуф — пуфлаб, тугиб эдимми?
Учқур тахайюлим бўлсин аргумоқ, Учиб кел, учиб кел, учиб... дедимми?

Ишонма... Алдадим...

Уйласам, дилимни куйдирган олов, Куйласам, тилимни қонатган пайкон, Қучсам, қучоғимни чок этган абру, Менинг имконимга сиғмаган имкон... дедимми?

Ишонма... Алдадим...

Ойни чилдирмадек чалганим ёлғон, Никоҳ кечасига ўзингни чорлаб, Юрак гупиллайди — бир ҳовуч талқон... Энди ҳеч ким бузмас тинчингни зорлаб!

Ишонма... Алдадим...

Ҳижрат

Ўз ўгириб кетарман ёлғиз, Фаргонада юзлар қолади. Бўғотларда қайралган илди — Сумалаклар, музлар қолади.
Шеърларимга лаб босадиган Куйдирмажон қизлар қолади. — Шўринг қурсин, шўрлиг-ов! — деган Оқиш дала тузлар қолади.

Мени душман деган ва энди Пушмон еган дўстлар қолади. Лабларида пуфакдек енгил Тебранувчи сўзлар қолади.

Мен кетарман. Оғир қадамнинг Нафасидек ҳислар қолади. Бари ўчар. Фақат, онамнинг — Манглайда излар қолади!

Шамолдан шошқалоқ шамоллар келур, Ҳалқумга ханжардек ҳилоллар келур, Сийнамдан ситилган саволлар келур: Раҳмингиз келмасми?

Бу бўм-бўш боғимга баҳорлар келгай, Умидлар уфуриб, уфорлар келгай, Ғариб ғораглардан ғуборлар келгай: Раҳмингиз келмасми?

Сочлари сойланиб, санамлар келса, Қайрилма қошлари қаламлар келса, Азоблар, андуҳлар, аламлар келса Раҳмингиз келмасми?

Кунларим кулларга кўмилиб кетмиш, Тунларим тангадек тўкилиб кетмиш, Сабрнинг сарпоси сўкилиб кетмиш: Раҳмингиз келмаса... Узингиз келинг!

Сизга боқсам кўзим қамашар, Нурлар бағрим тилаверади. Юзингизда моҳитоб яшар... Сизни кўргим келаверади.

Гуноҳларим бордир заҳарчил, Мени чўғга белаиверади. Қароғларим кул бўлган гарчи... Сизни кўргим келаверади.

Кўзим куюк... Кўзим куяди... Қизлар мендан кулаверади. Юзларимга ёстиқ суяди... Сизни кўргим келаверади.

Қушларим бор. Қушларим — ўйноқ, Кўксимдан чўғ тераверади. Не кўргулик кўрмадим. Бироқ — Сизни кўргим келаверади, Сизни кўргим келаверади...

ШЕЪРИЯТ

Абдували акага ҳазил

Ҳаккага анграйиб қараган, Лабини аланга ялаган, Тишлари оқариб кўринган тандир Болалигимдир.

Ҳали гард юкмаган чиний коса, Ҳали дарз кетмаган нақшин кўза, Оловли хўрсиниқ — ўсмирлик.

Этаклари ҳирпирак шамол, Кўзларимни боғлаган рўмол, Забонимни кесган қиз қоши — Йигитлик ёшим.

Эриниб, ҳомуза торгган, Ғўзапоя қорайтган, Тишлари тўкилиб тушган тандир Келажагимдир...



Кечикиш

Кечикдим. Дарбозанг ёнидаги тош Тошлигини тушуниб етдим. Кечикдим. Дарбозанг шамолга осилиб, Ғийқиллаб куларди устимдан. Кечикдим. Дарбозанг пойида ҳеч бир Гуллар йўқлигини пайқадим. Кечикдим. Бошимни урмадим, ёшимни тўкмадим, Раҳматли севгим ҳурмати Узимни, кўзимни аядим. Кечикдим. Йўл юриб келгандим, Мўл юриб келгандим. Оч эдим, Юрагим шартга юлиб, едим... Кечикдим. Улгурдинг кечикишимга...



Васл

Сочларинг зулматига адашиб қолдим ё раб, бу қандай ўрмон бўлди? Сочларинг кулфатидан Кўз олдим бўлди қора — бу не шабистон бўлди?
Ойдин қўшиқлар айтдим — кокулларингдек узун, энг гўзал дoston бўлди. Қўшиқ чақнаган пайтчу қумрилар юмди кўзин, булбуллар мастон бўлди.
Қўнғироқ зулфинг, эй, қиз, Майин қўнғироқ чалди — Сел бўлган — осмон бўлди. Лабларим билан қирмиз Атиргул топиб олдим, олам гулистон бўлди, олам гулистон бўлди!

ЎЗИМ ҲАР ЖОЙДАМАН,

Бу авлод вакиллари ҳозир етмишининг у ёқ-бу ёғида. Ўзбек романчилигини бойитган, лирика соҳасида янгиликка интилган, поэмачиликда жиддий изланган, шеърин роман намунасини берган, адабий ҳаётда фаол бўлган. Бу авлоднинг ани характери шаклланадиган, ҳаёт ҳодисаларини кўнгилга яқин оладиган даври шахсга сизгиниш авж паллага кўтарилаётган, мафкурадаги яқка ҳокимлик шиддатли босқичга кираётган даврга тўғри келди. Бинобарин, ҳам ижоди, ҳам ҳаёт йўли ёшларга сабоқ бўларли адиблардан бири — 70 ёшни қаршилаган МИРМУҲСИНга танқидчи Абдуғафур РАСУЛОВ саволлар билан мурожаат қилди.

— Мирмуҳсин ака, Жайхунимиз, Сайхунимиз тўлиб-тошиб ётганида, лиммо-лим Оролимиз мавжланиб турганида, дарё, денгиз сўзларини камроқ ишлатардик. Орол қуриб, дарёлар узук-юлуқ ирмоқларга айланиб қолганида тилимиздан «дарё», «денгиз» тушмай қолди. Келинг, биз ҳам ўзбек адабиётини тўлиб, айқириб оқаётган дарёга қиёслайлик. Дарё булоқлардан, ирмоқлардан бошланади, куч олади. Адабиёт дарёси узлуксиз, яхлит бўлса-да, ҳар бир булоқ, ҳар бир ирмоқ суви, оқиши ўзгача. Мирмуҳсин булоғи, ирмоғи адабиёт дарёсига қандай янгилик, ўзгаришлар киритди? Албатта бу саволнинг жавобини адабиётшунос танқидчилардан эшитиш жоиз эди. Лекин Сизнинг ўз қарашингиз ҳам қизиқарли.

— Дарҳақиқат, бизнинг ўзбек адабиётимиз узок тарихга, чуқур илдизларга эга. Уни дарёга қиёс этишингиз бежиз эмас. Она юртимизни, ота халқимизни қанчалик яхши кўрсак (улардан бошқа жондош, бебаҳо яна нимамиз бор!), адабиётимизни ҳам шунчалик яхши кўрамиз. Бу муҳаббат, юракка тушган бу учқун 14—15 ёшларимдан аланга ола бошлаган — шу ёшдан шеърлар ёза бошлаганман. Бизнинг ўзбек адабиётимиз, яъни туркий адабиёт Абу Наср Форобий, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, бу томони Рашидиддин Ватват, бу томони Афросиёб, Сиёвуш замонасига боради. Искандар Зулқарнайн истилосида, Туронда — «Икки дарё ораллиғида ажойиб шоирлар бор» лиги ҳам бизга маълум. Туркий адабиётнинг ҳеч шубҳасиз мелодий ҳисоб билан X—XI асри буюк Хоразмшоҳлар, Қутбиддин Муҳаммад, Аълоиддин Отсиз, Абдулфатҳ Эл-Арслон Хоразмшоҳлар даври биринчи кўтарилиш — тараққиёт даври бўлса, иккинчи тараққиёт — XV—XVI аср буюк Амир Темур, темирлийлар даврида юксак чўққига кўтарилдики, бу даврда бизнинг катта илдимиз бақувватлашиб, Мовароуннаҳр ва Хуросон илму маърифати жаҳонни тутди. Самарқанду Ҳирот, Бухорою Машҳад, Шошу, Кешу, Гурганж... номи ер юзининг узок қитъаларига етди, аввалдан бошланган Буюк ипак йўли бизнинг заминимизга яна ҳам равнақ берди. «Сертўлқин ўзбек адабиёти» иборасини айтганимиз сабабли камина ҳам тўлқинланиб кетди, азбаройи муҳаббат сабабли ушбу гапларни айтиб юбордим. Бухоройи шарифдаги Минораи Калон билан Москва умри деярлик баб-баробар, сомониёлар ҳукмдорларидан Арслонхон қурдирган бу беқиёс ёдгорлик Москва билан бир вақтда баробар қурилгандир — бу машҳур маёқ хусусида ўша даврда қанчалаб шеърин асарлар ёзилмишдир.

Адабиётимизни оқар дарёга қиёс қилганингиз ҳам жуда ўринли; Уксарт (Сайхун, Сирдарё), Уқуз (Жайхун, Амударё) жуда қадимий, номлари ўзгараберади, аммо дарёимиз ўзгармайди! (Тўрт юз йиллик тарихга эга Хадрани Комсомол майдони қилиб ўзгартганимиздек, Сирдарёни «Комсомолка» қилиб ўзгартганимизга шукр қилиш керак!) Албатта дарёлар бир қараганда, сою ирмоқлар, сизоту булоқлардан қўшилиб улғаяди, аслида осмонлар буюк тоғларимиз, унинг остидаги оппоқ қору музликлар.

(Бу музликка ҳам Федченко, деб муҳр босилган омон бўлсин! Булутларнинг йўли ўзгармасин!) Техника тараққийси дарёларимиз сувини бузиб, оқ булутлар йўлини ўзгартириб юбормоқда. Бу жуда ёмон, жангу муҳорабалар Буюк ипак йўлимиз обидаларини вайрон қилганидек, ўйланмаган техника тараққиёти табиатимизни бузмоқда, бу эса адабиётимиз равнақига ҳам катта зиён етказмоқда.

«Дарё» оқаберади, каминага ўхшаган минг-минг «булоғу» «ирмоқлар»ни ўраб, бағрига олаберилади...

Камина шеърятда тушуниш қийин бўлган ўта мураккабликдан халқчил соддаликка интилдим, бу ҳам бўлса шеърхонлар доирасини кенг тутиш маъносиде. Ведал билан Муқимий шеърятдаги фарққа эътибор беринг.

Иккиламчи, она юрт тарихини, мингдан бир кемтигини ёзиб тўлдириш, ҳозир укаларим айтётган, ўзлгимизни танишдаги катта курашга озгина ҳисса қўшса бахтиёр бўлардим. Мовароуннаҳр она-юрт тарихи шу қадар бойки, уни яна кейинги икки асрда дунёга келадиган қаламкаш авлод ҳам ёзиб тугатолмайди.

— Сизни «адиб» десак, бой шеърятингиз камровсиз қолади, «шоир» десак, роман, қисса, ҳикоя, очеркларингиз «ранжийди». Ҳозир ижодкор Мирмуҳсинга шеърят ҳақида савол бермоқчиман. Назмда сиз қўл урмаган жанр йўқ, ҳисоби. Ўзбек шўро адабиётидаги илк шеърин романнинг муаллифисиз, кўп-лаб дostonлар, балладалар, шеърлар ёзгансиз... Шулардан кўнглингизга яқинларини айтсангиз.

— Асарлар ҳам адибнинг фарзанди. Ҳеч бир ота ўз фарзандини ёмон демайди, лекин бу гап ҳам нисбий. Улуғбек Мирзо ўз фарзанди Абдулазиз Мирзони Абдуллатифдан кўра кўпроқ яхши кўрган. Қирол Лир кичик қизини... Камина «Уста Ғиёс», «Широқ», «Бобур ва бир тилим Фарғона қовуни», «Дўнан», «Зиёд ва Адиба», деярли барча лирик шеърларимни кўрсатардим.

— Сўнги ўттиз йиллик ўзбек насри тилга олинар экан, «Умид», «Чинқиш», «Дегрез ўғли», «Чотқол йўлбарси», «Меъмор», «Темур Малик», «Илдизлар ва япроқлар» романларингиз, қисса, ҳикояларингиз ёдга тушади. Сизнинг ижод маҳсулингиз шунчалик мўлки, ижодкорнинг меҳнатсеварлиги кишини ҳайратга солади. Рухсатингиз билан ижодий жараёнингизнинг баъзи масалалари билан қизиқсам: а) Сиз умр бўйи давлат идораларида ишлаб келгансиз. Ижодга вақтни қандай ажратасиз?

б) Ҳар бир бадиий асарнинг ўз тарихи, «туғилиш» жараёни бўлади. Битта роман яратилишининг ўзи бир тарих. Ният, гою, материал тўлаш, характерларни «пишитиш» — ижоднинг ички томонлари. Шу жараён Сизда қандай кечади? Ниҳоят, оппоқ қоғозни қўлга олганингиздан кейинги жараён? Баъзи оқсоқоллар, масалан, битта бетда битта сўзни ўчирса, шу варақни давом эттирмас экан... Ёзиб бўлинган асар устида қандай ишлайсиз?

— Буюк шоир Муқимий: «Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сендадир...» деганлар. Чин

муҳаббат юракда экан, ижод қилмоқ учун на ишу амал, на ташвишу на тантана, на очин-тўқин қолиш, етишмовчилигу на тўлиб-тошиб бой бўлиб кетмоқ, бадавлат бўлмоқ... Ҳеч нарса тўғаноқ бўлолмади! Ҳатто на тахту равон ва на зиндону сиртмоқ... Чинакам муҳаббатнинг Мажнунона кучи шунда. Саройда вазири аъзам даражасига кўтарилган, амалдорликда подшоҳ Хусайн Бойқаронинг ўнг қўли Низомиддин Амир Алишер Навоий хизматлари халқ дарди-ю адабиётни ҳамма ишлардан юқори қўйганликлари, олтимиш ёшга етмаган бўлсалар ҳам дунёга тоғувлик, хўб ва кўп асарлар ёзганликлари ҳаммамизга маълум-ку! Бир мақоламда унутилмас биродаримиз Шароф Рашидовнинг беш соатга чўзилган маърузаларини ўртада йигирма минутлик танаффуси билан катта залда қилт этмай ўтириб «тинглаганим»ни эслайман. Баъзилар ухлаб қолганида мен ухламаганман. Шу беш соатда «Темур Малик» романининг иккинчи қисми воқеаларини ўйлаб, пишитиб олганман. Мажлисларда ўтиришга ўтирардик, интизом керак, албатта, аммо «ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сендадир...» бўларди. Ишлайдиган одам учун вақт етарли! Ҳатто каминани телефон станциясига диспетчер қилиб қўйсалар ҳам барибир ўз ишимни қилмай илож йўқ. Уч ой ижодий отпускка олиб ёзаман, ижод қиламан деган одамларга кулгим келади! Таътилни ҳам олишади, сунъий, бемаза тарракни ҳам қўлтиқлаб келганларини кўрганман. Ёзадиган одам ҳар куни, ҳар соат ёзади.

Асар устида қандай ишлайсиз, дейсиз. Эл қатори! Лекин камина фикрни қоғозга туширгач, устидан кўп таҳрир қиламан. Бўйяман. Обдон бўйяман. Лекин марҳум Ҳабибулло ака бир суҳбатда айтган эдиларки, оталари Абдулла Қодирий аввал фикрни мияда обдон пишириб, кейин қоғозга туширганлар. Ижодхонамда буюк Қодирийнинг ихчам бюсти ва ўз ҳовлисида хонтахта ёнида ўтириб, «Утган кунлар»ни ёзаётган жараён тасвирланган сурат бор. Буни қаранг, мана шу сурат ҳам баъзан кишига иштиёқу илҳом, ғайрат бахш этади.

— Бир асар тарихи хусусида суҳбат бошласак Сиз қайси асарингизни танлаган бўлардингиз?

— Меъмор»ни. Агар буни хоҳламасангиз «Умид»ни. Уни ҳам хоҳламасангиз «Темур Малик»ни...

— «Меъмор» романингиз ўрта мактаб дарслиklarига киритилляпти, ўқувчилар ҳурматини қозонган. Шу асар тарихи хусусида суҳбатлашсак.

— Илгари мактаб дарслиklarига баъзи ижоддан жўн, супраси қуруқлар «юқори»нинг топшириғи билан киритилган. Номларини айтмасак ҳам сезиб турибсиз. На Беҳбудий, на Қодирий, на Тавалло, на Фитрат, на Ҳувайдо, на Чўлпон, на Элбек, на Усмон Носир... киритилган. Ҳасад ёмон нарса, каминанинг тенгдошларидан ҳам ҳеч ким йўлатилган эмас, ваҳоланки, Улуғ Ватан урушидан кейин анча-мунча «элликбойлар» бу ишга муносиб эди. Уларнинг асарлари Иттифоқ миқёсига чиққан, қардош адабиётларда маълум ва ҳатто уч қатла нашр этилган Катта Совет Қомусига киритилган бизнинг авлод вакиллари адиблар бор эди. Ҳасад ўлсин, ҳасад — дарди бедаво! Турғунлик давридаги энг ёмон иллат мана шу!

Энди «Меъмор»га келсак, бу мавзу жуда анча йиллар илгари юракка тушган эди. 1954 йили Тошкентта Бразилиянинг машҳур адиби Жоржи Амаду саёҳатга келди. Тошкент, Самарқанд ва Бухоро саёҳатида йўл-

КЎНГИЛ ИЖОДАДА

дош бўлмоқ каминага топширилди. Шу баҳона ўзим ҳам тарихий ёдгорликларимизни қайтадан кўрдим, самарқандлик академик Воҳид Абдуллаев каби фозиллар билан суҳбатлашдик. Жоржи Амаду Регистон майдони ўртасида туриб, дам Шердор мадрасасига, дам Тиллакори, дам Улуғбек мадрасаларига маҳлиё бўлиб, ҳайратланиб, кулимсиради. Бу ёдгорликлар Лотин Америкасида ҳам маълум, умуман Самарқанд — Бухоро бизга маълум деди. Бу ерларнинг ҳар қаричи — тарих, деди. Агар мен шу ерлик бўлганимда, мана бу — Улуғбек мадрасаси тарихини ёзардим. Ўрта аср меъморчилиги бекиёс. Сиз, жаноб Амир Муҳсин (у негадир менинг номимни икки бўлиб, Амир Муҳсин деб айтарди) нега тарихий асар ёзмайсиз? Айниқса, Самарқанду Бухоро тарихи Лотин Америкаси халқларини жуда қизиқтиради, деди Амаду. Шу даврдан бошлаб, камина манбалар, китоблар, рисолалар тўплашга киришдим. Рус, француз, турк, инглиз тарихий романларини рус тилида ўқиб чиқдим. Мен бу асарни тахминан беш йил давомида ёздим. Лекин ўзингиз биласиз, нашриёт режаси, кутиш, айниқса, илгари тарихий асарларга ёмон кўз билан қараларди, ҳамма ерда қарама-қаршиликка учрарди. Шу асаримни китоб ҳолида кўрармиканман, деган хаёллар ҳам кўнгилдан ўтган. Муҳокамалардан кейин қайта-қайта кўчиришлар, машинисткадан кейин ҳарфий хатоликларни тузатиш ва ҳоказолар кишини жуда чарчатади, эзади. Романнывисларда шахсий котиба-машинисткалар йўқ, унга бизнинг қурбимиз етмайди. Ўнта роман ёзамиз, барибир гадолигимизча қоламиз. Ҳатто, китоб муҳаррир қўлидан чиқиб, деярли босишга тайёрланган, рассом безагач, нашриётнинг «ишлаб чиқариш» бўлимидаги қорнини ёрсанг

алиф чиқмайдиган шахслар ҳам гердайиб, қандайдир хато топиб, йўлингга тўғаноқ бўлади. Плани варақлаб, таъбингни тиррик қилади. Японлар етти кунда бир адибнинг романини босиб, қўлига илк нухсасини бераркан. Визда тамом бошқача. Нашр этмоқ ёзмоқдан қийин. Сарсон-саргардонлик суяк-суягимизга ўтиб кетган.

— Оилангизда ёзувчи, санъаткор, адабиётшунослар борми?

— Бор. Катта қизим Ҳулқар адабиётшунос, Ҳамид Сулаймон номидаги қўлёзмалар институтида илмий ходим, фарзандларим Дилсўз, Адиба — шифокор, ўғлим Улуғбек матбуотда ишлайди. Энг кичиги Гулюз — журналист, Ўзбекистон Радиосида адабиёт эшиттиришида муҳаррир. Ун икки неварам бор. Шуларнинг ичидан биронта шоирми, носирми чиқиб қолар, деган умид-даман.

— Адабиётшунослар, танқидчиларга муносабатингиз?

— Жуда яхши. Адабиётшунос олимларни, адабий танқидчиларни ёзувчилар даражасида ижодкорлар деб тушунаман, уларси адабиётимиз шону шухрати узоққа бормади. Якка отнинг чанги чиқса ҳам донғи чиқмайди. Улар моҳир жарроҳ бўлишлари керак, жаллод эмас! Адабиётимизни ҳар хил қолипларга солиб ўлчаш яхши эмас, ёки ўзининг хусусий муносабати, ўзи мансуб доира нуқтаи назаридан баҳолаш тўғри эмас. Мутлақо ҳолис ёндошиш зарур! Тиббиётдагидек «Гиппократ қонуни»га бўйсунилари керак. Бу — Қонун! Бўлмаса жарроҳ эмас, жаллодлар чиқаверади.

— Адабий авлод деганда, негадир, Сизларнинг авлодингиз кўз ўнгимга келади. Авлодингизнинг характерини қисқача ифодаласангиз.

— Ҳа, мен ўз сафдошларим, тенгқур адиблар билан фахрланаман. Бу дунёга деярли бир замонда келдик, ижод қилдик. Озгина фарқли ўлароқ кетари ҳам бор... Ҳеч ким дунёга устун бўлмайди, вақти-соати етгач, ипак қуртидек ўз толасидан уй қуриб, яъни обдон меҳнатни дўндириб, кейин капалакка айланади. Кейинги авлод тепасида руҳимиз капалаксимон учиб боради. Мен инсон руҳига ишонаман, бутун мавжудодни яратган Аллоҳга ишонаман. Киши уни ақл билан топади. Буюк мутафаккирлар «Ал-Ҳадис» муаллифлари Исломо ал-Бухорий, ат-Термизий, Имом Қаффоли Шоший, кейинчалик ҳазрат Навоий бу фикрни айтганлар. Бизнинг авлодимиз феълу жамоли, менимча, ижодда мутлақо бир-бирини такрорламаслик, оқсоқолларимиз ёнида туриб шу адабиётни юксалтиришда астойдил хизмат қилишлик мақсад бўлди. Юздан ортиқ тенгқур қалам аҳли ичида сараланиб-сараланиб, ана шу Сиз айтган сиймолар бу даврга етиб келди. Улар Маликул калом, яъни Халқ ёзувчиси деган унвонга сазовор бўлдилар. Тенгқурлар ўртасида бизнинг Буюк Шарққа хос одоб, бир-бирини иззат-ҳурмат қилиш, саломлашиш, ҳол-аҳвол сўраш ҳамда ижодий баҳс сингари фазилатлари мавжуддир. Ўттиз йил давомида, Сиз айтгандек, адабиёт юки шу авлод зиммасига тушди. Катта авлод билан бизнинг авлод ўртасида меҳр-оқибат бўлди, албатта, биздан аввал ўтганларнинг муҳтарам номларини унутмаслик керак. Улар барвақт кетиб қолдилар.

Бизнинг авлоднинг фахрланадиган томонларидан яна бири шуки, Сиз ёслаган катта авлод билан бизлар жуда яқин ижодий ҳамкорликда бўлганмиз. Кейинги авлод ҳақида гапирадиган бўлсам, камина фахр этаман, кейинги авлод ҳақида фикрим жуда юксак.

КАСБГА САДОҚАТ

ОДАМЛАР

Болагимда катта акам ҳарбийга кетганида куним ундан хат кутиш билан ўтарди. Ёзги таътилга чиққач алоқа бўлимига танда кўйдим. У ерга соат ўн иккилардаёқ таниш машина келар ва алоқа бўлимизга келган хат-хабарларни, рўномаларни ташлаб кетарди.

Мен почтачимизнинг уларни ажратишини жимгина кузатиб турар эдим. Абдуманнон амаки хатларни кўздан кечиргунча нафасимни ичимга ютиб унинг юз-кўзларига термулардим. Агар жилмайса, демек хат келган бўларди. Уни олиб бувимнинг олдига югурар эдим. Уйимизга хат билан бирга акамнинг нафаси кириб келар, хонадонимиз шодликка тўларди. Почтачи амакини шундай яхши кўриб қолгандимки, ҳатто акам ҳарбийдан қайтгандан сўнг ҳам туш пайти алоқа бўлимига боришни канда қилмасдим.

Дониёр билан танишганимда, унинг алоқа бўлимида ишлашини эшитиб қувониб кетдим. Дониёр ким дейсизми? У Тошкент шаҳар, Акмал Икромов туманидаги 132-мактаб ўқувчиси. У 11 ёшидан бошлаб мактабдан бўш вақтларида алоқа бўлимида почтачон бўлиб хизмат қилади. Аслида у ишни онасига кўмаклашишдан бошлаган экан, кейинча-

лик бу касбга меҳр кўйибди. «Узоқдаги ёру биродарлари, ўғил-қизларидан мактуб олган ота-оналарнинг қувонишини ўйласам ўзим ҳам хурсанд бўлиб кетаман, чарчаганим эсимдан чиқиб кетади» — дейди Дониёр.

Биз шу пайтгача болаларнинг ўз оиласи манфаати учун ишлашини қоралаб келдик. Ҳолбуки «меҳнат — буюк тарбиячи» деган доно нақл бор. Ёшларни ҳалол меҳнат билан пул топишга ўргатишнинг нимаси ёмон? Ривожланган мамлакатларда бой-бадавлат, миллионер одамларнинг фарзандлари ҳам қора меҳнатдан қочмайди. Ишбилармон кишилар болаларга ёшлигидан пул топишнинг машаққатини ҳис қилдиришлари бежиз эмас.

Дониёр ҳам ишлайди, ҳам мактабида комсомол қўмитасининг котиби. Яқинда мактаб ёшлари ҳамкорликда хайрли ишлар бошлашибди. Улар ҳозир бизнесменлик сирларини ўрганишмоқда. Дониёр ўрта мактабни тугатгач олий ўқув юртига кирмоқчи. Меҳнатдан — одамларга хизмат қилишдан қочмайдиган бу йигитнинг орзу-ниятига етиши аниқ. Зеро, интилганга толе ёр, дейдилар.

У. ЯКВАЛХУЖАЕВ.



А. КУДРЯШОВ ФОТОСИ

ХИЗМАТИДА

Зиёфат қизиди. Базми жаъшидга турли тоифадаги одамлар йиғилган.

Улар орасида ёшига номуносиб пардоз-андоз берган эр-хотинлар, мўйлови энди сабза уриб овози дўриллай бошлаган йигитлар, бироз ҳуркиб турадиган оху кўзли қизлар бор. Сўққабош келган йигитлар, аёллар бир-бирига еб қўйгудек тикилади. Магнитофондан таралаётган куй оҳангига маст бўлган меҳмонлар қийшанглаб ўйинга тушмоқда.

— Қадаҳларга куйилсин, ичамиз! — уйни бошига кўтариб ўшқирди Мардон.

— Ичамиз, сизнинг саломатлигиниз учун заҳар бўлса ҳам ичамиз! — коньяк тўла шишани боши узра тантанавор кўтарди Руфат.

— Сендек шогирдим бор экан, сўзим ерда қолмайди! Нима учун ишлаб, нима учун яшайман? Садоқатли шогирдлар, дўстлардан аяйдиган нарсам йўқ! Қани, ичдик! — Мардон қадаҳни охиригача ича олмади. У гандираклаб диванга ағанаб тушди. Унинг лунжидан қондек қизил коньяк оқарди.

— Устозингизни ётоқхонага киритиб қўяқолайлик, меҳмонларга халал бермасин, — Мардоннинг хотини Филуза сузик нигоҳларини Руфатга маънодор қадади. Руфат Мардоннинг бир қўлини елкасига олди, бир қўли билан унинг белидан кўтариб ичкарига судради.

— Ичим ёнапти, Филуз-з, — алаҳсираб гўлдиради Мардон.

— Ичинг ёнмай ҳар бало бўл, қари кўп-пак! — сўқинди Руфат ва Мардоннинг устига кўрпа ирғитди. — Эртароқ бу ердан даф бўлайлик, ҳолироқ жойга, — Филузанинг белидан қучди у.

— Секин, устозингиз сезиб қолмасин, — кўрсаткич бармоғини лабига босиб эрига ишора қилди аёл.

— Унинг маст бўлишини энди кўришимиз эмас-ку. Шу билан тонггача ўзига келмайди. Юринг, ташқари чиқайлик. Улар қўлтиқлашиб хилват гўшага ўтишди.

Зим-зиё оқшом. Тун зулматини ёриб юл-

дузлар чарақлайди. Бир неча қадам нарида ястаниб ётган дарё муסיқий овоз чиқариб шовуллайди. Руфат Филузани бағрига тортди.

Бир пайт уйнинг дарё томонга қараган деразаси шарақлаб очилди.

— Филу-за-ааа!!! Руфат, ит эмган! — Мардоннинг қутурган айиқдек бўкириши еру кўкни ларзага келтирди. Руфат чўчиб ўзини орқага ташлади, Филуза ағанади. Руфат қора зулматга ўзини урди. У эс-ҳушидан айрилиб дуч келган томонга қоча бошлади. Унинг назарида Мардон қувиб етаётгандек, ҳали замон косовдек панжалари билан бўйнидан бўғиб олаётгандек эди. Руфат сувга шалоплаб йиқилди. У шунда дарё томон қочганини англади. Аввал тиззасигача, кейин белигача сувга ботди. Шу пайт панжалари нимагадир теккандек бўлди. Қоронғида қамишлар орасида қорайиб турган қайиқчага кўзи тушди ва жон ҳаллисида ўзини унга урди. Қайиқни юргизай деса эшаклари йўқ. Қўрқув ва таъқибдан дағдағ қалтирар, нима қилаётганини ўзи ҳам билмасди. Шунда панжалари беҳосдан қандайдир тугмачага теги. Бирдан қайиқчанинг мотори ишлаб кетди. Сўнгра у оҳиста сузиб, қамишлар орасидан дарёга йўл олди. Руфатнинг панжалари яна бир тугмачага тегиши билан қайиқча катта тезлик билан олдинга интилди. У шунчалик тез суза бошладики, Руфат қайиқчага ёпишиб қолди. Бир пайт қайиқчанинг ён томонларида қанот ҳосил бўлди. Қайиқча катта тезлик билан сувдан кўтарилиб осмонга уча бошлади.

Руфат осмонда неча кун-неча ой учганини билмайди. У ҳушига келганида бутун вужуди қақшаб оғрирди. Ундан нарироқда қайиқча қир-

роқда ағанаб ётарди. У ўрнидан турмоқчи бўлганда боши айланиб яна ҳушидан кетди.

Руфат ўзига келгач, ҳар эҳтимолга қарши қайиқчани буталар орасига яширди. Атрофда унга бутунлай бегона бўлган сокинлик ва осойишталик ҳукмрон. Дарахтлар, ўт-ўланларнинг барги ювилган шишадек қуёш шуъласида ял-ял товланади. Қушлар, булбулларнинг хониши ёқимли куйдек таралади.

Яқин-атрофда бирон шовқин, сас эшитилмайди. Шундагина Руфат ўзига бутунлай ёт бўлган оролга келиб қолганини англади. У буталар орасида ўрмонни кузата бошлади. Узоқ-узоқларда на одам, на маймун қиёфасига ўхшайдиган махлуқлар кўзга ташланди. Улар мени кўрса еб ташласа керак деган фикр Руфатнинг миёсига урилди. У кўлмакка бориб ўз аксини кўрди. Вожаб, унинг ҳам соч-соқоли ўсган, қўл ва оёқларини, бутун вужудини узун-узун туқлар қоплаган эди. Шу туришда ҳозир ўзи кўрган махлуқлардан фарқ қилмасди.



У вужудидаги оғриққа чора излаб ўрмон ичкарисига юрди. Ҳар жой-ҳар жойда қамишга ўхшаш буталардан ясалган чайла кўзга ташланиб турибди. Руфат ана шу чайлалардан бирига яқинлашди. Унда катта-кичик махлуқлар навбат кутиб туришибди. Бу жой даволаш маскани эди.

Умрида навбат нималигини билмаган Руфат ҳе йўқ-бе йўқ ичкарига кирди. Ат-

рофдагилар бироз ажабланишди-ю, индамади. Кичик юзли, бармоқлари нозик махлуқ — афтидан у ҳамшира вазифасини ба жарса керак — унинг тирналган бада-нига хамирга ўхшаш малҳам сурқади. Руфат унинг узун-узун киприклари, юпкалаблари, ўзига ярашиб турган бурун каттаклари, нафас олганда билинар-билимас кўтарилиб тушаётган кўкрагига еб қўйгудек тикилди. Бегона кишининг бунчалик беандиша таъқибига илк бор дуч келган махлуққа ноқулайликдан саросимага тушди ва кўзини олиб қочди.

Жони бироз таскин топган Руфат ўрмоннинг хилват гўшасига йўл олди. Унинг боши лўққилаб оғрир, жуда-жуда чеккиси келарди. Бирок бу диёрда чекиш расм бўлмаган эди. Эгилганда акси кўринадиган зилло сувлар кўзгудек тиниқ — ороми жон. Сувларнинг шилдираб оқишида минг бир мусиқанинг оҳанги эшитилаётгандек. Осмонўпар дарахтларнинг шохларидаги кумуш тангачалар — барглар шабадада ял-ял товланади. Ҳавода чанг ва губордан асар





пиб, шу ерда яшай бошлади. Елгизлик уни қийнади. У танҳоликдан қутулиш учун ўзига эрмак ахтарди. Кунларнинг бирида у намага ўхшаш ўсимлик топди. Чекишнинг иложи бўлмагач, уни тилининг тагига ташлаб, ҳузур қила бошлади. Аста-секин ўсмир махлуқчаларни ҳам ўзига жалб этди. Умрида бундай оғуни истеъмол қилмаган ўсмирчалар ҳушидан айрилиб, турли қилиқлар кўрсатар эди. Руфат бундай учрашувларга ҳали она сути оғзидан кетмаган махлуқларни ҳам тақлиф этди. Улар ақл ва ҳушёрликни ўғирловчи оғуни татиғач, маст-аласт ўйинга тушар, ўз ихтиёрини бутунлай йўқотар эди. Руфат эса бирин-кетин уларни буталар орасига олиб ўтар ва тонг отгунча кўнгли истаган ишни қиларди.

Баҳор келиши билан иш қайнади. Ҳамма далада чумолидек жон койитарди. Тер тўкишга, жон койитишга Руфатнинг тоқати йўқ эди. У ишлардан роҳат қилишни, бойлик тўплашни орзу қиларди. Бунинг ҳам чорасини топди. Гиёҳвандликдан қарахт бўлиб юрган махлуқчаларни ўз ерида ишлатар, эвазига наша бериб алдарди. Кўз очиб юмгунча ёз фасли ўтиб кетди. Кузда у ҳаммадан кўп ҳосил йиғиштирди. Энди у ҳандалак эвазига истаган махлуқни хоҳлаган юмушига солар эди.

Чекиш истаги бари бир унга тиним бермади. Ётганда ҳам, тур-

ганда ҳам тамаки кўз олдидан кетмасди. У нашани турли барларга ўраб қаламча ҳосил қилди. Тошни тошга уриб учқун чиқариб, қаламчани ўт олдирди. Буни кўрган махлуқчалар дастлаб бироз чўчиб турди. Аста-секин улар ҳам Руфатга қўшилиб чека бошлади. Бир неча кун ўтмай дарахт барглари сарғайиб, тўкила бошлади. Қурт-қумурсқалар, жониворлар қарахт бўлиб чўзилиб қолди. Тез кунда бутун борлиқни, ўрмонни жониворларнинг жасаидан чиқаётган қўланса ҳид босиб кетди. Баҳайбат ҳайвонлар кечаю кундуз бўкириб у ёндан бу ёнга чопа бошладилар. Ўрмон ҳокими чекувчиларни тутиб, қатл этишга амр қилди. Жуда кўп махлуқчалар шафқатсиз фармоннинг қурбони бўлдилар. Руфат оролнинг узок чеккаларига қочиб жон сақлади.

Руфат танҳолик ва айрилиққа чидай олмади. Айш-ишратлар, базми жамшидлар бозбоз ёдига тушарди. Унинг жароҳатига малҳам қўйган махлуқ кўз олдига келаверди. Руфат ўсиқ ва бетартиб жунларини тартибга келтирди, қиёфасини ўзгартириб эски маконига қайтди. Бир неча бор ўша махлуқанинг ҳузурига бориб дори-дармон олган бўлди. Қанчалик аврамасин уни тузоғига илдиришга кўзи етмади.

Ниятига етиш учун Руфат ақлни олувчи ичимлик — мусаллас тайёрлаш йўлини ахтарди. Турли ўсимлик илдизи ва танасидан олган суюқликдан мусаллас тайёрлади. Уни сигирнинг шохига ўхшаш суякда асради. Ниҳоят, турли найранглар, хушомадлар билан махлуқанинг ақлини ўғирлади: уни маконига меҳмондорчиликка тақлиф этди. Махлуқани кўкларга кўтариб мақтади: бундай қадди-қомат, нозу фирок, ҳусну латофат оламда йўқлигига уни ишонтирди. Ана шундай гўзаллар пойида

жон бериш ҳам ажиб бир бахт деб унинг оёқларини, қўлларини ўпди. Умрида бундай хушомадга дуч келмаган махлуқ қай тариқа мусаллас ичганини сезмай қолди. Фурсат ўтиши билан вужуди қизиб, бўғинлари бўшаша бошлади. Ўзича кулиб, инонихтиёрини бутунлай келгинди одамга топширганини сезмади.

Эрталаб ўзига келган махлуқа нима иш қилиб қўйганлигини англади. Англади-ю айюҳаннос солиб бўзлади. Сочларини, бетларини тимдалаб қора қонга ботди. У энди жуфти ҳалолли, зурриётлари кўзига қарай олмаслигини айтиб, худога нола қилди. Худо ҳам ундан юз ўгиргандек ҳеч қандай садо келмас, осмон олис, ер қаттиқ эди.

Махлуқа ҳамма гапни жуфти ҳалоллига айтди. Ҳаёт бино бўлгандан буён бундай хиёнат, номуссизликни эшитмаган ва кўрмаган аҳли жамоа оёққа турди. Жуфти ҳалолли махлуқани шафқатсизларча жазолади: оломон кўз ўнгида унинг танасини бурдалаб ташлади. Хиёнатга юз тутган махлуқа шафқатсизликнинг оролдаги биринчи қурбони эди...

М ашъум ҳодиса бутун орол ақлини оёққа турғазди. Ишонч, номус ва никоҳга рахна солган махлуқни ахтаришди. Ердаги одамлар орасига сизмаган Руфат учун энди бу сайёрада ҳам ўрин йўқ эди. У тавқилаънатдан омон қолмоқ илинжида буталар орасига яширган қайиқчаси томон қочди.

Қирғоққа келиб бекитиб кетган қайиқчани сувга туширди. Қайиқча уни бу гал ҳам қутқарди. Руфат фазода учди. Бир пайт кўзини очса, атрофида сайёралар, юлдузлар сузиб юрибди. Қайиғи бир силкинди-ю, у ҳавода муаллақ қолди. «Энди тамом, ҳозир ерга тушиб чилпарчин бўламан» деб кўзларини чирт юмди Руфат. Бироқ у жойидан жилмас, чексиз-сарҳадсиз осмонда муаллақ турар, на қўли, на оёғини қўярга таянч нуқтаси йўқ — у муаллақ қолишга маҳкум этилганди...

Жиззах.



Кўш саҳифани Баҳром ТУХТАБОВ безаган

Турсунали ҚУРБОНОВ,
Фаргона вилояти Халқ таълими
бошқармасининг бошлиғи.

ЧОЙ ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ

Чой фақат чанқоқни бостирибгина қолмасдан у инсонга қувват бағишлайди, руҳни тетик қилади. Чой шундай ичимликки, уни қорни оч одам ичса ором олади, чанқаган одам ичса чанқоғи босилади.

Совуқда ичилса одам танасида қонни равон юргизиб танани иситади. Қорни тўқ одам ичса, овқатни ҳазм қилдиради. Шунинг учун ҳам паловдан ва бошқа кучли таомлардан кейин албатта чой ичинг.

Жумҳуриятимизнинг кўпгина вилоятларида қора чой ва кўк чой ичилади. Биз қуйида асосан чой билан боғлиқ урф-одатлар ва одоб қоидаларига тўхталамиз.

Ўзбек урф-одатларига кўра тузаб қўйилган дастурхонда энг аввало нон синдирилади ва нонга таклиф қилинади. Шундан кейин бир пиёладан чой узатилиб, сўнгра бошқа таомлардан танавул этишга таклиф қилинади.

Чой дамлаш, дастурхонга келтириш ва таклиф этиш одоби.

Чой дамлашдан олдин идишдаги сув шарақлаб қайнагунча кутилади. Кейин чойнак қайнаган сувда яхшилаб чайилади, сўнгра унга янгитдан озроқ сув қуйилади ва шу сувга керакли миқдорда чой солиниб қайнаётган сув билан тўлдирилади. Чойни дам едириш учун чойнак плита устига озроқ қўйилади ёки сочиққа ўраб 3-5 минут дам едирилади. Чойнак ўраладиган сочиқ ёки бошқа мато оҳорли ва тоза бўлиши керак. Шундан кейин тозалаб ювилган пиёлага қуйиб чой қайтарилади. Сўнгра чой бироз тиндирилиб пиёлага қуйилади. Олдин ўзи ичиб, сўнгра меҳмонга узатилади. Чойни қуйишда чойнак чап қўлда ушланади. Пиёлани ўнг қўлда, учта бармоқ пиёла остидан,

бош бармоқ пиёла устидан ушлаб чап қўлни ўнг кўкракка қўйиб бироз эгилиб чой тегишли кишига узатилади. Пиёлага чой қуйганда, уни меҳмонга узатганда ҳеч қачон пиёланинг чеккасида ушланмайди, бундай қилиш беодоблик ҳисобланади.

Чой қуяётганда пиёлани чойнакка тегизиб шарақлатмасдан қуйилади. Чойни хўриллатиб эмас, секин ва товуш чиқармай хўплаб ичилади. Чой тўлдирилган чойнак даврада ўтирган ёши кичик одам олдига ёки мезбон олдига қўйилади ва чойни шу одам қуйиб ўнг томондан бир бошдан узатилади. (Жумҳуриятимизнинг Хоразм вилоятида чойнак ва пиёла энг аввал меҳмон олдига келтириб қўйилади).

Чойни қуйганда пиёлани тўлдириб қуймаслик керак, бу беодоблик саналади. Чой пиёланинг ярмидан оз қуйилиши керак. Пиёлани чой қуяётган одамга узатганда у эътибор бермай кўрмай қолган ҳолатда пиёла кўрсаткич бармоқ билан оҳиста чертиб қўйилади. Чой тўла чойнакни ҳеч қачон дастурхон устига қўймаслик керак. Чойнакнинг остига албатта ликопча қўйилади.

Қадим замонларда ота-боболаримиз даврада чой қуйганда пиёлани шеър айтиб узатишлар одат тусига кирган. Айниқса, янги уйланган келин-куёв бир-бирларига пиёлани шеър ва ғазаллар айтиб узатганлар. Бу ўзбек халқининг адабиёт ва санъатга қанчалик ҳавасманд бўлганлигини кўрсатади. Ёш авлодга ота-боболаримизнинг ана шу янги одатларини тиклашни маслаҳат берамиз.

Ўқувчиларга чой дамлаш, чой қуйиш ва чойга таклиф қилиш қоидаларини тушунтирган пайтда Ўзбекистонда чой халқимизнинг энг сеvimли ичимлиги эканини тушунтириб, қадим-қадимдан ота-боболаримиз чойхўрлик қилиш учун махсус чойхоналар қурганлигини, чойхона қурилишларига энг сўлим ва баҳаво жойлар ажратилганлиги ҳақида ҳам маълумот бериб кетиш, чойхоналарни авваллари халқ тўпланиб

гурунги ва суҳбатлар ўтказадиган, ёшларга панду насиҳатлар бериладиган жой эканлиги ҳақида айтиб ўтилса яна ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

ЮВИНИШ ОДОВИ

Ювинишнинг ўзига хос ахлоқ ва одоб мезонлари бор. Бунга айниқса, ўзбек халқининг миллий урф-одатлари нуқтаи назаридан қараш ўринлидир.

Ювинишда қуйидаги қоидага риоя қилинади. Эрталаб уйқудан тургач:

— Аввал қўлни ва панжа ораларини совунлаб ювиб, сўнгра тиш тозаланаяди, оғизга сув олиб уч марта ғарғара қилиб оғиз чайилади.

— Уч марта бурунга сув симириб ачишгунга қадар тортиб бурун чайилади. Оғиз, бурун чайишга совуқ сув яхши, бундан кўзланган мақсад шуки, оғиз совуқ сув билан ҳар сафар ғарғар қилинганда ва бурун чайқалганда томоқдаги безлар, мускуллар, бурун ичидаги ҳавони филтрловчи ва иситиб ўтказувчи қисмдаги айрим қирралар совуққа чиниқиб турли касалликларга берилмаслик учун организмнинг қаршилиқ қуввати ортади.

— Оғиз, бурун чайилгандан кейин юз, бош орқали сув олиниб қулоқлар ичига бармоқларни оҳиста тиқиб чайилади ва замонавий тиббиёт тавсияларига кўра иложи борича белдан юқорисини ювиш ва сочиқ билан қизартириб артиш зарур. Бу ҳам баданни чиниқтиради. Бурун қоққанда, ҳожатхонага борганда чап қўл ишлагилади.


Эрталаб уйқудан турганда ювингандек ётиш олдида ҳам энгил ювиниш, оёқлар учини, панжалар ораларини ювиш зарур. Айниқса ётиш олдида тишларнинг ювиб ётишнинг хосияти катта: оғиздан кун бўйи ейилган овқатларнинг ҳиди келмайди, тишлар орасида қолган овқат қолдиқлари ҳидланиб айниқса иссиқ кунларда эрталаб оғиздан ёмон ис келишидан сақлайди.

Айниқса, оилалилар уйқу олдида

Муҳаббатни қандай тушунасиз?

Муҳаббат! Ҳар ким уни ўзича тушунади. Мен ҳам муҳаббат ҳақида ўз дил сўзларимни ёзмақчиман.

Муҳаббат! — Инсон қалбининг бир бурчидан жой олган меҳр, ишонч, орзу! Инсон дунёга келар экан аввало онанинг меҳрини, муҳаббатини сезади. Улғайган сайин ҳаётни тушунади,



ўрганаяди. Қалбида бошқаларга нисбатан меҳр пайдо бўлади, натижада дўстлик бошланади. Балоғат ёшига етгандан сўнг бу туйғу меҳр-муҳаббатга айланади. Қалбида севги куртак очади, севади, севилади. Баъзилар ҳаётда шу даврда қоқилади, баъзилар эса адашмасдан ўз севгани билан бахтли яшайди.

Севиш учун аввало севишни ўрганиш керак. Сени ўзига жалб этган инсоннинг характерини билиб боришинг, унинг ички дунёси билан ташқи дунёсини иложи борича билишга ҳаракат қилишинг керак. Муомиласининг самимий ёки носамимийлигига эътибор бериш керак деб ўйлайман. Умуман севишга арзигулик эътибор бериш керак деб ўйлайман. Умуман севишга арзигулик инсон бўлса хулқига, одобига боқ! Шундагина севги бобида алданмайсан ва баъзиларга ўхшаб «Севги йўқ нарса, муҳаббатга ишонма» қабилдаги сўзлардан йироқ бўласан!.. Қалбини қандай илтираксин, Севмаган одам, Узини не деб овутарсин, Севмаган одам? Уйлаб-ўйлаб келолмадим битта фикрга. Асли ким деб аталарсин, Севмаган одам? — деган экан шоир Қамчибек Кенжа.

Шоира СОДИҚОВА, 18 ёш
Фаргона вилояти
Тошлоқ ноҳияси
Қумариқ қишлоғи.

ЛУҒАТ ДАФТАРИНГИЗГА

БАЗҮР — БАҲУЗҮР

Базўр — зўрға, аранг, зўр билан, машаққат билан, қийинчилик, қийинчилик билан.

Баҳузур — бемалол, бемалоллик билан, ўнғайсизлик сезмай, эркинлик билан, ҳузур қилиб, роҳатланиб, ёзилиб; ҳеч нарсага эътибор бермасдан, парвойига келтирмасдан; бемайлхотир, хотиржам, ҳеч қандай қийинчиликсиз; руҳсат; базўр.

БАЁН — БОЁН

Баён — бирор воқеа, ҳодиса, фикр, мулоҳаза ва шу қабиларнинг оғзаки ёки ёзма ифодаси; баён ёзиш, баён қилмоқ; изҳор; адабий асарнинг содир бўлаётган воқеалар ҳамда воқеанинг бориши ҳақида ҳикоя қилинаётган қисми; текистдан ўқиб айтиб берилганлар асосида ёзиб чиқилган иш (мактабда ёзма ишлардан бир тури);

Боён — бой, бойлар.

БАК — БАРГ

Бак — сув, умуман суюқлик солинадиган металл идиш.

енгил ювиниб, тишларни тозалаб, оёқларни ювиб ётишга одатланиши жуда зарур. Қолган вақтда овқат олтидан қўл ювилади. Бунда иложи борича совун билан ювиб, уч марта чайиб, қўлнинг панжалари орасини тозалаб ювиш тавсия қилинади. Қўлни силкитиб сув сачратиш одобсизликдир. Диний қоидаларда ҳам бу ҳол таъқиқланган.

Эрталабки жисмоний тарбиядан, терлаб иш қилгандан кейин албатта ювиниш лозим. Маҳаллий шароитда, даладаги ишда кун бўйи терлаб уйга қайтгач, албатта, душ қабул қилиш, ювиниб олиш зарур. Ювинилмас одам баданидаги тер қуриши билан терлаган жойга ўрнашган чанг кир ҳолатига айланиб одам баданидаги терининг нафас олувчи тешиклари устида қотиб, уларни беркитиб қўяди. Натижада танада турли жараёнлар, айниқса кислород билан таъминланишдаги мувозанатлар бузила боради. Агар бу ҳолат кўп йиллар давом этса, одам шу соҳага боғлиқ тери касалликларига чалиниши мумкин. Кейин бу одам бошқалар даврасида ўтирганда ёқимсиз ҳид таратади. Буни унинг ўзи сезмайди.

Ҳар бир йигит-қиз бўйи етиб, оила куради. Агар болаликдан озодаликка ўрганмаса, ювиниш ва баданни тоза тутишни одат қилмаса, кейинчалик бу ишга ўрганиш анча қийин. Баъзида бу ҳол ёшлар оиласининг бузилишига ҳам сабаб бўлмоқда. Қизлар юқори синфларга ўтиб боргач, ёшлари улғая боргач, ўғил болалар каби кўча-кўйда, ариқ-каналларда, сув ҳавзаларида чўмилмайдилар. Уйда эса айниқса, қишлоқ шароитида ҳамма хўжаликда ванна, душ ёки оддий сув кранлари йўқ. Мактабларда эса спорт ўйинларидан кейин ўғил болалар ва қизлар учун алоҳида ювиниш жойлари кам, бўлса ҳам кўплари баъзи бир беэтибор мактаб раҳбарлари, баъзи бир укувсиз жисмоний тарбия ўқитувчиларининг айби билан ишламайди. Натижада қизлар турли спорт ўйинларида иштирок этиб терлаб, ювинмай кетаверадилар, далада, уйда, томорқада ишлаб, ишдан

кейин ювиниш учун шароит йўқлиги учун жуда борса юз-қўл ювилади-да, шу билан қаноатланишади. Бундай ҳолга асло йўл қўймаслик керак.

Шу ўринда мен ўқитувчилар, синф раҳбарларининг тозалик ва озодалик одобини тушунтиришга алоҳида эътибор беришларини сўрардим. Айниқса, ота-оналар билан суҳбатлашганда уларнинг диққат ва эътиборларини ўз фарзандларини (айниқса, қизларга алоҳида эътибор бериб) ювиниб юришлари устидан назорат қилишларини эслатиш зарур. Бунинг учун оилада ёзининг иссиқ кунларида ювиниб юриш учун (ҳовлининг бир чеккасида) ювиниш жойларини қилиб беришни ёки бўлмас хўжалик магазинларида сотиладиган оддий ювиниш мосламалари (ёзлик душ) сотиб олиб, болаларга (катталарга ҳам) шароит яратиш зарур.

Қиш кунларида (уйда шароит бўлмаганда, ёзда ҳам) болаларни қишлоқ ҳаммомларига ҳафтада ҳеч бўлмаганда бир марта мўътадил бориб туришларини талаб қилмоқ зарур.

МУОШАРАТ ОДОБИ

Халқ билан бирга туриш, бирга ишлаш «муошарат» деб аталади. Одамларнинг бир-бирлари билан муносабатларининг гўзаллиги, мулоимлигига «Муошарат одоби» дейилади.

Инсоннинг энг улуғ, лекин мураккаб ва машаққатли фазилатларидан бири бу одамлар орасида, яъни жамиятда ўз ўрнини топиб яшаш фаолиятидир. Бу фаолиятнинг мураккаблиги шундаки, кўпчиликка қўшилиш, улар билан аҳил бўлиб яшаш учун инсонда шунга яраша муомала ва муносабат бўлиши керак. Агар муомаласи ва муносабати кўпчиликнинг дилига тўғри келмаса, қўпол ва дилзор бўлса, у ҳолда бундай одамни кўпчилик ёқтирмайди. Одамлар орасида ўз ўрнини то-

пиб яшаш қийин бўлади. Биз ота-оналар ва педагогларнинг бурчи фарзандларимиз ва ўқувчиларимизни жамиятга муносиб қилиб тарбиялаб, уларга муошарат одобини бериб боришимиз керак.

Ўқувчи билсинки, инсонга ҳамма нарсдан аввал одамийлик хислати зарур. Чунки, одам соғлом, бақувват, билимли ва олим бўлиши мумкин, лекин одамийлик хислатисиз етук инсон ҳисобланмайди. Шу сабабли ҳам халқимиз: «Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин», — деб бежиз айтмаган.

Олижаноб, хушмуомала инсонларни ҳамма ҳавас қилади, севиб ҳурматлайди. Айниқса, бу хислатларнинг ёшлиқдан шаклланиши бориши инсонни улғайтириш, юксак камолотга етаклайди. Бундай болани ҳамма ҳавас қилиб: «Отасига раҳмат, фалончининг боласи оғзидан бол томади-я, унинг одоби... ахлоқи яхшилигини айтмайсизми?» — дея мажлисларда, тўй-маъракаларда бир-бирларига ҳавас билан гапирадилар. Болаликдан эришилган бундай иззат-икром ва ҳурмат бахтли келажакка ундайди. Бундай пайтда одамга камтарлик лозим, димоғдорликдан сақланиш керак. Баъзи болалар эркалатилса бас: улар ўзлигини унутиб, димоғдор бўлиб, бошқаларга ҳурматсизлик ҳолларига бориб қоладилар. Бу эса кишилар орасида эришган ҳурмати тездагина йўқотишга олиб келади. Ҳурмат мисқоллаб топилади, аммо уни ботмонлаб йўқотиш осон. Яъни кўп йиллик йиққан ҳурматингизни одамлар орасида номуносиб бўлган бир-икки ёмон қилиқ, хатти-ҳаракат билан осонгина йўқотиб қўйишингиз мумкин.

Шу сабабли ҳам ақлли, фозил кишилар элдан раҳмат деган сўз эшитсалар куну туну бу раҳматга лойиқ яна нима иш қилсам экан, шу раҳмат олган обрўдан тушиб қолмаслик учун нима қилсам экан, деган ташвиш билан яшайдилар. Бундай одам доимо халқ ҳурматида, унинг диққат-эътиборида яшайди ва улуғ мавқега эга бўлади.

Барг — япроқ, ўсимлик (кўкат, гўза кабилар) ердан энди униб чиққан пайтдаги янги, кейинроқ тўкилиб кетадиган барги; тут дарахтининг япроғи (ипак куртига озуқа сифатида).

БАЛ — БАЛЛ

Бал — катта базм, катта рақс кечаси. **Балл** — табиий ҳодисаларнинг, масалан, zilzila, шамол, штормнинг кучини ўлчаш учун қабул қилинган ўлчов бирлиги; ўқувчиларнинг имтиҳондан олган баҳоларини ифодаловчи рақам.

БАНДА — БАНДИ

Банда — қул, одам; қуролланган ўғриллар, босқинчилар, каллакесарлар, бандитлар тўдаси, шайка.

Банди — аср тушган, аср қилиб олинган одам; асир, тутқун; қамоққа олинган, зиндонга ташланган одам; маҳбус.

БАНК — БАНКА

Банк — ССЖИда режага мувофиқ корхоналарнинг кундалик ишлари учун кредит бериб туради, капитал қурилишларни маблағ билан таъминлаш, корхона ва муассасалар ўртасидаги пул муаммоларини нақд пулсиз тартибга солиб туриш, бор пул маблағла-

рини марказлаштириш ва узлуксиз айланиб туришини таъминлаш билан шуғулланувчи давлат муассасаси; пул маблағларини тўплайдиган ва тақсимлайдиган муассасаси; капиталистик мамлакатларда: капиталистлар ўртасида тўлов, кредит ва бошқа ҳисобкитоб ишларида воситачилик қилиб турувчи муассасаси; карта ўйинида: тикилган, ўртага қўйилган пул.

Банка — банк; шишадан, металдан ясалган цилиндрлик идиш; киши танининг касал ерига қонни юриштириш учун қўйиладиган ноксимон қалин шиша идиш.

ТОПИШМОҚЛАР

1. Ризқ-рўз учун берилган, Икки сафга терилган.

2. Бирлаштириб тошни тошга, Биноларни тутар бошда.

3. Бошин йўнсанг кучга тўлар, Сўнг тер тўкиб адо бўлар.

4. Антика бўй сочади, Куя ундан қочади.

5. Сўриб ҳайвон қонини, Қуритар дармонини.

6. Тогнинг қони — асил дори, Беморларнинг ҳалоскори.

7. Нок шифтдан ҳеч тушмайди, Куз келса ҳам пишмайди.

8. Ярми сифат, ярми от, Чўлда кечирар ҳаёт.

9. Бордир фазо, фалакда, Ухшайди капалакка.

Тошпўлат МАВЛОНОВ,
Самарқанд.



Шеърятнинг бағри кенг. Унда ҳар ким ўзининг дардини айтиши, юрагини бўшатиши, дилбар орзулар қанотида сайр қилиб, эҳтиросли туйғуларга ошно бўлиши мумкин...

Қалби ларзада, руҳи мисралар қатида, кимгадир ўз оташларини изҳор этгани келган азиз шоиру шоирлар, ҳуш келибсиз!

Сухбатимиз сизларнинг шеърларингиз асосига қурилган. Уни ҳурмат юзасидан шеърлари жумҳурият жаридлари орқали халққа танилиб бораётган шоирлардан бошласак...

— «Олис-олис замонлар руҳи» нгизни чорлаб, «келажак кучоғига нур» бўлиб талпинаётган Анвар ака (Юнусов) шоирлик, ошиқлик нима?

— *Анваро ошиқ эмасан жон-жаҳонинг куймаса,
Қилма даъвои муҳаббат, устухонинг куймаса,
(«Бир яшил япроқ узилса...» шеърдан.)*

— Ҳабиба (Абдуҳақимова) опа «Соҳилда» кечган ўйларингиз билан ўртоқлашасиз:

*— Емғирми у йиғлаган
Еки менинг ҳисларим.
Тўлқинми у тўлғонган
Еки оҳли изларим.*

— Халқ йўлида ёзилган «Ҳасрат» ингиз ҳам аёл қалбининг нозик кечинмаларини ифодалаб турибди. Шеър они кечинмалар ифодаси деган гаплар Сизнинг шеърларингиз учун ҳам даҳлдордир.

Нормурод Норқулнинг беором туйғуларига диққат беринга:

*Сумбула-а, сунбул сочингни
Ейганмидинг ёрижон?
Ой нурига юзингни
Чайганмидинг, ёрижон?..*

Бу туйғу гулдастасини яна давом эттиравериш мумкин. Унда ўз-ўзидан оқиб келган мисраларда:

шеърый машқлар устида суҳбатни давом эттирсак.

Бухоролик Шерали Абдушукуров, деновлик Холбиби Эргашева, водиллик Муътабар Гуломова, бухоролик Орифжон Воҳидов, хоразмлик Насиба Жуматова, яна бухоролик Дилмурод Жаббор, самарқандлик Мели Бобоқулов, андижонлик Дилмурод Шокиров, қашқадарёлик Самад Мурод, вобкентлик Нодири Афоқова, бувайдалик Равшанбек Қўзиев, андижонлик Усмонжон Шукуров, сурхондарёлик Ҳалима Оқиева! Шеърларингизда дилга ҳаяжон солиб, узоқ-узоқ ўйлантирадиган гаплар кўп. Аслида шеърнинг кучи ҳам ана шунда — ўйлантирадиган, кўнгилга титроқ соладиган гап топа олишда. Топилган гапга поэтик ранг-баранглик бахш этиш қийин вазифа. Бу вазифани ким қандай бажарган? Имкониятимизга қараб баъзи шеърларингизни қисқа-қисқа таҳлил қилиб ўтамиз.

Муътабар! Бугуннинг шоири излаган гапни топасиз. Давр қарама-қаршиликлари сизнинг шоирона нигоҳингиздан четда қолмайди. Бадийий конфликт сизнинг шеърларингизга ҳаётий куч бағишлайди. Миллий характер қирралари намоён бўлади:

*Мен энди тиллари чиққан ёш бола,
Қонимда мардлик бор, ўзимга бекман.
Безабон онаминг кўзида вола,
Пахта — қўлларини боғлаган кишан.*

Шеър давомида поэтик фикрлар қобигидан чиқиб, жўнликка юз тутгансиз:

*Оқ олтинни олтин қўл эмас,
Туёққа ўхшаган қўллар яратар.*

«Мен энди ёзмасман ҳеч ишқий шеърлар» деб бошланадиган шеърингизда ҳам худди шундай хусусиятларни кузатдим. Мисралар устида ишлаш сизни бу қусурдан фориқ қилади.

Абдуғаффор Холматов (Сурхондарё)! Шеърларингиздаги (хусусан, «Тўртликлар», «Бобомнинг

қувват жуда кам. Бадийятсиз шеър — оддий гаплар.

Шеърингизни:

*Бу дарахт ҳар жойда ҳар хил экилган,
Гоҳида шиддатли чирмар фалакка.
Ҳар қандай довулу ҳар қандай тўфон
Қилолмайди баъзан уни калака,*

— деб бошлабсиз Фурқат Муҳаммад Салоҳ, Давомидан бирор жўяли фикр қидириб яна ўқий бошладик. Лекин...

*Бу дарахт ҳар жойда ҳар хил экилган, (?)
Гоҳида ўхшайди сариқ палакка (?)
Ва аҳамиятсиз (?) тақир ерларда
Бир умр кўрар у фақат калака.*

«Палакка» ни «калака» га қофия қилиш билан шеър ясаб бўлармикан?.. «Майин-майин жим ёғар ёмғир», «Кимнидир мактайсиз», «Бу мағрур қоя», «Кундузлар ўтади бир оқ шарпадай» каби шеърларингизни ҳали қайта қайта таҳлил қилиш лозим.

Самарқандлик дўстимиз Яхшимурод Давронов! Шеърингизга «Инондим» деб сарлавҳа танлабсиз. Сиз «ярим кеча» да севгилингизни дераза чертиб келиши ва чиқсангиз хомуш турган дилбарни сизга дабдурустан ташланишига ишонасизми?.. Мен ишонмайман, ўйлайманки шеърхон ҳам асло бу ғайри табиий ҳолатга ишонмаслиги аниқ. Агар гапига ишонмасангиз келинг, кўплашиб ўқийлик:

*Ярим кеча. Чергдинг деразам,
Чиққанымда турурдинг хомуш.
Дафъатан сен ташландинг менга,
Кўларингда бор эди ташвиш.*

Шеърингизни охиригача келтирмадим. Таҳлил қилинмай қолаётган «Зина», «Рубоб», «Ухшашлик», «Рўмолча», «Қош», «Шоирликни қилмайман даъво» шеърларингиз ҳам ўқувчини ишонтира олмайди. Ишонтириш учун эса энг аввало шоирнинг ўзи тасвирлаётган кечинмаларга ишон-

ШЕЪРГА РУҲ ТУШМАСА...

(шеър муаллифлари билан ғойибона суҳбатлар)

ги мазмун шоир нияти, шеър ғоясини очишга хизмат қилган. («Рўмолгинанг...» шеъри).

Қўқонлик Абдуллатиф Турдалиев «Отабек кўшиғи» ни шундай бошлайди:

*Кечмиш кунларимдир паришон бир туш,
Масрур наволарин кўнглим унутмиш.
Бир дардли қўшиқдир гарданда юмуш,
Очилмасми қайта кўзларинг, Кумуш?*

Ана шундай ҳарорат тўла мисралар водиллик шоира Энаҳон Сиддиқова шеърларининг ҳам асосини ташкил этади. У Ватан ҳақида ўйлаганида кўнглидан кечган туйғуларни мисраларга жойлайди.

Шоир руҳини шеърга сингиб кетишидан пайдо бўлган мисраларда ёлғизликнинг бадийий ифодасини риштонлик Рустам Бойматов шундай чизади.

*Деразадан бақраяди тун,
Пишқиради қутурган Шамол.
Совуқ ўрин
Муздай кўрпада
Босинқираб бир бева Аёл.*

Рустамнинг шеърларидаги инсон руҳий кечинмаларида содир бўлаётган қарама-қаршиликларнинг жиддий кечишини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бугунги суҳбат қураётган шеърлар ичида Мавлуда Авазова (Фарғона)нинг «Бағримда бўй чўзар ям-яшил дарахт...» деб номланган туркум шеърлари ҳақида, Аҳад Кенжа машқлари, Ниёзмухаммад Панжиев (Қашқадарё) «Шайдо дилнинг айби бўлмаган» шеъри ҳақида алоҳида тўхталмоқ зарур. Бу шеърларда муҳим нарса фикрий бутунликдир.

Шундай, шоир руҳи тушган поэтик жозибадор, бир марта ўқигандаёқ кишини ҳаяжонга соладиган шеърлар ҳақида кўплаб гапирса бўлади. Яхшии бундай дилбар шеърларни жарид саҳифаларида босиш учун тавсия этсакда, навбатдаги

ўғити») насиҳатнинг кучлилиги, қуруқ ундов шеър кимматини хиралаштириб турибди. «Прометей сўзи» шеърингизни бугунги инсон руҳини ларзага солаётган ўзбек шеърляти олдида бир зум олиб келдигу, ундаги рангсиз қиёфани кўриб, авваллари айтилган бўлса ҳам, бугунги шеърятни янада чуқурроқ кузатиш лозимлигини маслаҳат бердик...

Яна бир гуруҳ ҳаваскор шоирлар манзумалари устида ҳукм чиқаришдан олдин шоирнинг:

*Яхшидир аччиқ ҳақиқат,
Лекин ширин ёлғон ёмон,*

— деган мисраларини бир бор эслатиб қўймоқчиман. Чунки бу шеърлар таҳлили кўпроқ бугунги диди баланд, юксак ва нозикфаҳм шеърхон талабларидан келиб чиққан.

Юрт, Ватан, Орол мадҳи учун қалам тутган азиз Шухратжон Беклиев (Бухоро)! Тўғриси юборган шеърларингиздан поэтик руҳ сеза олмадим. Чунки дардларингизни шеърга тушира олмагансиз. Мана, шеър ечимини ташкил қилиши керак бўлган мисраларингиз:

*Ҳа, ҳа бобожоним сиз мангу тирик
Яшайсиз биз билан то тирик дунё.
Дилларда сақлаймиз, олиб юрамиз
Сизни унутмаймиз бобожон асло.*

«Сиз мангу барҳаёт» шеърингиздан келтирилган бу парчада Файзулло бобо образини яратмоқчи бўлгансиз. Шеърга қуруқ сўз ярашмагани учун сизни шеър фош қилиб қўйган. «Ўзбекистон», «Орол», «Севги мадҳини куйлайлик» деган шеърларингиз ҳам юқоридаги шеърингиз сирасига қиради. Бундай камчиликдан қутилишнинг йўли битта: яхши шеър ва яна яхши шеърларни яна кўплаб мутолаа қилишдир. Бухоролик синглимиз Шахло Воқоевага ҳам худди шундай маслаҳат берамиз. Сабаби Шаҳлонинг «Чангда қолган гул», «Соғиндим сени» шеърларида бадийий

моғи керак. Қашқадарёлик Ўта Бердиёр шеърларига хос бўлган бошлаган фикрни нотугаллиги («Қўрқитдим», «Жилға» шеърларида), шеърый ифодадаги поэтик маҳоратнинг етишмаслиги кўпроқ машқ ва яна машқ қилишни тақозо этади.

Жаридага келган жиззахлик Туроб Юсуповнинг «Читтақнинг табрикномаси», «Асорат», «Инсофсизлик», «Ишёқмас», «Таажжуб», андижонлик Зухриддин Исмоиловнинг «Кўнгил дафтаридаги чизгилар», «Айбдордек балки крем сурмайин», Ташкент давлат Дорилфунуни журналистика факультети толиби Зокир Худойшукуровнинг «Сақизликлар» ида, наманганлик Тўхтаҳон Раҳимованинг «Она меҳри», «Онам ишчи», «Баҳор қувончи», «Егаверсин оппоқ қор», фарғоналик Ҳилола Исоқованинг «Ташлаб кетар баҳор», шеърлари ҳақида ҳам юқоридаги гапларни айтаман. Ҳамма нарсага талаб ошиб бораётган ушбу кунда шоир ва шеър олдида қўйилган талаб, масъулият ҳам бир неча баробар ортди. Ҳақиқий шеър яратишга қатъий жаом қилган шоир ана шу талабдан келиб чиқиб ижод этади. Чунки эртанги ўзбек шеърятини яратиш сизнинг қўлингизда. Бу йўлда юқоридаги сингари ҳамма билган ҳаёт ҳақиқатини қайта-қайта такрорлайвериш, фикрларни қуруқ ва насиҳат тарзида талқин қилиш, шеърый гўзалликдан йироқ бўлган мисралар тузишдан қочиш зарур деб ўйлаймиз. Шеърга ўз руҳингизни тушира олгандагина ҳақиқий шеър дунёга келади. Сўзимнинг ниҳоясида бобомиз Алишер Навоийнинг:

*Кўнгул ичра ғам камлиги асру ғамдур,
Алам йўқлиги доғи қаттиқ аламдур,*

— деган мисраларини эслатиб, чин маънодаги ўлмас Шеър яратиш дарду ташвиши сизларни безовта қилиб турса деб қоламан.

Маликжон БОБОРАҲИМОВ,
Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси
Тил ва адабиёт институти аспиранти.

ОДАМЛАРГА ИССИҚЛИК КЕРАК, ТАФТ КЕРАК

Тошкент вилояти Калинин тумани газлаштириш идорасининг бошлиғи Қаюм Тошматов билан мухбиримиз суҳбати.

У

тган йилнинг 28 июлида жумҳуриятимиз Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон ССЖ қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида» Фармони эълон қилиниб, у қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини янада оширишга, унинг ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни кескин яхшилашга қаратилган эди. Жумладан ушбу дастурда қишлоқ жойларида уй-жойларнинг ва бошқа ижтимоий, маданий, маиший биноларни газлаштириш юзасидан ишлар ҳажмини 4 баравар ошириш, қишлоқ аҳолисини марказлаштирилган тарзда табиий газ билан таъминлашни тубдан кучайтириш, 1990-1992 йилларда қишлоқлардаги 330 мингга уй-жой ҳамда квартираларга табиий газ етказиб бериш кўзда тутилганди. Бунинг учун тегишли ташкилотларга бу жабҳада ташаббускорлик қилиш, ушбу ижтимоий аҳамияти катта дастурни етарлича молиявий ҳамда моддий-техник ресурслар билан таъминлаш кўрсатиб ўтилганди.



— Қаюм Тошматович, суҳбатимиз қишлоқ хонадонларини газлаштириш ҳақида борар экан, аввало тумандаги бу хусусдаги умумий аҳволдан бизни хабардор этсангиз!

— Туманимизда ҳозирги кунда 120 минг аҳоли истиқомат қилади. Бу аҳолининг 70 фоизи, яъни 16 минг хонадон табиий газ билан таъминланган, ёки бошқача айтсак, уларга 300 қақирим узунликдаги газ қувурлари хизмат қилмоқда. 4 минг хўжалик эса суюлтирилган газдан фойдаланади, уларнинг таъминоти ҳам бизнинг идорамиз хизматчилари зиммасида. Кейин туманимиздаги барча жамоа ва давлат хўжаликларидagi мавжуд иссиқхоналар, 80 дан зиёд коммунал ва маданий-маиший бинолар (клублар, касалхона, сартарошхона ва ҳоказолар) ҳам тўла-тўқис газлаштирилган. Умуман олганда биргина 1990 йилда бизда 100 миллион куб газ ишлатилган, асли 96 миллион куб режалаштирилганди, лекин биз ташкилотлар ва хўжаликларга 4 миллион куб ортиқча табиий газ етказиб бердик.

— Утган йилги фармонни амалга ошириш йўлида ишларимизни қайта ташкил қилдик, имкониятларимизни ҳар томонлама ўрганиб чиқдик. Натижада йиллик режа бўйича иш олиб борадиган қурилиш ташкилотига қараб ўтирмай идорамиз қошида алоҳида хизмат кўрсатадиган 6 кишилик махсус қурилиш бригадаси ҳамда «Хизматчи», «Сантехник», «Газ» кооперативларини туздик ва уларни махсус жой ва зарур бинолар, асбоб-ускуналар, транспорт, қурилиш материаллари билан таъминладик. Тадбирларимизнинг ижобий самараси йил охиридаёқ юзга чиқди. Натижада 1990 йил режасидаги 12 қақирим ўрнига 38 қақирим узунликдаги газ қувурларини ётқизиш ишга туширдик. Режадаги 400 хонадан ўрнига 845 хонадонни газлаштирдик.

— Қаюм ака, ҳозирги шароитда бирор жойда ишни кўнглидагидек йўлга қўйиш учун дастлаб ўша ташкилот ёки корхона ишчи-хизматчиларининг аҳволини, ойлигини, қолаверса, маданий-маиший шароитларини яхшилаш керак. Сизларда бу соҳаларга эътибор қандай!

— Гапингизда жон бор. Биз бу соҳаларда ҳам доим ҳамкасбларимиз манфаатларини кўзлаб иш юрляпмиз. Идорамизнинг ёнида 6 сотихга яқин ерга иссиқхона қурганмиз, унда ходимларимиз учун қишин-ёзин помидор, бодринг, турли хил кўкатлар етиштирилади, ёрдамчи хўжалигимизда эса 8 бош мол боқилмоқда, байрамларда ўзимизни ўзимиз гўшт билан таъминлаймиз, барча ишчиларимизга махсус иш кийимлари берилган, улар учун тез-тез

камёб моллар савдосини уюштириб тураемиз, сауна қуряпмиз, у яқинда битади, хизмат автомашиналарини ювадиган махсус жойлар, уларни сақлаш учун иссиқ гараж қуряпмиз. Буларнинг барчаси ишимизнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Шу ўринда яхши кўрсаткичларга эришадиган ходимларимиздан — уста Ваҳобжон Умаров, пайвандчи Баҳромжон Мусаев, слесарь Ҳасанбой Маҳкамов, шафёр Ҳамидулла Жўраев, оператор Георгий Собельевнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.

— Барча соҳада бўлганидек сизларни ҳам муаммолар четлаб ўтмас керак. Еки тўғрироғи ўз ишларингизда нималардан кўнглингиз тўлмайди!

— Бизни кўпроқ иш юзасидан зарур асбоб-ускуналар — газ плиталари, горелкалар, сув иситиш қозонлари, автомат тақсимлагичларнинг етишмаслиги, уларга керакли эҳтиёт қисмларнинг тақчиллиги қийнайди. Хизмат машиналарига эҳтиёт қисмлар ҳам камчил. Булар эса ишимизни ортга суради. Масалан, ўтган йили бизга 14 та газ тақсимлагич ўрнига 6 дона берилди холос, оқибатда кўп жойлардаги тайёр қувурларга газ улаб беролмадик. Энди яна бир гапни айтиб ўтай. Ҳозир туманда газ таъминоти бўйича фондлар матлубот бирлашмасига ўтказилган. Биз биргина 1990 йилда улардан режадаги 170 газ плитаси ўрнига атиги 60 та олдик, мўлжалда-



ки 45 қозондан эса биронта ҳам беришмади. Менимча газ идорасини бундай савдо тармоғига боғлаб қўйиш, очиги, қарам қилиш ярамайди. Ҳозир нима кўп — турли кооперативлар, унча-мунча нархга уста-уст пул тўлаб олиб кетувчи харидорлар кўп. Савдо ташкилотларига эса гоҳида бу қўл келади. Шунинг учун газ асбоблари таъминот фонди бизда бўлгани маъқул. Ахир газ тушириб бер, эҳтиёт қисмлар топиб бер, деб аҳоли энг аввал бизга мурожаат қилади-да. Мен буни ижрокўмда бир неча марта кўтардим, лекин аҳвол ҳануз ўзгаргани йўқ.

— Гоҳида одамлар газ иншоотлари қурилишининг сифатидан нолишади. Айниқса, бирор жойда нохушлик юз берганда...

— Тўғри, кўпинча қурувчилар ишининг сифати ёмон бўлади. Айниқса, бу нуқсон газ улаиб хонадонда ёки корхонада улардан фойдалана бошлаганда яққол билинади. Ахир газ қурилишида бунга йўл қўйиш жиноят-ку! Бироқ қурувчилар бизда расм бўлган одатдаги гапларни рўқач қилишаверади — материал йўқ, қиммат, борларининг ҳам сифати паст, режа тигиз бўлиб қолди ва ҳоказо. Хуллас, баҳона кўп. Бу хусусда қанча гаплар, қарорлар қурувчиларга эғирча таъсир қилмаяпти. Ҳатто улар режадаги

ишларни ҳам вақтида бажаришмаяпти, шунинг учун Президент Фармони чиққач, уларга қараб қўл қовуштириб ўтирмай, юқорида айтган ишларни ўзимиз амалга оширишга киришдик.

— Бу йилги бозор иқтисодиётига ўтилиши билан сизларда нарх-наво ва маош хусусида қандай ўзгаришлар юз берди!

— Ташкилотимизда 90 одам ишлайди. Янги йилдан уларнинг ойликлари 30-40 фоизга ошди. Умуман олганда бир йиллик иш ҳақимиз ўтган йилги 120 мингдан 160 мингга кўтарилди. Бундан ташқари ҳар ойда ишлар режадагидек борса 40-50 фоиз мукофот пули ҳам бор.

Нарх-навога келсак, янги йилдан корхона ва ташкилотлар учун газ ҳақи 3 баравар ошди, яъни 1 куб метри учун энди улар 45 тийин тўлайди. Аҳоли учун эса ҳозирча газ нархи ошгани йўқ.

Шу ерда боя айтганим — ўзимиз ташкил этган махсус қурувчилар бригадасининг самарасига тўхтаб ўтай. Унда 6 киши ишлайди. Улар олдин идорамиздан ойлик олишарди, ҳозир эса ўзлари мустақил иш бажаришади. Ҳар бирининг ўртача ойлиги 400-500, гоҳида 800 сўмгача тушяпти. Уларнинг идорамиздан ойлик олмасликларининг ўзидан маош фондими иқтисод қилинди, бошқа ходимларимизнинг ойликлари кўтарилди. Улар идорамизга ҳам катта даромад келтиришяпти. Ахир ўтган йили мана шу 6 кишининг ўзи 5 қақирим қувир ётқизишди-да.

— Газдан фойдаланишдаги баъзи кўнгилсизликлар ундан фойдаланиш маданиятининг етишмаслигидан келиб чиқади, дейишади.

— Газ олаётган истеъмолчига барча зарур кўрсатмалар берилган. Аммо бари бир баъзиларда газдан фойдаланиш маданияти паст. Гоҳида улар эътиборсизлик, ҳафсаласизлик, паришонхотирлик орқасидан турли кўнгилсизликларга олиб келади хатоларга йўл қўйишади. Гоҳида ёш болаларга газни ишониб беъэтибор бўлишади. Газда бундай эътиборсизлик ярамайди, салгина салбий ҳолат сезилса газ идорасига хабар берилсин. Баъзан нохушликларга газ оқимининг тез ўзгарувчанлиги, қурилишдаги масъулиятсизлик ҳам сабаб бўлади. Хуллас газ билан муомалада ҳамиша ҳушёрлик шарт!

— Бу йилги режаларингизга келсак.

— Режамизда 17 қақирим газ қувурларини ишга тушириш мўлжалланган, лекин биз уни 50 қақиримга етказмоқчимиз, насиб этса йил охиригача газлашган хонадонлар сафи яна 800 га ортади.

Биз ўз ишларимизда келгусида ҳам мустақил ҳаракат қилишга суянаверамиз. Унинг фойдаси кўп экан. Мисол учун, ҳозир идорамизда лойиҳалаш группаси ташкил этиб, унга 2 олий маълумотли муҳандисни жалб қилганмиз. Улар ҳар қандай газ хусусидаги лойиҳа буюртмасини бир ой ичида бажариб беришяпти. Авваллари ҳар бир лойиҳа ва унинг тасдиғи учун қанча-қанча вақт сарфлаб, овора-ю сарсон бўлиб шаҳардаги институтларга югуриб юрардик, шунда ҳам 5-6 ойсиз бир ишни битиши қийин бўларди.

Узоқ қишлоқлардаги одамлар марказга қатнаб қийналиб юрмасин, деб «Свердлов», «Хасково» ва «Бўзсув» давлат хўжаликларига идорамизнинг 3 филиалини очдик, энди аҳоли газ тўғрисидаги ҳар қандай масала бўйича у ерга ҳам мурожаат қилаверади.

— Битта хонадонни газлаштириш лойиҳаси қанчага тушади!

— Гоҳида 10—15 сўмга, узоғи билан 25 сўмга. Бу



энди ўша лойиҳаланаётган хонадоннинг шароитдан келиб аниқ ҳисоб-китобда равшан бўлади.

— Қаюм ака, халқнинг оғирини енгил қилишдек эзгу ишларингизда омад тилаймиз.

Адҳам ДАМИНОВ,
«Ёш куч»нинг махсус мухбири.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ КОСАСИ ҚАЧОН ОҚАРАДИ ?..

Оқариш даври яқин, — деб ҳисоблайди иқтисодчи олим, ЎзКомпартия Марказий Қўмитаси ва жумҳурият вазирлар кенгаши ҳузуридаги сиёсатшунослик ва бошқарув институти профессори Ноҳидхон Ниёзов

Мухбир: Ҳар қандай иқтисодиётнинг, тараққиёт жараёнининг бошловчиси бу, режадир. Бугун биз мамлакатимиз бошига тушган кўрғиликнинг, фожианинг туб сабабларини чуқур таҳлил қиляпмиз. Хусусан, иқтисодиётимизнинг таназзулга юз тутиши ҳақида ўйлаётганимизда беихтиёр режасизликнинг аччиқ мевалари — пулнинг ўта қадрсизланиши, пештахталаримизда халқ истеъмоли молларининг асосий қисми тобора тугаб бораётганлиги эртанги кунга умидсизлик уйғотади. Қингир ишнинг қийиғи 40 йилдан кейин ҳам ошқор бўлади, дейишади. 70 йил бурун, мамлакат энди атак-чечак қила бошлаганда Ленин режалаштириш тепасида турган Давлат План қўмитасининг калтафаҳм раҳбарларига қарата уларнинг энг асосий вазифаси «Ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш» бўлмоғи даркорлигини уқтирган эди. [Афсуски бу шиор ҳамон ўз эгаларига эмас, ўқувчи ёшларга нисбатан ишлатилиб келинмоқда].

Ҳурматли Ноҳид Ҳасанович! Сухбатимизни мана шу бош муаммо — режалаштириш муаммосидан бошласак...

Н. Ниёзов: Маъқул. У ҳолда аввало қатор ҳаётий мисоллар ҳақида биргалашиб фикр юритайлик. Масалан, бизнинг жумҳуриятимиз ҳаёти билан боғлиқ пахтани қандай қилиб режалаштирганмизу, ҳозир қандай режалаштирмоқчимиз? Биз ўттизинчи йиллар бошида мамлакатимизда пахта мустақиллиги учун кураш деган шиор остида унинг миқдорини узлуksиз ошириб бориш сиёсатини амалга ошира бошладик ва афсуски ҳамон шу шиор остида яшаб келмоқдамиз. Нега энди олтмиш йил давомида ҳаётимизда рўй бераётган туб ўзгаришларни биз ҳисобга олмаслигимиз керак?! Пахта якказироатчилиги жумҳуриятимизга нақадар иқтисодий ва ижтимоий қийинчиликлар келтирди. Ҳажм бир неча марта ўсди, аммо жумҳуриятимиз учун келтирадиган самарадорлиги камдир. Бунинг сабаби маълум — режалаштиришнинг марказдан, ҳаммага ягона, яъни маъмурий буйруқ усули билан тасдиқланишидир. Инсоф билан айтмайлик. Ишлаб чиқарган пахтаимизнинг 90 фоиздан кўпроғи, чиқинди сифатидаги чи-

гит қобиғи (шелуха) ва кунжаранинг деярли ҳаммаси, олтиннинг ҳаммаси, қоракўл, табиий газ, ҳўл ва қуруқ меваларнинг кўпчилиги қисми марказ ихтиёрига ўтса-ю, ўзимиз ўша маҳсулотларга муҳтож бўлиб ўтирсак... адолатданми ахир бу? Қачонгача оғизда инсонни улуглаб амалда уни оёқ ости қиламиз? Бундай адолатсизликларнинг асосий сабабларидан бири ўша — режалаштиришнинг буйруқ ва тазйиқ билан жорий қилинишидир. Бунга чек қўйишнинг асосий манбаларидан бири юқорида зикр қилинган хом ашё ва маҳсулотларга марказдан белгиланадиган давлат буюртмаларини кескин камайитиришга эришишдир. Жумҳурият Президентининг жонқуярлиги натижасида бу муаммолар яқинда ижобий ҳал бўлса керак.

Иккинчи муаммо. Нега энди жумҳуриятимиз, бошқа иттифоқдош жумҳуриятлар ўртасида серфарзанд бўлишга қарамасдан халқ истеъмоли молларининг кўпчилиги ташиб келтирилади? Бунинг сабаби нимада? Қандай қилиб бу масалани ечиш мумкин?

Агарда биздаги саноат тармоқлари таркибида ишлаб чиқариш воsита молларини ишлаб чиқариш 75 фоизни ташкил қилсада, халқ истеъмоли молларининг улуши 25 фоизга тенг бўлса, қандай қилиб 20 миллионлик халқимизнинг ўсиб бораётган эҳтиёжини қондира оламиз?! Хўжалигимиз ана шундай ноқулай ва самарасиз аҳволга тушиб қолишига биринчидан бошқариш системасидаги мажбурийлик бўлса, иккинчидан, ўзимизда шундай маъмурий буйруқбозликка қарши туриб, жумҳуриятимизнинг иқтисодий тараққиётини асослаб берадиган мукамал тадбирларнинг йўқлиги сабаб бўлди. Очиғини айтиш керак, жумҳуриятимизнинг собиқ раҳбарлари бизда бўлаётган бу кўнгилсиз воқеаларнинг тагига ета билмадилар. Натижада биз ҳозир икки хил қийинчиликка дучор бўлиб ўтирибмиз. Биринчидан киядиган, еб-ичадиган ва жиҳозлаш учун зарур бўлган молларни улгуржи ва чакана нархлар билан четдан сотиб олиб келаётган бўлсак, иккинчидан шу молларни ўзимиз чиқармаганлигимиз звазига оборот солиғи жумҳурият бюджетига тушишдан маҳрум бўлиб ўтирибмиз. Шу муносабат билан иқтисодий мустақилликка ўтишдаги асосий вазифала-

римиздан бири саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари таркибини нафақат такомиллаштириш, балки уларни қайта қуриш зарур, деб ҳисоблаймиз. Демак оғир саноат тараққиётининг истиқболини кўриб чиқиб, дадиллик билан хом ашё базасига эга бўлганларини жадал ривожлантириб, асосан жумҳуриятимизнинг ресурслар имкониятидан келиб чиқадиган, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи тармоқларга кенг йўл очиш лозимдир.

Учинчи муаммо. Жумҳуриятимизнинг иқтисодий мустақиллиги йўлига чиқариш пайтида рўй берадиган ўзгаришлардан бири нархнаводир. Бу масалада жуда катта эҳтиёткорлик, билимдонлик ва зийраклик талаб этилади. Маълумки жумҳуриятимизнинг ички ва ташқи бозорда сотиладиган маҳсулотларнинг асосини хом ашёлар ташкил қилади. Шу муносабат билан, жумҳуриятимиз ҳудудида қазиб олинадиган ва ишлаб чиқариладиган барча хом ашёларнинг деярли аксариятини тугал маҳсулотларга айлантиришни кўзда тутган ҳолда иқтисодиётимиз тараққиётини белгилаш талаб этилади. Иккинчидан яқин орада иқтисодий бозор ривож топишини ҳисобга олиб, хом ашёларга нархларни дунё бозори даражасига қараб, улардан оборот солиғи олишни кўзлаб белгилаш зарурияти туғилади. Фикримизнинг нечоғли тўғри эканини исботлаш учун давлат статистика рақамларига мурожаат қиламиз:

1988 йилда Иттифоқ миқёсида белгиланган, амалда ҳаракат қиланган нархлар билан ҳисобланганда, қишлоқ хўжалигида банд бўлган 23,4 миллион киши 260 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган. Натижада ҳар бир одам соати тўланган қийматнинг даражаси қарийб 5 сўмни ташкил қилган. Бизнинг жумҳуриятимизда эса қишлоқ хўжалигида банд бўлган 2 миллион киши 10 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган. Уларнинг бир одам соати тўланадиган нарх даражаси 2,5 сўмни ташкил қилган холос. Ажабо, ўртача иқлими икки марта иссиқ шароитда, меҳнати бошқа ўсимликлардан 4—5 марта кўп бўлган пахтани ишлаб чиқарганларга икки марта оз ҳақ тўланса?! Адолатданми шу?

Маҳсулотларга тўланган нархлар аксарият ҳолларда унга сарфланган ҳақиқий ижтимоий меҳнат миқ-

доридан кескин фарқ қилади. Бу тафовутлар озиқ-овқат моллари бўйича онгли равишда камайитрилган бўлиб, бир қанча маҳсулотлар ўзларининг таннархларига нисбатан арзонга сотилади. (гўшт, сут, сарёғ ва ҳоказо) Зебу зийнат моллари бўйича аксинча оширилган бўлиб, уларга оборот солиғи солиш билан чакана нархлар кўйилиб ўзининг таннархига нисбатан анча қимматга сотилади. (автомобиллар, спиртли ичимликлар, заргарлик буюмлари ва ҳоказо).

Натижада давлат бутун халқ хўжалиги миқёсида нархлар йиғиндисини тенглаб дуранга эришса, меҳнаткаш халққа нафи кам. Бу масаланинг ташвиқот томони. Аслида ўша арзон молларнинг кўпчилиги қисми, ҳатто қийматларининг баъзилари, уларнинг эгалари-оддий аҳолининг қўлига бориб тегмасдан, асосан олиб сотарларга, чайқовчиларнинг ихтиёрига ўтиб кетяпти. Бу эса социал адолатнинг бузилишига олиб келмоқда. Шунинг учун жумҳуриятимизнинг иқтисодий мустақиллиги йўлини белгилашда аввало ўша нарх-наво соҳасидаги мураккаблик ва иқтисодий қийинчиликларни ақл-идрок билан ечмоқ даркор. Бунда аввало жумҳуриятимиздаги маҳсус шароит-ишловчиларга нисбатан истеъмоличиларнинг сони 2,2 марта кўплигини инobatга олиш зарур. Шу нуқтаи назардан агар жумҳуриятимиз маълум тайёргарликсиз, шошма-шошарлик билан иқтисодий бозор системасига ўтса, қийинчиликларга дучор бўлиб қолиши аниқ. Бу эса нархлаштириш соҳасида жиддий муаммоларни ҳал этишни тақозо қилади.

Тўртинчи муаммо. Иқтисодий мустақиллик деганда нафақат моддий ресурсларимизнинг мустақиллигини, балки шу билан бирга молия-пул ресурсларини шакллантириш, тақсимлаб ишлатиш имкониятларига мурожаат қилайлик. Бунга аллакимлар «Жумҳуриятда ишловчиларнинг улуши кам, ишламайдиганларнинг вазни кўп, шунинг учун Ўзбекистон бюджетининг суммаси киши бошига кам бўлади-да» деб эътироз билдириш мумкин. Бу нотўғри.

М: Ноҳидхон ака, нега шундай! Нима, жумҳуриятимиз ишчи, деҳқон ва хизматчилари иккиламчи ва учламчи даражадаги маҳсулот ишлаб чиқараяптиларми!

Н. Н: Асло бундай эмас. Агарда эътибор қилган бўлсангиз «Ўзбекистон халқ хўжалиги» номи билан, Давлат статистика қўмитаси томонидан чиқарилган расмий китобда миллий даромаднинг шаклланишига доир муаммоларга оид: қишлоқ хўжалигида ҳосил қилинган миллий даромаднинг бир қисми, саноат тармоқларида оборот солиғи сифатида ўрин олади, — деган сўзларни ўқийсиз. Демак бизга ажратиладиган ва шаклландиган бюджетнинг мутлоқ миқдорини ташкил қилувчи оборот солиғи ва фойдалар кам бўлиб, уларнинг ҳозирги миқдорлари ва таркибий улушлари тўла молиявий ҳолатни тасдиқлай олмайди. Жумҳуриятимизда иттифоқ аҳамиятига молик корхоналарнинг улуши кўп, улардан қоладиган фойданинг миқдори оз, у оборот солиғининг 40 фоизини ташкил қилади холос. Иккинчидан, юқоридага тақсимот бўйича бизнинг хом ашёлардан тайёрланган маҳсулотлар жумҳуриятимиздан ташқари жойлардаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётганлиги тўғрисида улардан олинган оборот солиғи бюджетимизга алоқаси йўқдир. Бинобарин мамлакатимизда ҳозирги пайтда олиб бориладиган молиявий соғломлаштириш сиёсатини тўла-тўқис ўзгаришсиз қабул қилиш эмас, балки реал шароитимизни ҳисобга олган ҳолда ҳаётга жорий қилиш шарт. Гап бюджетнинг харажат қисмини камайтиришга эришиш эмас, балки юқоридаги муаммоларни ечиб, унинг даромад қисмини кўпайтириш ҳақида бормоқда. Бунда асосий ўлчов миллий даромад бўлиб, бюджетнинг мутлоқ миқдорини ҳеч бўлмаганда унинг 70 фоиз даражасига кўтармоқ зарур. Чунки иттифоқ миқёсидаги бу улуш салкам 75 фоизни ташкил қилади. Ана шунда биз Ўзбекистон ўзининг даромадига нисбатан истеъмол қилиш миқдори кўпдир, деган таъналардан холос бўлишимиз мумкин.

Икки оғиз сўз қарзга пул бериш, нақд пул бериш ва унинг муомаладаги муаммолари ҳақида.

Ўз-ўзини пул билан таъминлаш иқтисодий мустақилликнинг асосий белгиларидан биридир. Маълумки давлат томонидан берилган кредит-қарзларни қайтаришдаги тўлаш фойзалари жуда паст бўлганлиги учун қарз олган корхоналарнинг кўпчилиги ўз вақтида пуллари қайтармайди. Натижада миллиард сўмлаб ортиқча маблағлар ҳаракатсиз тўпланиб ётади. Бу эса оддий тил билан айтганда, озгина фойда олиш учун кўп миқдорда ҳаражат қилишга олиб келмоқда. Масалан, жумҳуриятимиздаги кўпчилик кооперативлар кейинги икки-уч йил ичида неча юз миллион нақд пуллари давлат банкларидан олиб ҳали уларнинг кўпчилик қисмини қайтариб беролгани йўқ. Биз мустақил иқтисодий иш юритишга ўтар эканмиз, моддий оборот ва пул маблағларининг ҳаракатлари, яъни айланиш даражаларини кўпайтирмоғимиз зарур. Шунинг учун корхона ва ташкилотларга пул қарз беришдаги қайтим ошириб бериш бу маблағлардан оқилонга, тежаб-тергаб фойдала-

нишнинг асосий тадбирларидан бири бўлади. Бунда яна бир бор иқтисодий муаммо, яъни текинга еб кетувчилар ёки давлатга қарам бўлиб қолувчи корхоналар сони камайиб боради.

М: Домла, пул муомаласи ҳақида сўз оқингиз. Бу борада ҳам анча мураккаб муаммолар мавжудку! Энг аввало давлат ресурслари билан аҳолининг пул даромадлари ўртасида катта жарлик пайдо бўлиб, у тобора кенгайиб бормоқда, яъни нақд пулнинг миқдори халқ истеъмол молларининг мутлоқ миқдорига нисбатан тезроқ ўсиб бормоқда. Натижада магазин пештахталари бўм-бўш бўлиб қолмоқда. Бундай салбий ҳолатлар аҳолининг турмуш даражасига пу-



тур етказиб, уларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Агар аҳвол шу тарзда давом этаверса, халқ ғалаёни бошланиб кетиши ҳеч гап эмас.

Н. Н: Бунинг илдизи, иш ҳақи ортиши билан маҳсулот ҳажминини кўпайтириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш ўртасидаги номуносибликдир. Иқтисодиётимиздаги бундай камчиликларга барҳам берадиган манба ишлаб чиқарувчилар ўртасида иқтисодий рақобатни шакллантириш ва уларни бошқарадиган раҳбарларнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий урдабуронликларини ўстириб бориши ҳисобига иқтисодий бозорнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи тижорат банкларини ташкил қилиш ва уларга истиқбол йўлларини очиш катта аҳамиятга эгадир.

Пул муомаласида яна бир объектив зарурат пайдо бўлиб қолди, у ҳам бўлса ички пулимиз билан ташқи пулимиз (валюта) ўртасидага тафовутнинг ортиб боришига

барҳам беришдир. Бунинг учун, яъни ички ва ташқи пуллар ўртасидаги фарқни нолга тенглашнинг зарур йўлларида бири пулимизни конвертлаштиришдир. 1925-30 йилларда бир червон (10 сўм)га битта от ёки 5 сўмга қўй сотиб олиш мумкин эди. Агарда пулимизни халқаро доирага олиб чиқсак, унда ўша 100 сўмга магнитофон, 2500 сўмга автомобиль, 50 сўмга яхши костюм сотиб олиш имконига эга бўлардик.

Бешинчи масала. Янги иқтисодий ишлаб чиқариш муносабатларини шакллантириш ва уларни ривожлантиришни таъминлаш. Бунда биз асосан бошқаришнинг иқтисодий методи — тўла хўжалик ҳисобини, давлат мулкни ижарага олиш

налар тараққий қилолмайди. Айниқса, ижарага олинган ерлардан корхоналарда, қурилиш савдо ва бошқа ташкилотларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнининг нормал ривож топишида моддий-техника ресурслари ва хом ашёни улгуржи савдо орқали, қарор ёнқи қоғозда эмас, амалда ривожлантириш талаб қилинади. Ҳозирги пайтда иқтисодиётимизда туб ўзгаришлар яшаш учун социалистик бозорни тараққий эттиришга тиш тирноғи билан қарши турганларнинг кўпчилиги ўша юқоридаги ресурсларни тақсимлаш системасини бошқариб келаётган кимсалардир. Муносабатларнинг тез суръатлар билан ривожланиб бориши мустақил иқтисодий тараққиётга катта шароит яратади.

М: Жумҳуриятимизнинг иқтисодий мустақиллик йўлига ўтишида қандай муаммолар мавжуд!

Н. Н: Муаммолар сероб. Масалан халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш фондлари қайтими паст, бир сўмлик фондга 80 тийин маҳсулотни ташкил этади. Қишлоқ хўжалигимизда эса бу рақам 50 тийиндан ортмайди. Бу масалани фақат ишлаб чиқариш фойдасини қайтадан ҳисоблаб, нархлаб чиқиш йўли билан, кераксизларини сафдан ўчириб ташлаб уларнинг ўрнига замонавий ихчам, унумдор ускуна ва машиналар билан алмаштиришни зудлик билан ҳал этиш орқали бар-тароф этиш мумкин, холос.

Жумҳуриятимизда ижтимоий ишлаб чиқариш моддий сифимининг узлуксиз ўсиб боришига бепарво қараб бўлмайди. Агарда 1980 йилда ижтимоий ялпи маҳсулот таркибидаги моддий ҳаражатлар 51 фоизни ташкил қилган бўлса, бу рақам 1988 йилга келиб 56 фоизга етди. Натижада миллий даромаднинг улуши 44 фоизга камайиб кетди. Бу рақамлар режалаштиришдаги ихтиёрийлик, тақсимотдаги буйруқбозлик, бюрократиянинг ривожланиши, камёблик пайтида етишмовчиликнинг ишлаб чиқаришга таъсири, мулкчилик системасида марказлаштиришнинг олий даражада ўсиши ва пировард натижада хўжасизликнинг пайдо бўлиши каби салбий воқеалар таъсирида ўсиб борди. Ҳар бир корхона, ишлаб чиқариш жамоаси, колхоз, совхоз, ижарачи ташкилотлар, кооперативлар ва бошқаларни шиорларда эмас, балки амалда эгаларига топшириш неча йиллардан буён ҳукмрон бўлиб келган хўжасизликнинг томирига болта уриб, уни режакорлик билан алмаштириш имконини беради.

Мустақил тараққиётда, капитал маблағлардан оқилонга фойдаланиш, инвестиция сиёсатини, меҳнат ресурсларини фойдаланиш меҳнатга жалб қилиш муаммолари, ташқи мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда кадрларнинг савиясини ўстириш орқалигина Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъмин этиш мумкин.

М: Уша кунларга етказсин, домла...

ЭЗГУЛИК ВА ГҲУЗАМЛИК

Уқишни севинг!

Хар бир инсон ўзининг ақлий ва маънавий камолати хусусида қайғуриши лозим. Бу унинг ўзи яшаётган жамият ва қолаверса, ўз виждони олдидаги бурчидир.

Ақлий, маънавий ривожланишнинг асосий усули — ўқишдир. Уқиш тасодифий бўлмаслиги керак. Бунда ғоятда кўп вақт сарфланади, вақт эса беҳудада сарфланиши мумкин бўлмаган бебаҳо қадриятдир.

Уқиш самарали бўлиши учун у аввало ўқувчини қизиқтириши зарур. Умуман, ўқишга ёки маданиятнинг тегишли соҳаларига тааллуқли адабиётга бўлган қизиқиши киши ўзида ривожлантириши керак. Қизиқиш эса маълум даражада ўз-ўзини тарбиялаш натижасидир.

Ўзи учун режа тузиш унчалик осон иш эмас ва бу ишни билimli кишилар билан маслаҳатлашиб, маълумотномалардан фойдаланган ҳолда бажариш муҳимдир.

Уқишнинг ҳавфи томони — бу (би-

эга бўлиш керак. Агарда улар ҳақида кундаликда баён этиб борилса янада яхши, лекин бу кундалик «ҳақиқий» бўлиши учун уни ҳеч кимга кўрсатмаслик — фақат ўзимиз учун ёзишимиз керак.

Ҳар бир инсоннинг мақсадларида, яшаш тарзида, хулқ-атворида бир тартиб-қоида ҳукмрон бўлмоғи, яъни ҳаётда инсоний қадр-қиммат билан яшаш ва умрни ёдга олганда уялиб қолмаслик лозим.

Инсон қадр-қиммати ўзгаларга ёрдам беришдан қувонч топадиган ҳақиқий дўст бўлишини, эзгуликни, бағрикенгликни, ўз манфаатини кўзлайдиган худбин бўлмасликни талаб этади.

Инсон қадр-қиммати ҳақи арзимас ҳузур-ҳаловатдан ва арзийдиганидан ҳам... воз кечишни билиш керак. Узр сўраш, ўзгалар олдидаги айбини тан олиш, алдаш ва найрангбозликдан яхшироқдир.

ни қўллаб-қувватлаб, бунёд этиб яшамок керак. Ҳаёт турли-тумандир, демаски, бунёд этиш ҳам хилма-хил ва бизнинг ҳаётдаги бунёдкорлигимиз ҳам қобилиятимиз ва иштиёқимиз даражасида хилма-хил бўлмоғи керак. Сиз бу ҳақда нима деб ўйлайсиз?

Фаровонликни ошириш усуллари хилма-хил, лекин ҳар бир кишининг қўлидан албатта нимадир келади. Агар давлат аҳамиятидаги масалаларни ҳал этишга ваколат йўл қўймаса, (донолик билан ҳал этилганда улар доимо фаровонлик даражасини оширади), унда фаровонлик даражасини ўз кундалик ҳаётингизда, ўз мактабингизда, дўст ва ўртоқларингиз даврасида оширишингиз мумкин. Ҳар бир кишида бундай имконият бўлади.

Ҳаёт — авваламбор ижодиёт, лекин яшаш учун ҳар бир киши расом, балерина ёки олим бўлиб туғилиши шарт эмас. Ижодиётни ҳам ижод қилиш мумкин. Масалан, ўз атрофингизда хушмомала кайфиятни яратишингиз мумкин. Мисол учун, жамоа орасига бир киши ўзи билан шубҳали, қандайдир юракни эзадиган сукунатни олиб кириши ёки бир вақтнинг ўзида қувонч, ёруғлик келтириши мумкин. Ижодиёт дегани ҳам ўзи шу. Ижодиёт туганмас. Демакки, ҳаёт — бу абадий яратувчилик. Инсон туғилади ва ўздан ном қолдиради. Қандай ном қолдиради? Бу ҳақда фақатгина маълум ёшга етгандагина эмас, мен ўйлайманки, ҳаёт бошида ўйламоқ керак, негаки инсон ҳаётдан ҳар қандай вақтда ва ҳар бир лаҳзада кўз юммоғи мумкин. Шунинг учун мана шу — ўздан сўнг қолдирадиган номи жуда муҳимдир.

ришлагга ҳаракат қилади. Уғил болалар эса жуда кичик ёшидан қўзиқорин теришни, балиқ тутишни яхши кўрадилар.

Бора-бора болаларнинг ғамхўрлиги, фаолияти янада юқори поғонага кўтарилади ва эндиликда унинг ўзи ҳам ҳақиқий, кенг маънодаги, яъни фақат оила ҳақида эмас, балки ўзи ўқиётган мактаби ҳақида, ўз қишлоғи, шаҳри ва юрти ҳақида ғамхўрлик кўрсата бошлайди.

Ғамхўрлик кенгайган сари у инсонларнинг ўзаро муносабатидан жой олади. Болалар ўзлари ҳақидаги ғамхўрликка жавобан қариган ота-она хотираси, оиланинг номи ва умуман Ватанининг тарихи ҳақидаги ғамхўрликлари билан туташиб кетади. Агар ғамхўрлик фақат ўз шахсига қаратилган бўлса, боладан худбин ўсиб чиқади.

Ахлоқийликнинг энг юқори сифатларидан бири ҳамдардлик туйғусидир. Ҳамдардликда инсоният ва ташқи олам билан бирлигини англаш ҳисси мавжуд (фақат одамлар ва халқлар билангина эмас, балки ҳайвонот дунёси, ўсимлик, табиат ва ҳ. к. билан ҳам). Ҳамдардлик туйғуси ёки унга яқин бўлган бошқа туйғу бизни маданият ёдгорликлари учун, уларни сақлаб қолиш, табиатнинг бетакрор манзараларини қўриқлашга, шунингдек, инсон хотирасини эъзозлаш учун курашишга мажбур этади. Ҳамдардлик бу бошқа инсонлар, миллатлар, халқлар, мамлакатлар, бутун олам билан бирлик туйғусидир.

«Инсон учун кичик қадам, инсоният учун катта қадам», — деган фикр ғоятда тўғри экан. Бунга минглаб мисоллар келтириш мумкин: бир кишига раҳмдил бўлиш ҳеч гап эмас, лекин бутун инсоният учун бу ниҳоятда мушкул. Инсониятни яхшилаб бўлмайди, ўз ахлоқимизни тузатишимиз — осон. Болага овқат едириб қўйиш, кўчадан қарияни ўтказиб қўймоқ, трамвайда жой бериш, яхши ишлаш, хушмуомала ва ширинсўз бўлиш — буларнинг ҳаммаси бир киши учун осон, лекин бир вақтнинг ўзида ҳамма учун ниҳоятда мушкул. Мана шунинг учун инсон ўзидан бошламоғи керак.

Эзгулик аҳмоқона бўлмайди. Яхшилик ҳеч қачон бемаъни эмас. Негаки, у беғараз ва ҳеч қандай манфаатни ва «ақлли натижа»ни кўзламайди.

Эзгуликни аҳмоқлик деб фақат у ўз мақсадига эришолмаганда ёки «ғайри эзгу», яъни эзгу ният бўлмаган ҳолда аташ мумкин. Таъкидлайман, ҳақиқий эзгу иш аҳмоқона бўла олмайди, у ақл ёки ақлсизлик нуктаи назардан баҳоланиши мумкин эмас. Шуниси билан ҳам эзгулик ажойибдир.



либми ёки билмайми) матнларни қиямасига кўриб чиқиш ёки тез ўқишнинг бошқа усулларига бўлган иштиёқни ўзида ривожлантиришдир.

«Тез ўқиш» фақат зоҳирий билим беради. Уни фақат баъзи соҳаларда тез ўқишга одатланишдан сақланган ҳолда қўллаш мумкин. Уқишнинг бу усули диққатни касалланишга олиб келади.

Яшашдан мақсад нима

Киши ўз олдига турлича мақсадларни белгилаши мумкин, лекин албатта яшашдан мақсади бўлмоғи керак — акс ҳолда у ҳаёт эмас, беъмани кун кечириш бўлади.

Ҳаётда мустақкам принципларга ҳам

Елғон гапириб, киши аввало ўзини алдайди, негаки у муваффақият билан алдадим, деб ўйлаганда атрофдагилар елғонни пайқайдилар ва фақат мулозимат юзасидан индашмайди. Елғон доимо кўриниб туради. Фақат исботланмаган бўлади, лекин кўпинча кишилар баҳсланишни эп кўрмайдилар...

Табиат инсонни кўп миллион йиллар давомида яратди ва табиатнинг бу ижодий яратувчанлик фаолиятини мен ўйлайманки, ҳурматлаш керак, ҳаётда инсоний қадр-қиммат билан шундай яшаш керакки, бизнинг яратилишимиз устида табиат ранжимасин. Табиат яратувчи, у бизни яратди, шу сабабли биз ўз ҳаётимизда мана шу ижодий, яратувчилик ғоясини қўллаб-қувватлашимиз ва зинҳор ҳаётда мавжуд ҳар қандай вайронгарчиликларга йўл қўймагимиз, ҳаётдаги яратувчилик-

Инсонларни нима бирлаштиради

Ғамхўрлик... Ғамхўрлик туйғусидир. Инсонлар муносабати мустақкамланади. Ғамхўрлик оилани, дўстликни мустақкамлайди, ҳамқишлоқлар ва ҳамшаҳарларни, қолаверса бутун бир мамлакат аҳолисини бирлаштиради.

Инсон ҳаётини кузатиб кўринг. Инсон дунёга келади ва илк бор унга она ғамхўрлик қилади, секин-аста бир неча кун ўтгач бола билан бевосита алоқага ота ғамхўрлиги қўшилади. Боланинг дунёга келишини ота-она интизорлик билан кутишган, у ҳақда орзу қилишган.

Ўзгалар ҳақида куйиниш ҳисси асосан қизларда жуда эрта уйғонади. Қизча ҳали гапирмайди, лекин ўз қўғирчоғи ҳақида куйиниб, уни парва-

Езма ишимни эса тополмадилар. Йўқотиб қўйишганмиш. Урнимга пуллик бойваччалар кириб кетгани аниқ. Мен эса мана, армия сафидана. Насиб бўлса, хизматдан сўнг медицина институтига албатта ўқишга кириман.

Вафоқул ХУДОЙҚҶЛОВ,
Оренбург вилояти.

Тўйимиздан уч ой кейин ажрашдик. Собик турмуш ўртоғим икки кундан кейин яна уйланди. Аммо у билан ҳам кўп яшамади. Мен эса ота-онам уйида кўзим ёриди. Қиз кўрдим. Қизимга келайтган 19 сўм алимент пулини болалар уйига ўтказмоқчиман.

Умида,
Тошкент тумани.

Деновадаги тиббиёт билим юртига ўқишга киришга уч йил уриндим. Аммо барибир киролмадим. Мен билан бирга ҳужжат топширган қиз билан гаплашиб қолгандик. Аён бўлдики унинг ота-онаси зўрлаб, шу ерда

ўқийсан, деб туриб олишганмиш. У эса муаллима бўлмақчи экан. Агар кирсам ҳам ташлаб кетаман, деди у.

Мен яна киролмай, қишлоғимга қайтдим. Ота-онам: «Бизни уч йилдан бери уялтириб бораверасан» дея уришишди. Мен эса албатта кириман, деб тушунтирияман.

Шундай тақдирим бор: билим юртига имтиҳон топширишдан аввал ҳар бир абитуриент билан суҳбат ўтказилса. Унинг шу касбга меҳри ўрганилса.

Ҳамид,
Сурхондарё вилояти Денов ноҳияси.

Хатлардан сатрлар

1989 йилда бир йигит билан танишгандим. Бир-биримизга кўнгул қўйдик. Йигит ушимизга кўп марта совчи қўйди. Аммо отам «Бегонага қиз бермайман», деб рози бўлмадилар.

Энди йигит ноилж бошқага уйланди. Мен отам айтган йигитга турмушга чиқдим. Аммо у қиморбоз экан, ажрашиб кетдим. Ҳозир кечалари билан йўғлаб чиқаман. Отам мени бахтсиз қилдилар.

Саломат,
Тошкент вилояти Чиноз ноҳияси.

Самарқанд вилоятининг Пастдарғом ноҳияси Калинин колхозиданман. 8-синфни имтиёзли битириб медицина билим юртига ўқишга кирдим. Уни ҳам имтиёзли битириб, медицина институтига ҳужжат топширдим. Аммо кириш имтиҳонида менга «икки» баҳо қўйдилар. «Беш»га жавоб бергандим.

Турмушим яхши эди. Эрим жиноий иш қилиб қамалганда ҳам, қамоқдан чиқиб ишлари ўнганганда ҳам ҳаётдан умидвор эдим. Энди эса... Турмуш ўртоғим уч қизимни тирик етим қилиб, Фарғона Давлат Педагогика институтининг математика факультети талабаси билан яшаётганмиш. У қизга учраш-

Қачон хафа бўлмоқ керак?

Қачонки сизни атайлаб хафа қилишгандагина ранжишмоқ керак. Агар бехосдан, хафагарчиликка тасодиф сабабчи бўлса, ранжишга не ҳожат?

Аччиқданмай келишмовчиликни аниқлаш керак — тамом.

Хўш, агар атайлаб ранжитишса-чи? Аразга араз билан жавоб қайтаришдан аввал ўйлаб кўрмоқ керак: аразлашгача бориб етмоқ зарурми? Ахир араз одатда тубанликда ётади ва уни кўтармоқ учун маълум даражада эгилмоқ керак.

Шунга қарамай, ранжишга қарор қилган бўлсангиз, аввало маълум математик ҳисоблашни амалга оширинг — айириш, бўлиш ва ҳ. к. Фараз қилайлик, сизни фақат қисман айбингиз бор бўлган вазиятда ҳақорат қилишди. Ранжиган ҳиссиётингиздан сизга тегишли бўлмаган қисминини чиқариб ташланг. Боринги, сизни яхши ниятда ранжитишди — ўз ҳиссиётингизни, ҳақоратли танбеҳга сабаб бўлган яхши ниятда бўлинг ва ҳ. к. Ҳаёлан зарур математик ҳисоблашни амалга оширигач, дилсизҳликка муносиб жавоб қайтара оласиз, сиз унга қанчалик кам аҳамият берсангиз, сизнинг жавобингиз шунчалик олижаноб бўлади. Маълум меъёрида, албатта.

Умуман, сал нарсага хафа бўлавериш ақлсизлик ёки қандайдир «торфикрлик» аломатидир. Ақл-заковат эгаси бўлинг.

Чин ва сохта обрў

Мен аниқ таъриф беришни хушламайман ва кўпинча бунга тайёр ҳам эмасман. Лекин виждон ва обрў ўртасидаги баъзи фарқланишларни кўрсатишим мумкин.

Виждон ва обрў ўртасида битта муҳим фарқланиш бор. Виждон — доимо қалб қаъридан овоз беради, ёки бу маънода виждон туфайли қалб тозаланади. Виждон «азоблайди». Виждон сохта бўлмайди. У унутилган ёки ҳаддан ташқари таъсирчан бўлади (ниҳоятда кам учрайди.) Лекин обрў ҳақидаги тасаввур сохта бўлади ва бу сохта тасаввур жамиятга жуда катта зиён етказиши мумкин. Мен «мансаб обрўси» тушунчасини назарда тутмоқдаман. Бизнинг жамиятимизга хос бўлмаган,

дворянлар обрўси деган тушунчалар йўқолиб кетди, лекин «мансаб обрўси» ҳамон оғир юк бўлиб турибди. Гўё одам ўлган, лекин ундан нишонлари ечилган либоси мерос қолгандек. Ва унинг ичида энди диёнатли юрак урмайди.

«Мансаб обрўси» раҳбарларни сохта ва хато деб топилган лойиҳаларни ёқлашга, муваффақиятсиз қурилишларни давом эттиришни талаб қилишга, ёдгорликларни қўриқлаётган жамиятларга қарши курашга мажбур этади.

Чинакам обрў — доимо виждон билан мувофиқ. Сохта обрў — саҳродаги сароб, инсон (тўғрироғи «амалдор») қалбининг маънавий саҳросидир.

Ҳасад ҳақида

Агар оғир атлетикачи тош кўтариш бўйича янги жаҳон рекордини ўрнатса, сиз унга ҳавас қиласизми? Агар гимнастикачи ёки трамплиндан сувга сакраш бўйича жаҳон рекордчиси энг юқори натижага эришса-чи?

Сиз билган ва ҳавас қилса арзийдиган барча ҳодисаларни бирма-бир санаб чиқинг: бу кўрсаткичлар сиз хизмат қилаётган соҳангизга, ҳаётингизга қанчалик яқинлашгани сари уларга нисбатан ҳавасингиз ортиб боришини сезишингиз мумкин. Бу ҳудди ўйиндагидек: совуқ, илик, янада иссиқ, қайноқ ва охири куйдирмоқдир!

Демак, сиз кўзингиз боғланган ҳолда бошқа ўйинчилар яширган нарсани топиб олдингиз. Ҳасад ҳам шундай. Сизнинг касбингиз, сизнинг мақсадларингизга бошқа кишининг ютуқлари яқинлашгани сари ҳасаднинг куйдирувчи хавфи ортиб боради. Бу аввало ҳасад қилувчини азоблайдиган ниҳоятда ярамас ҳислатдир.

Сиз энди заҳил ҳасад ҳислатидан қутулиш йўлларини тушунарсиз: сизни ўраб турган оламда фақат ўзингизга хос хусусиятларини, ўзингизнинг шахсий бетакрорлигининг ривожлантиринг. Шунда сиз ҳеч қачон ҳасад қилмайсиз. Ҳасад ўзингизга бегона бўлиб, ўзингизни ўзгалардан ажратолмай қолганингизда ҳосил бўлади.

Очкўзлик ҳақида.

Мени «очкўзлик» сўзининг луғатлардаги таърифи қониқтирмайди. «Бирор нарсага нисбатан қониқмас хоҳиши ҳаддан ташқари қондиришга интилиш» ёки «хасислик, таъмагирлик».

Аслида бу китобий таъриф тўғри,

лекин бу таъриф инсонларда шу ҳислатнинг намоён бўлишини кузатган вақтимда мени қамраб оладиган нафрат туйғусини ифода этолмайди. Очкўзлик — бу ўз қадрини унутиб, ўз моддий манфаатларини ўзидан устун қўйишга уруниш, бу маънавий қоқоқлик, ақлнинг ҳам даҳшатли, ҳам аянчли аҳволи, унинг ниҳоятда чекланганлиги, дунёга хаста нигоҳ билан боқиб, ўз шахсига ва ўзгаларга нисбатан заҳархандалик, дўстлик туйғусини унутишдир. Инсондаги очкўзлик ҳатто кўнгли ҳам эмас, у пасткашлиқдир. Очкўзлик ўз шахсига ва атрофдагиларга нисбатан адоватдир.

Аммо, оқилна тежамкорлик бу бошқа масала: очкўзлик унинг бузилиши, унинг касаллигидир. Тежамкорликни ақл бошқаради, очкўзлик эса ақлни эгаллаб олади.



Расмларни Осимхон ВАСИХОНОВ чизган

Шахсий кутубхоналар ҳақида

Бугун жуда кўп хонадонларда шахсий кутубхоналар мавжуд. Китоблардан ҳатто ўйни жиҳозлашда ҳам фойдаланилмоқда. Ахир бу ажойиб-ку! Безатиш учун қўлланаётган бошқа нарса эмас, китоб-ку! Ва кишиларнинг китоблар билан қизиқиши ҳам яхши, бу жамиятимизнинг маълум маданий ривожланишини кўрсатади. Лекин, китоблар ҳақиқий китобсеварларга эмас, балки «жиҳозловчиларга» етиб бораётганини, баъзан фақат безатиш учун қўлланишини айтишлари мумкин. Аммо, бу ҳам ҳаддан ташқари ёмон эмас. Китоб ҳар доим ўз эгасини топади. Масалан, ким-

ташқари катта бўлиши, уни бир марта ўқиладиган китоблар билан тўлдирилиши зарур эмас. Бундай китобларни кутубхоналардан олиш мумкин. Уйда эса қайта ўқиладиган классик (ва албатта сеvimли) асарлар, кўпроқ маълумотномалар, луғатлар, тавсифномалар бўлмоғи керак. Улар баъзан бутун бир кутубхонанинг ўрнини босиши мумкин. Албатта шахсий тавсифнома тузиб олинган ва шу тавсифнома вақтларида сиз учун китобдаги асосий ва зарур бўлган ўринларни қайд этинг.

Такрорлайман. Агар китоб сенга бир марта ўқиш учун керак бўлса, уни сотиб олиш зарур эмас. Бундай китобларни сотиб олишдан сақланиш ҳам шахсий кутубхона тузиш маҳоратини кўрсатади.

Наргиза МАМАДАЛИЕВА ўзбекчага ўйрган.

сам: «Ҳаммасини биламан. Аммо яхши кўраман, тамом», деди.

Менинг аҳволимни-ку асло гапирманг. Аммо болаларим, уйим — мотамсаро. Дадасини сўраётган жажжиларга нима деб айтаман?

Шаҳрибону ПИРМАТОВА,
Фарғона вилояти Езёвон ноҳиясидаги
«Правда» совхозини.

Ешим 18 да. Мустақил ҳаёт бўсағасидаман. Саволларим кўп. Билмаганларим кўп. Ҳаётда ўз ўрниمنى топишни, кўп ҳодисаларнинг моҳиятини тушуниб етишни хоҳлайман.

Айниқса, унга ишонч, муҳаббат ва садоқат хусусида маслаҳатингизга муҳтожман.

Севги нима? Севгининг оқибати кўпинча ажралиш билан туғашининг боисини билмоқчиман. Оила мустаҳкамлигини таъминловчи омиллар қайсилар? «Умид», «Ишонч», «Муҳаббат», «Садоқат» тушунчаларини шарҳлаб беринг.

Балки бу саволларга жавоб йўқдир? Нима бўлган тақдирда ҳам тенгдошларимнинг бу хусусидаги фикрларини билмоқчиман.

Гулнора МАТЕҚУБОВА,
Қорақалпоғистон, Беруний ноҳияси,
Қорақўлчилик комплекси ишчиси.

Мен кўнгул қўйган йигит ўн йил бўлди ҳалокатга учраб бу дунёдан ўтди. Мен эса уни ҳеч унутолмайман. Яқинда менга дил изҳорини билдирган йигит одатдагидек рад жавобини олганда айтган гапи... Наҳот шундай бўлса? Эмишми мен тарафимдаги қизлар, яъни «садоқатлиман» деб тўрмушга чиқмай юрган қизлар аҳмоқ қизлар эмиш, уларнинг бундан кейин яшашга ҳақлари йўқ эмиш.

Наҳот рост бўлса? Тупроққа тенг бўлган соф сеvgим садоқати деб бахтдан юз ўгираётганимни айтганлар ҳақми?

Сайёра ҲАЛИМОВА,
Шаҳрисабз ноҳияси пахта тозалаш заводи.

Мен Иброҳимов А. Ёшим 18 да. Тўрт йилдан бери бир қизни севаман. Аммо қишлоғимизда бирорта ёш севиб турмуш турмаган. Доим ота-оналаримиз қарши бўлиб турадилар. Наҳот, севиш ва севилиш гуноҳ бўлса?..

А. ИБРОҲИМОВ,
Фарғона вилояти Сўх ноҳияси.

Мен севган йигит вафосиз экан. Туриб-туриб, унинг кечинмалари сохта эканига ишоняпман. Аммо у ёнимда йўқ энди.

Майли, вафосиз йигитимга вафоли сеvgи тилайман.

Ш. Хоразм вилояти.

Қиз боланинг сеvgи изҳор қилолмаслигини унинг ҳуқуқлари чекланганлигидан далолат деб биламиз. Севгисини ҳеч айтолмайдиган қиз гўё фақат севилиш учунгина дунёга келгандек. Аммо, севиш учун эмас... Нега шундай?

(Манзилмизни эълон қилманг),
Андижон вилояти бир гуруҳ ўқувчи қизлар.

Азиз журналхон, аминманки, мана шу суратга нигоҳ ташлаганингиз ҳамано юрагингизнинг бир чеккаси жизиллаб кетди, ачинишу афсус-надомат туйғусига чулғандингиз. Шу билан баробар шаксиз, хаёлингизда турли саволлар чарх урди: тутдек тўкилган ва замонида чунон улғвор бўлганлиги сезилиб турган бу иморатни меҳру муҳаббат муҳофазасига олиш нечун ҳеч кимнинг хаёлига келмаётди? Лоқайдлик бобида шу даражага етдикми? Қадриятларимизни қачонгача хўрлаб қўямиз? Бу кетишда қулোগимизгача уволга ботмаймизми?

Таъналарингиз бениҳоя ўринли, бениҳоя ҳаққоний, азиз журналхон. Сизу биздаги ҳамдардлик ҳисси қошки олис мозий нафасини бугунги кунгача мардона етказиб келган забардаст обида бағридаги жароҳатга малҳам бўлиб босила қолса! Қачонлардир Самарқанд шаҳри қиёфасига узукка кўз қўйгандек ярашиб тушган, вақт ва зилзилалар тазйиқи билан бор бисотида айрилган, ЮНЕСКОдек обрўли халқаро орган муқаддас рўйхатига кирган ушбу қошона — Ашратхона (Ишратхона) қуруқ ваъдалардан аллақачон безор бўлди, у шунчаки ачиниш ёки ҳамдардликка эмас, муайян аниқ самара берадиган кўмакка муҳтож, яъни таъмирчи усталар пойқадамига мунтазир!

Эл орасида Ишратхона номи билан маълум ва машҳур бўлган обида классик меъморчилигимиз дурдонаси бўлганидан ташқари қадимда — жаҳолат билан адолат ўртасида кескин кураш борган мураккаб даврларда миллий маданиятимиз нақадар гуллаб-яшнаганлигидан гувоҳлик беради. Ишратхона санъат асарини сифатида ўз моҳият-этибори ва нуфузи жиҳатидан етти иқлимга довуғи ёйилган Шоҳизинда, Бибиҳоним, Регистон силсилалари, Амир Темур мақбараси ва бошқа тарихий обидалар билан бемалол беллаша олади. Чет элдан Самарқандга ташриф буюраётган туристлар кўп ҳолларда тарихимиздаги айрим чалкашликларни тагин ҳам чигаллаштираётган, ўта сохта ва саёз маълумотларни қарахлик давридан қолган одатга кўра тўтиқушдек такрорлаб берадиган йўлбошловчи (гид)лардан мазкур ёдгорлик ҳақида сўраб қолишади, уни бир кўришга орзуманд эканликларини билдиришади. Нуқул халқимизнинг ўтмишини ва миллий маданиятини ерга урувчи ва таҳқирловчи, аллақимлар манфаатига хизмат қилувчи маълумотномалар билан қуролланган шўрлик йўлбошчимиз эса меҳмон илтимосини қондирилмай елка қисади, ер юзида шундай қошона борлигини, у шундоққина қадами тагида хору зор бўлиб ётганлигини билмаганидан заррача хижолат ҳам чекмайди.

Назаримда халқимиз ўз тарихига, қадимий миллий маданияти тақдирига бепарволик билан қарашга ўрганиб қолгандек. Нега шундай? Ахир бутун дунёни ҳайратга солган ва солаётган ажойиб-ғаройиб гўзаллик намуналарини шу жафокаш халқнинг нуқтадон, илму урфонга ташна, дидли-ўқувли аждодлари яратиб кетганку!

Менимча, дилларимизда илдиэ отган лоқайдликни озиклантириб турадиган бир ҳис бор, бу — кўрқув, мозийни камситадиган, мозийга барча жабҳада ҳукмронлик қилишни зимма-

сига олган гуруҳлар зўр ҳафсала билан тиклаган ва устидаги тиканли симлари ҳануз олиб ташланмаган баланд девор оша, бўй етар-етмас бўлиб, ҳадиқ билан мўралашга мажбур этадиган аянчли туйғу! Иложимиз қанча, бундай туйғу бизга ёт эди, уни дилларимизга йигирманчи ва ўттизинчи йиллар совуқ тўфонига аралаштириб киргазишди. Шу-шу у вуҷудимизга ва руҳимизга ўрнашиб қолди. Аёвсиз ёқилган ва чўктирилган бебаҳо қўлэзма манбалар, ваҳшийларча ёндирилган, зўравонлик билан вайрон қилиб ташланган масжидлар, карвонсаройлар, ҳонақоҳлар, гумбазлар... ҳануз муҳтарам кексаларимизнинг тушларига кириб чиқади, уларнинг олис кечмиш кўйнидан элас-элас келадиған нола-фиғонлари бизни, ҳозирги авлод вакилларини зилдек ўйга толдиради, азобга солади. Лекин дардимизни кимга айтамыз? Арзу додимизни эшитадиган борми? Мабодо бирор оқил тинглаганда ҳам ўша дахшатли ўпирлишлар ўрнини тўлдириш иложи топиладими?! Асло! Хўш, шундай экан, унда тузатиб бўлмайдиган ўша хатолар учун ким жавобгар? Тарихимизни топтаганларни тарихнинг ўз ихтиёрига, ўз ҳукмига топишириб қўйиш билан кифояланиб қолаберамизми?


Юракларни ўртайдиган шу хил саволларга мозий қонуниятлари нуқтаи назаридан одилона жавоблар берилишини истаимиз. Бундай жавобни ҳар томонлама ҳур ва эркин дея сийланаётган миллатимизнинг кечаги кунини, бугунини, эртаси тақозо этади. Инон-ихтиёримизни исканжага олган лоқайдликдан ва кўрқув ҳиссидан тезроқ халос бўлишимиз учун тарих олдидаги уволу савобларимизни илмий ва амалий асосларда ажрим қилиш муддати аллақачон етди. Яқин-яқин вақтларгача миллий меъморчиликда ҳар бирининг ўз ўрни бўлган мадрасамасжидларга, йигирманчи-ўттизинчи ва ҳатто эллигинчи йиллардаги русумга кўра, бегона назар билан қараб келдик. «Ҳа, бу масжид-а, худонинг уйи, уни таъмирлаш таъқиқланган», деган ақидани калламиздан чиқариб ташлаш жараёни жуда қийинлик билан кечди. Энди-энди бу борада сал-пал ўзгаришлар сезилади. Барибир ҳали ҳам алағдамиз, қош қўяман деб кўз чиқариб қўйишдан хавотирланамиз. Адашмасам Ишратхона бошидаги оғир савдо бир жиҳатдан худди шу ноўрин эҳтиёткорликка бориб тақалади. Масжидларни ўгай деб эълон қилган аянчли туйғу Ишратхонани ҳам айбситган, хўрликка маҳкум этган бўлса не ажаб! Ҳамма бало шундаки, эл оғзида юрган баъзи миш-мишлар, тахминий

хулосалар, қолаверса, сал эриш туюладиган номи Ишратхонани муҳофазага олишга тўсқинлик қилган кўрилади. Халқимиз ва маданиятимиз тарихини чуқур ўрганган таниқли тадқиқотчилар ҳам уни «Ишратхона» деб атайдилар, у Амир Темур замонида, ундан кейин ҳам айшу ишрат макони бўлганлигини рад этмайдилар. Қани, айтингчи, «худо уйлари»дан ўлгудек кўрққан мутасадди идораларимиз «ишрат уйи» яқинига йўлаш ёки уни муҳофазатга олиш, таъмирлаш чораларини кўришга қандай журъат этишлари мумкин эди?! Мутасадди идоралар раҳбарлари азиз бошлари ғалвага кўмилишини ҳеч қачон исташмайдилар. Оч қорним, тинч қулғим-да! Лекин улар кечмишни пухта билмай, жабрдийда тарихимиз қатламларида беҳолу безабон ётган муждалардан беҳабар ҳолда шундай тўхтамага келишгани, беғамлик билан енгил-елпи йўл тутишгани, оқибатда эса меъморчилик оламидаги бебаҳо гавҳар уволга қолишаётганини ниҳоят тан олишларини хоҳлаймиз.

Хўш, обида номи қандай маъно ташийдими? У нима мақсадда қурилган ва ўз замонасида қандай муддаога хизмат қилган? Бу саволларга кўндаланг қўйилган жавоблар бир-бирини инкор этади. Чиндан баъзи олимлар юқорида таъкидланган фикрини — иморат Амир Темур даврида, ҳатто ундан кейин, масалан, аллома ва шоҳ Улуғбек ҳукмронлиги йилларида базми-жамшид жойи бўлган, деган тахминни илгари суришади. Айрим тадқиқотчилар хулосасига кўра, «Ишратхона» арабча «ашаратхона», яъни ўн хонали сўзининг халқ томонидан бузиб айтилган кўринишидир. Бу тоифадаги олимлар обидани ўрта асрларда кўплаб барпо қилинган мақбаралар қаторига қўйишади. Лекин энг кейинги кузатувлар эса Ашратхона ҳақида бошқача, ҳаққониятга яқинроқ хулосалар чиқариш имконини берди.

Авалло таниқли археолог В. Вяткин Ашратхона заминида ўтказган текширишларга тўхталайлик. Тадқиқотлар пайтида олим топган бир вақфнома Ашратхона мақбара тарзида қурилган ва шу вазифани ўтаган деган фикр туғилиши учун бирламчи сабаб бўлган эди. 1464 йилда битилган ана шу вақфнома Ҳабиба Султон бегимга тегишли эди. Илмий жиҳатдан гоят муҳим бўлган ушбу ҳужжатда у Феруза боғи ғарбий бурчагида бўй ростлаган Ҳожа Абди Дарун мақбараси яқинида Феруза гумбазли бир иморат борлигини, иморат ичида суюкли қизи — Хованд Султон бека дафн этилганини таъкидлайди. Йирик мутахассис олимлар — М. Массон, Л. Ремпель, Г. Пугаченкова ва бошқалар шу ҳужжатга асосланган ҳолда Ашратхона ҳақидаги тахминни ҳақиқатга айлантиришди: обида жамоатчиликка мақбара сифатида тақдим этилди.

Бир гуруҳ олимлар ёдгорликни мақбара деб даъво қилганлар билан баҳсга киришишади ва уларнинг фикрларини рад этишга уринишади. Тарихий-маданий обидаларимиз тақдирига алоқадор кўплаб самарали кузатувлар олиб борган таниқли санъат-



Қўш саҳифа безакчиси Муроджон УНГАРОВ



шони Боғи Феруза деб ўзгартиришган. Чамаси бунга кўшк гумбази феруза рангда товланиб, кўз қамаштирганлиги сабаб бўлган.

Шуниси диққатга молики, Боғи Дилкушо ва унга кўрк берган кўшк Мирзо Бобур дилини ҳам мафтун этган экан. «Бобурнома»да қуйидаги сатрларни ўқиймиз; «(Темурбек) Самарқанднинг шарқида икки боғ солибдур, бириким йироқроқтур, Боғи Булдурур, ёвуроғи Боғи Дилкушодир. Андин Феруза дарвозасигача хиёбон қилиб, икки тарафида терак йиғочлари эктирубтур. Дилкушода ҳам улуг кўшк солдирубтур, ул кўшкда Темурбекнинг Ҳиндистон урушини тасвир қилибтурлар». Мақола муаллифи Бобур таъриф берган қошона — ҳозир Ишратхона атамаси билан шуҳрат қозонган Боғи Дилкушо кўшкни эканлигини эътироф этади, Ишратхона мақбара эмаслигини асослайди.

Пўлат Зоҳидов хулосаларидан билиб оламизки, Самарқанд шарқида қад ростлаган, Хожа Абди Дарун ёдгорлиги билан ёндош тушган мазкур иморат мақбара эмас, аксинча, шоҳона маросимлар, базм кечалари, тантанали қабул кунларини ўтказишга мўлжалланган маскан экан...

Тағин савол туғилади: ерлик халқ ҳам, баъзи мутахассис олимлар ҳам нима учун шу маҳалгача Ашаратхонани мақбара деб юртишган? Муаллиф бу саволга ҳам аниқ жавоб қайтаради. Энг аввало у В. Вяткин топган вақфнома илмий жиҳатдан чуқур ўрганилмагани ва ошиғич хулоса чиқарилганлиги ўринсиз тахминга асос бўлганлигини баён қилади. Ҳайратга соладиган яна бир далил: нима учундир кейинги даврларда бино тағхоналарида йигирмадан ортиқ номаълум шахслар жасади дафн этилган. Кутилмаган бу ҳолат ҳам ҳалигидай фикр туғилишига туртки беради.

Масалага тугал ойдинлик киритиш учун яна вақфномага қайтишимизга тўғри келади. Юқорида айтганимиздек, Ҳабиба Султон бегим вақфномада кизи Хованд Султон бека қабри феруза гумбази иморат ичкарасидалигини, мазкур мақбара Хожа Абди Дарун мазори билан ёнма-ён эканлигини тавсифлайди, айна чоқда эътиборимизни ғарб томонда жойлашган Боғи Феруза, яъни Боғи Дилкушога тортади. Бу кунда тамомла хароботга айланаёзган обида замонида шу боғ чиройига чирой кўшиб турганлигини

осонгина тасаввур қиламиз. Вақфномадаги таъриф-тавсифни муфассал текширмаган М. Массон, Л. Ремпель, Г. Пугаченкова Ишратхона Хованд Султон бека учун қурилган мақбара эканлигини осонгина тан олиб кўя қолишган. Аниқроғи, улар вақфномада сўз Хожа Абди Дарун мақбараси яқинидаги феруза гумбази, ҳозиргача сақланиб қолган бошқа бино хусусида бораётганлигини эътибордан соқит қилишган.

Ашаратхона ёки Боғи Дилкушо кўшкни қурилган йил ҳам кўпгина мунозарага сабаб бўлганини айтиш керак. В. Вяткин топган вақфномага суянган олимлар иморат барпо қилинган муддатни 1464 йилга нисбат беришади. Ҳатто улар иморат темурийлар даврига алоқаси йўқлигини таъкидлашади. Пўлат Зоҳидов эса аллақачон ёзма манбалардан ўрин олган бу рақамни инкор қилади, у қадимий далиллар асосида иморат 1397—1398 йилларда қурилганлигини, у бутун шаклу шамойили билан темурийлар даврида қарор топган меъморчилик услуби ва анъаналарига муносиблигини тавсиф этади.

Боғи Дилкушо кўшкни тарихини, ўтмиш маданиятимизда тугган ўрнини аниқлаш ва ўрганиш борасида баҳслар ҳали ниҳоясига етганича йўқ: илмий мубоҳасалар яна ҳам қизғин давом этмоқда. Бу бобдаги муаммоларни ечишни тарихчи-археологлар билан санъатшунос тадқиқотчилар зиммасига юклаймиз. Келгусида улар бутун жамоатчиликни қизиқтираётган тугунни ечишларига аминимиз. Энди эътиборингизни ҳозирги кун учун бениҳоят долзарб бўлган масалага қаратмоқчимиз: мазкур обида кўхна мозийнинг ёрқин гувоҳи экан, миллий меъморчиликнинг бетакдор дурдонаси экан, унга тезроқ асл қиёфасини, тенгсиз кадр қийматини қайтаришимиз лозим.

Чиндан ҳам, Пўлат Зоҳидов таърифлаганидек, мазкур обида XIV аср охири ва XV аср бошларида тикланган кўпдан-кўп кўшкларнинг омон қолган ва бизгача етиб келган ягона намунасидир. Иқтидорли меъморлар ва муҳандислар ҳандаса ва ҳисоб қонуниятлари асосида бежирим қилиб қурган иморат темурийлар даври меъморчилигининг юксак чўққиси бўлган, ана шу жабҳада бутунлай янги тараққиёт босқичини бошлаб берган.

Энди, азиз журналхон, эътиборингизга ҳавола этилаётган суратни яна ҳам синчковлик билан кузатинг. Шунда ён-атрофини ўраган сўлим дарахлардан ному нишон қолмагани, турфа бўёқли кошинкорий либослари ечилиб тушганига қарамай Боғи Дилкушо кўшкни навқиронлик пайтида ростакамига гўзал ва забардаст бўлганлигини теран тусиз. Маълумотлардан равшанлашадикки, қадимги усталар кўшкни тиклашда илгари сира қўлланмаган меъморчилик усулларидан фойдаланишган. Иморат икки қаватли қилиб солинган. Рангдор қосинлар билан бирга рангини шиша безаклар зарб қилинган. Юқори қаватга зиналар орқали чиқилган. Темурий хукмдорлар инқирозга юз тутган-

дан кейин иморат қаровсиз қолган, аста-секин кўркига путур етган. Хусусан 1903 йилги zilzila чоғи асосий пештоқ, ички-ташқи равоқлар, ҳужралар деворлари қаттиқ шикаст кўрган, кўз қамаштирувчи безаклар тўкилган, феруза кошнлар билан сайқал топган баланд гумбаз қулаб тушган. Ачинарлиси шундаки, бугунги кунда шундоққина кўз ўнгимизда яна ҳам қайғули далиллар рўй бераётир: деворларга ишлатилган нафис сиркор кошнларни, бош пештоққа ва икки ошёнали хоналар деворларига зарбланган товланувчан ойналарни бурни тагидан нарини кўролмайдиган олчоқлар кўчириб олгани, ташиб кетгани, нест-нобуд қилиб юборишганини айтмай кўя қолмай, бундан ҳам даҳшатлиси шуки, эндиликда иморат суратда кўриб турганингиздек буткул яланғоч бўлиб қолган, йилдан-йилга мадори қуриб бораётгани сабабли жисму жонини ашаддий ганим ҳисобланган шўр ва нам оппа-осон емирмоқда, илвираб қолган танасини қишда шамолу бўрон, ёзда жазирама иссиқ нуратмоқда. Кўз кўриб қулоқ эшитмаган кўргиликларга у охириги сабру тоқатини йиғиб чидамоқда, бағридаги ярага чора тополмай оғир-оғир оқ урмоқдаки, еру кўкни титратаётган бу фиғон, кўп таассуфки, маҳаллий ҳукумат раҳбарлари қулоғига кирмаётир! Очиқ гап шуки, йигирманчи ёки ўттинчи йилларда ёзма обидалар ва маданий ёдгорликларни тазйиқ остига олганлар ҳамда зеру забар айлаганлар қанчалар оғир гуноҳларга ботган бўлсалар, бу кунда Ашаратхона сингари меҳрга муҳтож иморатлар қошида ҳадиқ ила лоқайдларча томошабинлик ихтиёр этганлар ҳам ўшандай гуноҳларга маҳкумдирлар. Беқиёс имконларга эга бўлган ҳолда ўзларини чеккага тортган кимсалар она тарих кўксига тўппончасини тираган кишилар тортадиган жазога, алҳол, келажак тўпдан отадиган аёвсиз ўққа нишон бўлажакларини унутмасинлар.

Боғи Дилкушо кўшкни юксак талаб даражасида таъмирлаш ва уни мукаммал қиёфада келгуси насларга етказиш чораларини кўриш аввало Самарқанд вилояти партия қўмитаси, вилоят Совети ижроий қўмитаси, вилоят маданият бошқармаси, тарихий-маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамияти область бўлими зиммасига тушади. Ана шу нуфузли органлар ушбу мақолада кўтарилган масалага бепарво қараб турмайдилар дея умид қиламиз ва қуйидаги жиддий тақлифларимизни ўртага ташлаймиз: биринчидан, Боғи Дилкушо кўшкни илмий-амалий жиҳатдан ўрганиш, юз берган аҳвол ҳақида муфассал маълумот тўплаш, таъмирни тезлаштириш ва зарур миқдорда маблағ имкониятларини излаб топиш мақсадида, бинобарин, шу муаммоларни ечишда жонбозлик кўрсатадиган нуфузли ҳукумат комиссияси тузиш мақсадга мувофиқдир. Иккинчидан, лойиҳа-смета ҳужжатида фақат кўшкни таъмирлаш эмас, умуман, Боғи Дилкушонини қадимги ҳолига келтириш — сўлим маскан барпо қилишдек савоб юмуш чуқур қамраб олинмоғи керак. Учинчидан, таъмир ва қайта тиклаш ишларига фақат Самарқанд эмас, жумҳуриятимизнинг турли бурчакларидан қобилиятли усталар ва мутахассислар жалб қилиниши лозим. Ниҳоят, ўртинчидан, кўшкдан керакли маблағни аямаслик жоиз. Агар Самарқандга келиб-кетаётган хоржиж ва совет туристларидан тушаётган бениҳоят катта миқдордаги пуллардан кичик бир улуш ажратилганда ҳам аллақачон Ашаратхона ўз қиёфасини топган бўлур эди. Бунингки иложи йўқ экан, у ҳолда Ашаратхона счётини очишни тақлиф қиламан. Умуман, Орол сингари ҳалокатга учраётган маданиятимиз дурдоналарини сақлаб қолиш учун банкларимизда рақамланган махсус «Таъмир» счёти ташкил қилишни ҳозирги кун тақозо этган қонуний ҳол деб ҳисоблайман.

шунос Пўлат Зоҳидов тадқиқотлари бу жиҳатдан кўпроқ эътиборга моликдир. «Зеб ичра зийнат» китобига киритилган «Боғи Дилкушо кўшкни» сарлавҳали мақоласида олим мазкур ёдгорлик тарихи ҳақида сўз юртади, иморат атрофида айланишаётган айрим асоссиз тахминларга муносабат билдирган ҳолда, бизни оҳори тўкилмаган маълумотларга рўпара қилади. Олим иморат ўз замонида Ишратхона ёки Ашаратхона эмас, Боғи Дилкушо кўшкни деб аталганини аниқлагани ва ўз даъвосини қадимий манбалардан олинган далиллар ёрдамида мустаҳкамлагани айниқса муҳимдир. Бундан ташқари у кўхна ёдномалардаги маълумотларга суянган ҳолда иморат қайси йилда, нима муддаода қурилганини ҳам исбот қилишга эришади.

Пўлат Зоҳидов зикр этишича, тарихчи Шарафиддин Али Яздий машҳур «Зафарнома» рисоласида 1397 йил кузида Конигул атрофида — Самарқанд шарқий тарафида Амир Темур томонидан барпо қилинган фусункор боғ ҳақида ёзади. Ана шу сўлим масканга жаҳонгир мафтун бўлади ва унга Боғи Дилкушо деб ном қўяди. Машаққатли Ҳиндистон юришидан қайтгандан сўнг улуг хукмдор 1399 йил 28 апрелда тўппа-тўғри Боғи Дилкушога боради. Уша уни боғ ўртасидаги муҳташам кўшкда амирлар, беклар, аслзодалар уни зўр шодиёна билан кутиб олишади. Иморат тарихчи Ғиёсиддин Али назарига ҳам тушган, бу нуқтадон зот уни Кўшкни Дилкушо деб таърифлаган. Кейинча Боғи Дилку-

Негадир кўча-кўйда Тўйчи ака Ориповга рўпара келганимда кўз ўнгимда «Алишер Навоий» видеофильмидаги Мажидиддин сиймоси гавдаланаверади. У киши билан биринчи учрашганимиздаёқ шу ҳолатни айтдим...

— Қўрқманг, қизим, мен ҳаётда Мажидиддин эмасман, — дедилар актёримиз кулимсираб.

«Кулимсирашдан кўра жиддийлик, ҳатто қовоқни уюб туриш ярашар экан» — ҳаёлимдан кечди шу топда.

Қизик-да, рўпарангизда тўсатдан чеҳраси ҳазил-мутойибага бой киши пайдо бўлса-да, жилмайиб, «Мен Мажидиддин жаноблари-


Тўйчи

ман» деса у масхарабозлик қилаётганга ўхшаб туюлмайдими? Мажидиддин ҳам кулади, фақат у мийиғида, макр-ҳийла аралаш кулади, унинг ўткир ва қув нигоҳида қандайдир сир яширинган бўлади. Бу образни Тўйчи (Мирҳосил) ака Орипов қойилмақом қилиб ярата олганлар.

У киши 1953 йилда санъат остонасига қадам қўйган бўлсалар шу кунга қадар турли-туман характердаги қаҳрамонлар образини яратдилар.

«Сталин йўли» рўзномасининг 1955 йил 20 октябрь сонидан шундай сатрларни ўқиймиз: «Тўйчи Орипов ҳамма спектаклларда ҳам ўзига берилган ролларни муваффақият билан бажаришга эришди. Айниқса «Қутлуғ қон» спектаклининг асосий қаҳрамони Йўлчи образини тўғри талқин эта олди».

Ўша йилларда яратилган А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана»сида Деҳқонбой, Комил



ОРИПОВ

Яшининг «Нурхон» спектаклида Мамат, Хуршиднинг «Лайли ва Мажнун»ида Ибн Салом, З. Фатхулнинг «Ватан ишқи»да Давронбек, Шиллернинг «Қароқчилар»ида

Франц Моор образлари тинимсиз машаққатли меҳнатнинг самарасидир. Буларни санаш осон, аслида ҳар бир қиёфани жонли одам сифатида саҳнага олиб чиқиш, уларни томошабинларга маъқул қилиш, эҳ-ҳе, озмунча ижод машаққатлари эвазига бўлган дейсизми?!.

Дастлаб Қўқондаги Ҳамза номли драма театрида, 1958 йилдан жумҳуриятнинг ота-хон театри Ҳамза номидаги Академик драма театрининг саҳнасида йирик-йирик ролларда чиқиш нафақат Тўйчи аканинг ҳаёт йўлида, балки ўзбек саҳна санъатининг ривожланишида ўзига хос саҳифаларни ташкил этди.

«Абу Райҳон Беруний», «Абу Али ибн Сино» драмалари... Маҳмуд Ғазнавий образи. Унинг аллома Беруний билан тўқнашуви. Қарашлари, юриш-туриши, аччиқ сўзлари билан табиатан инсонларни қириб ташлашни, жаҳолатни, меҳр-шафқат нималигини билмайдиган жаллод қиёфасидаги Тўйчи ака томошабинлар нигоҳига мангу муҳрланган. «Ибн Сино»да эса буткул бошқа инсон — Чўлибобо. Бу инсон умрини инсонлар учун бахшида этган меҳр-муруватли, шафқатли. Демак, Тўйчи ака эзгу ниятли образлар яратишда ҳам маҳоратли актёр!

Кейинги йилларда Шукруллонинг «Ўғрини қароқчи урди» спектаклида Эгам Полвон, У. Назаровнинг «Ойна»сида Қосимжон, У. Умарбековнинг «Курорт»ида Т. Дўланович, Ч. Айтматовнинг «Асрга татигулик кун»ида Қозонгап. Мазкур образлар яратилиши тарихидан истаганча ёзиш мумкин. Уларнинг ҳар бири мустақил ҳикоя бўларли. Энг муҳими — Ўзбекистон халқ артисти Тўйчи ака Орипов ҳали саҳнадалар. Аброр Ҳидоятлов номли театрда яратилаётган томошаларнинг чинакам санъат асарига айланишида Тўйчи аканинг тажрибалари, актёрлик маҳоратлари ҳали жуда-жуда асқотади.

Матлуба МАҲКАМОВА.

АМИНА ҚОДИРОВА

*Шов-шув тинади, унутилади,
Елгон оқ либосга ўранар яна.
Ҳақ қабрга сизмай бағрин тилади,
Алдовнинг юраги кўринар яна.*

*Оқибат қонига бўялиб йиғлар,
Яхшилик ортидан чопар ёмонлик.
Ҳақиқат олисдан юракни тиглар,
Наҳот насибамиз ранги сомонлик.*

*Умиди саробга урилган илм,
Қўрқиб тилин тишлаган олим.
Имон эътиқодга ишоналмаган,
Ўз юртида таланган тилим.*

*Ҳаж йўлида эй сен саргардон,
Гуноҳингга нажот истайсан.
Ўзлигини йўқотган нодон,
Элни бунча жарга қистайсан.*

Учликлар

*Қуёшга ўхшагим келар,
Аммо қўрқаман —
Яхши ёмонга бирдек қарашга.*

*Дўстимга ишониб боримни бергандим.
Янги қулф соғиб олди —
Ишончимни қулфламоқ учун.*

*Қанчалик хокисор, ғариб ва ҳиссиз.
Сенинг изинг қолмаган
Йўллар.*

*Фуруримни пойинга сочдим,
Эҳтиёт бўл —
Турганиб кетма!*

*Елгоннинг виждонини,
Ростнинг тилини боғлабсан.
Мени ўз ҳолимга қўй.*

*Қовоғингдан ёғилмасин қор,
Мен — баҳорман!
Кўзларингни оч.*

*Виждонни юракка яширгандим,
Қон бўлиб оқди жисми-жонимга —
Жиғилдонда жойлагандим тош бўлиб қотди.*

*Тўрт томонинг қибла бўлса-да
Борар манзилинг аниқ-ку.
Кўзингни оч.*

*Изларингни кўмди хазонлар,
Вақт тасбеҳин йўқотиб қўйди.
Ишончимнинг синмас ишончи.*

*Оличанинг барги саргайди
Баҳорни олиб келамиз деб
Алдаб кетди уни қушчалар.*

ШЕЪРИЯТ



*Фуруримнинг кўзи ёшланар.
Сен олиб келмаган гулларни
Баҳор пойимга сочгач.*

*Бунча термуласан кўзимга,
Ундан кўра қара
Тили чиқибди куртақларнинг ҳам.*

*Очларга нон керак,
Тўқларга бойлик.
Ватан шоирларга керак, чамамда.*

*Йиғлаш мумкин бўлмаган жойда
Кул!
Кулсанг ҳам ёш сизиб чиқар кўзингдан.*

Андижон вилояти судининг раиси
Одинахон ХАЙДАРОВА билан суҳбат

Суҳбатдошимиз — Одинахон Хайдарова тажрибали ва малакали хуқуқшунослардан. Хуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятини вилоят адвокатлар ҳайъатида котибликдан бошлаган. Сўнг адвокат, ноҳия халқ судьяси, вилоят судининг аъзоси, вилоят суди раисининг фуқаролик ишлари бўйича ўринбосари, вилоят адлия бўлимининг мудирини, жумҳурият Олий суди раисининг ўринбосари бўлиб ишлаганлар. Ҳозир эса Андижон вилоят судининг раиси.

— Одинахон Хайдаровна, биласиз, ёшлар орасида хуқуқшунос бўлишга интилиш катта. Шунинг учун ҳам мен суҳбатимизнинг бошиданок Сизни ўқувчилик йилларингизни эслашга ундамоқчиман. Хуқуқшунос бўлиш нияти сизда қачон туғилган ва нима учун сиз айна шу соҳани танлагансиз? Е оилангиз аъзолари орасида хуқуқшунослар бормиди!

Ўқувчилик йилларимни мен ҳамisha мароқ билан эслайман. Мен ўқиган 24-мактабда шаҳар судьяси Турсуной Довурбоева билан учрашув ўтказилган эди. Турсуной опа жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари, хуқуқ ва суд фаолияти ҳақида чуқур ва атрофлича гапириб бердики, уларнинг гаплари менга ўзгача таъсир қилди ва менда хуқуқшунос бўлиш орзуси пайдо бўлди.

Мен ишчилар оиласида туғилиб ўсганман. Дадам — Абдуллажон Андижон машинасозлик заводида, онам — Хайрихон Володарский номли тикувчилик фабрикасида меҳнат қилганлар. Онам ҳозир пенсияда, лекин беш синглим онамиз изларидан боришиб, ўша фабрикада ишлаб келишмоқда.

— Сизнинг орзуингиз ушалди. Хуқуқшунос бўлдингиз. Орадан маълум вақт ўтгач Жалолқудуқ ноҳиясига судьяликка сайландингиз. Узингиз биринчи марта раислик қилган суд жараёни қандай ўтганлигини эслай оласизми!

— Албатта! Менинг биринчи чиқарган ҳукми оқлов ҳукми бўлган. Иссиқхонанинг бир ходимини бригадирга тан жароҳати етказди, деб унинг устидан жиноий иш қўзғатиб тергов ишлари олиб борилган экан. Бироқ суд жараёнида унга қўйилган айб ўз тасдиғини топмади. Қайтанга судланувчини ишдан кетказиш мақсадида унга тўхмат қилинганлиги очилиб қолди. Шунинг учун судланувчи оқланди, унга тўхмат қилган кишилар устидан хусусий ажрим чиқарилди.

— Шу кунларда сизни нима кўпроқ безовта қилмоқда!

— Безовта қилаётган нарсалар кўп. Энг аввало, миллатлараро низолар. Кечагина оға-инидек аҳил, қадрдон яшаган турли миллат вакиллари бугун бирига қурол кўтариб чиқайтганлиги, бир-бирларининг қонларини тўкаётганлиги кишининг юрагини ўртайди. Яна танқислик. Магазин пештахталаридан қидирган нарсангни топа олмаслик ҳам одамларнинг асабини қақшатмоқда. Энг ёмони, одамлар орасида меҳр кўтарилиб, бағритошлик кучайиб кетмоқда. Судья бўлганлигим учун бағритошлик орқасидан содир этилган жиноятларни кўришга, таҳлил қилишга тўғри келади. Шунда беихтиёр даҳшатга тушасан, киши. Мен бунга бир мисол келтирай, Хўжаобод ноҳиясидаги Кулла қишлоғида туғилган 24 ёшли Бахтиёр Исмонов Андижон шаҳрига икки ўртоғи билан бўш вақтини ўтказиш учун келиб, ароқ ичишиб маст бўлади, темир йўл вокзалида 1912 йили туғилган Ҳакимжон Қаюмовни ҳеч сабабсиз мушт билан уради, у кучли зарбдан деворга урилади, йиқилади. Мушти билан ургани камлик қилгандай ерда ётган кекса одамнинг биқинига тепади. Тил ости суяги, қовурғалари синган, бosh миёсига қон қўйилган Ҳ. Қаюмов тиббий ёрдам берилганига қарамай вафот этади. Қаранг, бир одамнинг бағритошлиги орқасидан бегуноҳ одам ҳаётдан кўз юмди. Нима учун бу қотиллик юз берди? Сиртдан қараганда ўзравонлик тарғиб қилинаётган киноларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Чунки Б. Исмонов фожиа юз беришдан сал олдин ошналари билан каратэ беллашувларига бой бўлган кино кўришган экан. Мен бу ишни кўрар эканман, ўзимга «бағритошликнинг илдизи қаерда?» деб қайта-қайта савол бердим ва қуйидаги хулосага келдим.

Менимча, Б. Исмоновни қотилликка бошлаган, тоғни урса талқон қиладиган йигитнинг отаси тенги кекса кишига қўл кўтаришига олиб келган нарсанинг сабаблари бошқа. Ҳамма гап шундаки, унинг болалигида на мактаб, на оилада ҳеч ким қалбига эзгулик уруғини сочмаган, соча олишмаган. Эзгулик йўқ жойда ёвузлик бош кўтиради.

— Қотилга қандай жазо берилди!

— Б. Исмоновнинг ҳеч бир сабабсиз безорилик орқасидан Қаюмовни уриб, тепиб унинг ўлимига сабабчи бўлганлиги УзССЖ жиноят кодекси 80-моддасининг 2-қисмига тўғри келади. Шунга мувофиқ у 12 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Хукм жумҳурият Олий суди томонидан тасдиқланди.

— Кейинги пайтларда хотин-қизлар орасида

ҳам жиноят содир этиш ҳоллари кўпайиб кетди. Сиз бунинг сабабларини қандай изоҳлаган бўлардингиз?

— Бунинг сабабини ҳаёт қийинчиликларидан қидириш зарур. Вилоятимиз аҳолиси зиқ. Ишчи кучи кўп. Аммо иш ўрни кам. Оқибатда қаёққа қараманг ишсизлик. Бу ишсизларнинг кўпчилигини хотин-қизлар ташкил қилади. Бунинг учун эса жойларда ҳеч бўлмаганда каштачилик, дўзандалик,



тикувчилик каби миллий хунарларни ривожлантириш учун кенг имконият яратилса хотин-қизларни ижтимоий-фойдали ишларга жалб этиш учун шароит вужудга келар эди. Ҳозирда бу имкониятлар кўнглидагидек рўёбга чиқарилмаяпти. Рўзғордаги етишмовчиликлар эса аёлларни бозорга чиқиб савдогарчилик қилишга мажбур қияпти. Уларнинг турмуши яхшиланса, танқисликларга барҳам берилса аҳвол ўнгланишига ишончим комил.

— Сиз аёллар шахсини таққирлаш билан боғлиқ жиноий ишларни ҳам кўрасиз, айбдорларга жазо белгилайсиз, шунда ўзингиз аёл бўлганлигингиз учун аёл манфаатини ҳимоя қилиб, айбдорга керагидан ортиқроқ, оғирроқ жазо бериб юбормайсизми?

— Йўқ. Судьянинг бош вазифаси судланувчининг қай даражада айбдорлигини аниқлаш ва қонундан келиб чиқиб унинг жазосини аниқ белгилашдир.

— Фараз қилайлик, сиз судланувчи устидан ҳукм чиқардингиз. Лекин қутилмаганда ишнинг бирор бир ҳолати ёдингизга тушди-ю, иккиланиб қолдингиз.

Ҳукм ўқилган, уни энди ўзгартириб бўлмайди. Шунга ўхшаш ҳолат сизнинг фаолиятингизда юз берганми ҳеч?

— Судья ҳукм чиқаришда ҳеч қачон иккиланмаслиги керак! Модомики, иккиланар экан, унинг ҳукм чиқаришга сира ҳақи йўқ. Бундай вазиятда у ишни қайта терговга юбориши лозим.

— Сўнгги пайтларда «пахта иши» билан судланиб турли жазо муддатларига ҳукм қилинган кишилар уйларига қайтишди. Уларнинг кўплари асоссиз қамалган эди. Сиз ўзингиз «пахта иши» билан боғлиқ жиноий ишларни кўриб ҳукм чиқарганмисиз?

— Ҳа. Жумҳурият Олий суди раисининг муовини бўлиб ишлаганимда коллегияга бошчилик қилиб, кўп жиноий ишларни тергов юзаки ўтказилганлиги учун қайта текширишга юборганман.

Пахта иши авж олиб кўшиб ёзишга йўл қўйган бригадиру ҳисобчилар оммавий равишда жиноий жавобгарликка тортила бошлаганда биз юқоридан тазйиқ қилинганлиги туфайли улар кўшиб ёзишга мажбур бўлишганлигини раҳбарларимиз олдиға кескин равишда қўйдик. Шундан сўнг Иттифоқ

Олий суди ва адлия вазирлигидан махсус комиссия келиб вазиятни ўрганди ва бизни қўллаб-қувватлашди. Натижада кўплаб кишилар жиноий жавобгарликдан озод этилди.

— Сиз идеал судьяни қандай тасаввур қиласиз? — Судья билимдон, ҳалол, ўз ишининг фидойиси бўлиши керак.

— Оилангиз ҳақида ҳам икки оғиз...

— Турмуш ўртоғим шифокор. Бир ўғил ва бир қизимиз, икки набирамиз бор, ўғлим мактабни битириб, корхонада чилангарлик қилмоқда. Қизим эса муаллима бўлишга аҳд қилган.

— «Еш куч» ва унинг ўқувчиларига қандай тилак ва истакларингиз бор?

— Мен «Еш куч»ни мунтазам ўқиб бораман. Журналхонлар хуқуқни чуқур ва пухта ўрганишларини, ойнамада эса хуқуқий мавзудаги мақолалар янада кўпроқ чоп қилинишини истайман.

Суҳбатдош — Ш. АКБАРОВ.

«ИККИ ЛАНМАСЛИК КЕРАК»

Мактуб

«Еруғ дунёда вақтинчалик бўлса ҳам ота-онасидан ажратмасин экан. Оиламизда жуда оғир аҳвол ҳукм сурмоқда. Чунки ўн бола отамизни жуда ҳам кўргимиз, у билан гаплашиб шод бўлгимиз келади. Лекин кўзимиз эшикда, зора келиб қолар деб термулиб ўтираемиз. Чунки отамизни суд 1989 йил 14 июнь кунини ўғирликда айблаб 2 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум этди. Биз бу ҳукмдан норозимиз. Қонунчилар адолатсиз иш олиб боришди. Воқеани ойдинлаштирмади... Одамлар, бизга ёрдам берингизлар, ҳозир уйимизда ишлайдиган, ўн болани боқадиган одам йўқ... Совхоз раҳбарлари бизга кўчиб кетинглар деб хат беришган. Ҳозир онам ўн болани олиб қаерга боради. Узим талабаман, укам ҳарбийда».

Ёрдам сўраб Раъно ХОЛМУРОДОВА»

Юракни ларзага солувчи бу мактубнинг редакцияга келганига анча бўлди. Унда кўйилган муаммони ҳал қилиш, калавнинг учини топиш бизнинг шароитимизда осон эмас экан. Мана ниҳоят, турли гувоҳлар билан суҳбатлашишлар, ҳужжатларни ўрганиш жараёнига нуқта қўйиш палласи ҳам келди.

Бу ўринда шуни айтиш керакки, Раъно Холмуродова ўз хатида яна бир нарсани ёзмаган. Отаси билан бирга онаси — Тошқиз Холмуродова ҳам ўғирликда айбланиб судланган, шартли қамоқ жазоси берилган экан. Нима бўлганда ҳам онамиз ёнимизда-ку деб хурсанд, бахтиёр. Уғри деган тамға ҳам чиқора. Шунинг учун олисда жазо муддатини ўтаётган отасининг тақдири ҳақида куюнади у.

Энди яна бир гап: Ортиқ Холмуродов жазо муддатининг ўн ойу ўн икки кунини ўтагандан сўнг ҳукм (Олий судга шикоят билан мурожаат қилганларидан сўнг) ўзгартирилди, яъни жазо муддати ўн ойу ўн икки кунга келтирилди. У уйига, болаларни қошига қайтди. Лекин афсуски, «Адолат тантана қилди!» деб хитоб қила олмаймиз. Аввало «ўғри» деган тавқи лаънат олиб ташланмаган. Шунинг учун тергов, судлов ва назорат органларига жиддий эътирозларимиз бор. Шундай экан, Ортиқ Холмуродов ва унинг оиласи ҳаётида машъум роль ўйнаган воқеа ҳақида батафсилроқ тўхталишимиз зарурдир.

Бунинг учун очеркимиз қаҳрамони билан яқиндан танишайлик. Ортиқ Холмуродов кўп йиллардан буён совхозда агроном, биологатория мудири бўлиб ишлаб келган. Яхши ишлагани учун турли мукофотлар олган, ҳатто у ҳақда газетада ёзишган. Адолатсизликни кўрса кўл қовуштириб тура олмайди, кўлдан келганча курашади, юқори ташкилотларга совхоз раҳбарлари устидан бир неча бор шикоят ёзган...

Соғлиғи яхши эмас. Упка касалига дучор бўлган. Тез-тез касалхонада ётиб даволаниб туради, тергов давомида ҳам дарди оғирлашиб касалхонада ётишга мажбур бўлган... Сиз бу гапларнинг нима кераги бор дерсиз балки. Йўқ, шошманг, шошманг. Қуйида унинг бу касалини эслаймиз ҳали.

Хуллас, шу кишини ўғирликда айблашди.
«1988 йил 15 ноябрда касал молимизни кеч соат 19 ларда сўйишга мажбур бўлдик. Ички аъзоларини ейиш зарарли дея ичакларни ва терини майдалаб [тезроқ чириб гўнга қўшилиб кетиши учун] чуқурга кўмиб ташладик. 16 ноябрь кунини калла-туёқларини тозалаб болаларим билан едик. Гўштни балқондаги кароват тагига цемент пол устига ёйиб (гўшт қизмасдан муздеккина туради) клёнка билан ёпиб қўйдик. Сиққанича музхонага ҳам жойладик.

17 ноябрь кунини тушдан сўнг совхоз директори ва икки милиционер даъвогар хотин — Мелихон Нурматова ва унинг ўғли Шавкат Нурматовлар кириб келишди. Милиционерлардан бири: «Тунда мол сўйибсизлар» — деб сўради. «Ҳа, сўйдик» дедик биз. Гўшларини кўрсатдик, кейин милиционер: «Мол сизларники эмас, Мелихонларники экан. Улар тунда қараб туришибди» деди...»

[Тошқиз Холмуродова ҳикоясидан]
Қисқаси шу кунини Ортиқ акани олиб кетишди ва жиноий иш очиб, тергов бошланди. Гўштни эса ашёвий далил сифатида олишди.

Жиноий иш таҳламида Ортиқ ва Тошқиз Холмуродовларнинг қуйидаги иқорномасига дуч келдик «Пичанимизни еяверганидан жаҳлимиз чиқиб, ўзаро жиноий тил бириктириб қўшимизнинг молини оғилхонада сўйдик».

Жазо муддатини ўташ учун Навоий шаҳрига юборилган Ортиқ Холмуродовни Тошкентдаги қамоқхоналар касалхонасига даволаниш учун юборишганда учрашдик.

— 1988 йил 17 ноябрь кунини терговчи Исмоил Назаров мени тергов қилди, — деди у — бор гапни айтганимдан сўнг уйимизга борган милиционерлардан бири, участкавийимиз Н. Шодмонов кирди: «Мен нима десам шуни қилсан, айтганимни бажарасан» деди. Айбим йўқ деб туриб олдим. Сўнг

«бўйининга ол» дея мажбурлади. Гапини қайтардим, урди. 24 ноябрда шундай ҳол такрорланди. Чидай олмадим. Мажбурликдан нима деса шуни ёздим, лекин қамалишимни ҳаёлимга ҳам келтирмагандим.

Холмуродовнинг молимизни 1988 йил 15 ноябрда касаллиги туфайли соат 19 ларда сўйишга мажбур бўлдик дегани эсингиздами?

Жабрланувчи Мелихон Нурматова эса судда бундай гувоҳлик берди «...16 ноябрь кунини эрталаб 9.00 да сигиримни далага қўйиб юборган эдим. Кечқурун қайтавермагач, соат 17 ларда далага бордим, сигирим йўқ экан...»

Этибор бердингизми, М. Нурматова бу ерда «16 ноябрь» санасини келтираяпти.

Жиноий иш таҳламини варақлар эканмиз ажиб аризага кўзимиз тушди. Нега десангиз аризининг тепасига «КПСС МК Бош секретари ва СССР Олий Совети Президуми раиси М. С. Горбачевга» деб ёзилганди. Ариза жабрланувчи М. Нурматова томонидан ёзилган бўлиб, ўғирлик содир бўлганига 5 ой бўлиб қолганини, шу чоққача сигирининг пули ундириб берилмаганлиги тўғрисида ёзади. Бунда мол ўғирланган кун «1988 йил, 10 ноябрь» дейилади. Ёзувда адашбди-да дейишингиз мумкин, лекин бу сана икки марта такрор ёзилган. Бу саналарга ишга юзаки қараган терговчилар ҳам этибор беришмайди. Хўш, Нурматованинг сигири қачон йўқолган? 10-дами? 15-чими ёки 16-чидами?

Иккинчи гумонга сабаб, М. Нурматованинг қуйидаги сўзлари: «Ортиқбойнинг хотини — Тошқиз ниманидир чапаетганини эшитдим, лекин, нималигини кўрмадим. Улар менинг сигиримни сўйишгаётганини юрагим сезиб турарди. Улар сигирни сўйиб бўлгунча мен кўчада пойлаб турдим...»

Ол-а! Қайси бир одам ўз молини, 1150 сўмга сотиб олган молини сўяётганда жим ўтиради? Балки, одамларни чақириб учун М. Нурматовда асос бўлмагандир? Унинг сигири «10 ноябрда», яъни беш кун аввал йўқолгани учундир. Еки Ортиқ ака молини 16 ноябрда сўйгани учунмикин?

Совхозда ҳар бир хонадон мол боқади ҳисоб. Омон Холмуродов (Ортиқ аканинг укаси) бизга қизиқ фактларни келтирди. «Сигир аслида акамники эди. Бизнинг молларимизга қўшилиб юрарди. Бунини аёлим ҳам тасдиқлайди. Асосийси соғлом сигир ўзини оғилхонада сўйдирмайди». Этибор берингиз, соғлом сигирни сил касали билан оғриб турган Ортиқ ака-ю, яқинда эгизак фарзанд кўрган Тошқиз опа эплай олармиди.

«Иккинчидан, — дейди Омон ака, акам ўғирлик қиладиган одам эмас. Моллар ҳозир ҳам йўқоляпти. Масалан акамнинг ҳам молини ўғирлаб кетишди». Хўш, ўғри ким? Улар кўпчилик бўлиши, бундан Пахтакор ноҳияси ички ишларидаги ходимларнинг хабари бўлса ажаб эмас, ахир йўл ҳаракати уларнинг назоратида-ку.

Қўлимизда суд этиборга олмаган икки гувоҳнинг ишонч хати ҳам бор. Мурот Ҳайдаров, Титов номли совхозда яшайди.

«Мен доим Ортиқнинг уйига бориб турардим. Ҳақиқатдан уйда қора сигири бўларди... Аввало, Ортиқ бизнинг совхозда кўп йиллар ҳалол меҳнат қилиб яшади. Сўйган моли ўзиники эди. 20 ноябрь 1989 йил».

Н. Ҳамдамов:
«Ортиқнинг уйига кўп борганман... Қора рангли сигири бўларди...»

Қонундан мадад излаб

Майли, борингиз, О. Холмуродов айбдор бўлсин. Лекин суд ҳукми чиқараётганда унинг биринчи марта судланаётганлигини, касалландлигини ва ниҳоят, унинг қарамоғида ўн нафар бола, фарзандларининг бири ҳарбий хизматда, бири Тошкентда ўқишда, қолганлари ўқувчи, ҳали сутдан қолмаган жажжи эгизаклар эканлигини ҳисобга олиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинласа бўларди-ку!

Инсонпарвар давлатимиз наҳотки, ўз қонунларида шу жиҳатларни ҳисобга олмаган бўлса, деган ўй билан УзССР ЖКНИ варақлайман. Ортиқ Холмуродов 125 м. II қисм, 192 м. II қисми билан Т. Холмуродова эса 125 м. II қисми билан судланган. Мана ўша моддалар. Жиноят кодексининг 125 моддаси II қисми 114 моддада кўрсатилган белгиларга мос келади дейилган. 114 да эса «Давлат ёки жамоат мулкани яширин равишда талон-тарож қилиш (ўғирлик) —

Уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш иши билан ёхуд 100 сўмдан 500 сўмгача жарима солиш билан жазоланади».

Пайқаган бўлсангиз керак, юз сўмдан 500 сўмгача жарима тўлаш қаёқда, 2,5 йил қамоқ қаёқда?.. Демак, қамоқдан бошқа жазо беришнинг имкони бор экан. Бу гапни биз у айбдор бўлган тақдирда ҳам қамалмаслиги мумкин эди деган ўйда айтдик. Лекин, юқорида келтирган мисоллар, менинг назаримда



Навоий УСМОНОВ чизган расм.

римда унга қўйилган айбларнинг ҳаммаси уйдирма эканлигидан дарак берапти. Терговда уни уришган, азоблашган, ниҳоят у айбига «икрор» бўлиб имзо чеккан. Хотинига ҳам ўзи айтиб ёздирган. Ортиқ аканинг мақсади терговчиларнинг қийноқларидан қутилиш эди. Уларга таслим бўлгану, ҳақиқатни судда очмоқчи бўлган. Лекин суд унинг асосларию, фактларини ҳисобга олмаган. Бу жараён суднинг қоғозга туширилган матнида ҳам ёзилган. Хўш, суд кимларнинг асосларига таяниб ҳукм чиқарган? Нега иш қайта терговга топширилмади?

Афтидан О. Холмуродовнинг қамалиши кимларгадир керак бўлган. Холмуродов кимга ҳалақит берди? Кимнинг тинчини бузди?

Ортиқ ака кимга ҳалақит берарди?

Холмуродовларникига 17 ноябрда келган милиционерларни совхоз директори бошлаб келганди, эсладингизми? Тошқиз Холмуродова шундай гувоҳлик беради: «Чуқурдан қиймаланган териларни олиб ёйиб ташлашди. Қиймаларга фақат Мелихон қаради. Молингни топдингми деб сўрашганда, йўқ, калласини кўрсам танийман, деди. Директор — Бойкенжа Холиқулов менга қараб: «Ана таниди, гўрнинг жаширасанми! Калла почасини топиб беравер, деди. Мен: «Мол молга ўхшайди, ўзимизники, калла, туёқларини еган бўлсак уни қаердан топаман» — дедим. Шунда директор хўжайинимга қараб: «Сен Очил магазинчининг иккита костюм-шимини ҳам ўғирлагансан» — деб қаттиқ гапирди. Хўжайиним «шундай деб тухмат қилманг» деди».

Бойкенжа Холиқулов нега бу гапни айтди? Очил магазинчи ким? Қандай костюмни ўғирлаган? Нега директор унга айб тақашга ҳаракат қилляпти?

О. Холмуродов:

— Б. Холиқулов 1985 йил директор бўлиб ишга келди. Қайта қуришнинг дастлабки вақтлари... аввалга мақтаб юрди. Етти-саккиз ойдан кейин, ёзувчиси — деб мени гап билан турта бошлади. Юқори ташкилотларга ёзган хатим доим тасдиқланарди. 1985-86-87-88-йилларда касаллик варақамни кўрсатсамда пул бермайман, оғанда ҳам, медицинада ҳам одамларим бор — деб айтди. Яна юқори ташкилотларнинг ёрдами билан олдим. Нафақа, эгизакларимиз учун суюнчи пулини ҳам юқорининг аралашуви билан олдим.

О. Холмуродовни қамоқдан олиб қолиш учун адвокат у ишлаган совхоз фаолларидан маҳкумга кафолатнома беришларини сўрайди. Қўлимизга ўша, Кичанов номли совхоз партия хўжалик фаолларининг 1989 йил 12 июлидаги Ортиқ Холмуродовга кафолатнома бериш масаласи кўрилган протоколи тушиб қолди. Уни ўқиб Брежнев замонасидаги йиғинларда ўтиргандек бўлдик, уни сиз ҳам ўқингизни хоҳлаймиз.

«Йиғилишга қатнашганлар — 158, партия аъзолари 107 киши. Кун тартиби: Қамоқ жазосини ўтаётган Холмуродов Ортиққа кафолатнома бериш.

Сўзга чиққанлар: 1 Маҳмудов С. — Уртоқлар, Холмуродов О. нинг оғайниси сифатида шуни илтимос қилардимки, ўнта фарзандини ҳисобга олиб иложи бўлса ёрдам берсак, албатта буни коллектив ҳал қилади.

2. Омонлиқ Хотамқулов: — Илгари ҳам шу масала кўтарилган эди, лекин ўшанда кўчиб кетамиз, ёрдам беринглар дейилган экан, нега кўчиб кетмади! Энди О. Холмуродов бу совхозда қандай яшайди. Совхоздан айтгани бўйича кўчиб кетсин, майли кейин ўнта фарзанди ҳисобига кафолатнома берайлик.

3. Қурбон Х: — Албатта бу ерда ҳеч ким конкрет бир фикр айттолмайди. Чунки у қўрқади, агарда у кўчмай қолса гапирган одамнинг ҳолига «вой» бўлишини билади, чунки у чиқиб келса яна бўлмағур нарсаларини ёза бошлайди ва гапирган одамнинг ўзи кўчишига тўғри келади.

4. Репликалар: Кўчсин, хат берайлик, бўлмаса йўқ.»

Келинг шу ерда озгина аниқлик киритайлик. О. Хотамқулов ва А. Қурбонларнинг айтишича — у тўғри, кўчиб кетсин, кўчмаса эртага қамоқдан чиқиб келса унга қарши гапирганларнинг ҳолига вой бўлади дейишяпти. Улар нимадан қўрқишяпти? О. Холмуродовнинг ёзувчилигиданми? Агар гуноҳнинг ёки айбнинг бўлмаса нега қўрқасан? Ҳар бир кишлоқда ивгогарлар, ёзувчилар борлиги, улардан кўпроқ нопок одамлар қўрқиши ҳеч кимга сир эмас. О. Холмуродовни уларнинг қаторига қўшиш ноўрин. Негаки, у бирор жойга арз ёзгудек бўлса фактлар билан ёзиб тагига имзо чекади. Бизнинг фожиамиз шундаки, ҳалол яшайман деган кишиларни қадрламаймиз, балки қадрлашга қўрбимиз етмас?... Ортиқ акага бир томондан ҳавасимиз ҳам келади. Сталинизм шуридан кетиб улгурмаган кишилар орасида яшашнинг ўзи бир жасорат. Нега сталинизм сўзига урғу бердим? Келинг А. Икромов совхоздаги пахтачилик бригадаси бошлиғи Н. Норқуловнинг сўзини эшитинг-а. Директор Б. Холиқуловнинг гаройиб ва даҳшатли сўзи бор экан. Бирор киши

унга ёқмай қолса ёки ҳалақит берадиган бўлса, ўша кишининг уйига «кўчиб кетинг» — деган қоғозча берилар экан. Ехуд «24 соатда кўчиб чиқиб кет» — деб директорнинг ўзи айтар экан.

«Б. Холиқулов директор бўлиб келган йили менга ёзма равишда бир неча марта хат берди. Чунки, биз қўшни А. Каримов номли совхозда ишлардик. Аслида у жойлар ҳам Кичанов совхозига қарашли эди. 30—40 хўжалик директорнинг қўлидан чиқиб кетган. Вилоят прокуратурасига учрашганимиздан сўнг у жойдан менга «сизни кўчира олмайман», — деб хат беришди ва обкомдан одам келиб Бойкенжа билан юзлаштирди.»

Келинг, кафолатнома бериш учун ўтаётган мажлисни давом эттираемиз. Сўз навбати Бойкенжа Холиқуловга келди.

«Уртоқлар! Гапни чўзиб ўтиришнинг ҳождати йўқ. Бу ерда асосан икки тақлиф тушяпти. Биринчиси, ваъда қилганидек кўчсин, биз ўнта фарзанди хўрматига кафолатнома берайлик...2) Кўчмайдиган бўлса, кафолатнома берилмасин, шундайми, ўртоқлар! Репликалар. Худди шундай.

Б. Тўхташев: «Ҳозир улар қаерга кўча олишарди, бундай масалани қўйиб бўлмайди.»

Репликалар: Бўлмаса кафолатнома берилмасин. Бўлмаса, қариндошлари уларни маълум муддат ичида кўчириб кетишга кафолат берсин. Шунда коллектив унга ҳам кафолатнома берсин. Шундай қилсак бўладими!

Репликалар: Ягона йўл шу!

Партия хўжалик активи қарор қилади:

1. Агарда О. Холмуродов оиласи колхоздан кўчиб кетса, 10 нафар фарзандини ҳисобга олиб, кафолатнома берилсин.

2. Агар О. Холмуродов оиласи кўчиб кетмаса кафолатнома берилмасин.»

Мажлис протоколини кўриб чиққач О. Холмуродовнинг кимларга ҳалақит бергани аён бўлди. Кўриб турибсизки, директор Б. Холиқулов унга ҳеч ён босмаяпти, босгиси ҳам йўқ. Кафолатнома берилиши мумкин қачонки, қариндошлари уларнинг кўчиб кетишига кафолат беришса. Ҳа, айнан кўчиб кетсагина Ортиқ ака қамалмаслиги мумкин эди.

Ортиқ Холмуродовнинг оиласи совхоздан кўчиб кетишмади. Шунинг учун унга кафолатнома берилмади — Суд эса уни қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Ўғрини ким даволайди? Қамоқxonанинг қўлидан келмайди бу иш. Одамлар, раҳбарият (уларнинг ўзи пок бўлса) даволаши табиий. Агар у доно раҳбар бўлганида, одамларни йўқ қилиш пайига тушмасди. Биринчи бўлиб ўзи уни олиб қоларди. Шунда ўғирлик қилган киши уятдан ўзи чиқиб кетади кишлоқдан.

Қамоқдан сўнгги аҳвол

Кейинги ҳаёти қандай кечаётганлигини билиш мақсадида О. Холмуродовларнинг уйига ташриф буюрдик. Қамоқдан чиққач, сил касаллиги сабаб, яна касалхонага тушибди. Энди буёғини эшитинг:

— 1990 йил 18 май куни Олий суднинг протести билан озод қилиндим, — деди Ортиқ ака, — 28 май куни Б. Холиқулов қамоқдан берилган справкамни олди. 1 июль куни касаллик варақамга пул чиқариб бермайман, кўчиб кет, деб мени ҳақоратлади. Ишдан ҳайдаганман сени, деди. Сенинг киминг бор, менинг эса...


Ана холос... Биз бугун нима учун қайта қуриш олға юрмай, бир жойда депсиниб қолди, деб сабабини қидирамиз. Бунинг сабаби ёнгинамизда экан-ку. Қайта қуришни ким ҳаётга тадбиқ этади, ким одамларни ортидан эргаштиради? Раҳбарлар! Ишлаб чиқариш қўмондонлари! Агар қўмондон қайта қуришга тескари иш қилаётган бўлса ишимиз чатоқ, жуда чатоқ. Хўш, бундай ўзбошимчаликнинг сабаблари қаерда, деб ўзимга ўзим савол бераман.

Ҳақиқат чала бўлса, у ҳеч қачон ҳақиқат бўла олмайди. Ортиқ Холмуродовнинг бошига оғир кунлар солган воқеанинг ечимида эса ҳақиқат чала бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам у ҳамон «ўғри» деган тамга билан юрибди, шунинг учун у яна совхоз раҳбарлари томонидан таҳқирланаяпти. Демак, шу иш билан боғлиқ ўғирлик воқеасини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари чуқур ва атрофлича ўрганишлари, ҳаққоний баҳо беришлари лозим. Ана шундагина ҳақиқат тўла қарор топади, тантана қилади. Ортиқ ака ва унга ўхшаб камчиликларни бетга дадил айта оладиган кишилар бошини тик тутиб юра оладиган, меҳнат қила оладиган бўлади.

Биз вилоят прокуратурасига мурожаат қилиб, шуни охирига етказиб, юз берган воқеа тухмат ёки ҳақиқат эканлигини аниқлашда ёрдам беришларини астойдил сўраймиз. Ана шундагина ҳалол, пок кишиларнинг яшаш ва меҳнат қилишлари учун шарт-шароит яратилади, деб айтиш мумкин.

Ҳалимжон САИДОВ,
«Еш кўч»нинг муҳбири.





НАСРИЙ МАСАЛЛАР

Маданий ҳайвонлар

Донишманддан сўрашибди:
— Нега энди ёввойи ҳайвонлар орасида ҳам ит, ҳам мушук каби ваҳшийларча бир-бирини ғажишадиганлари йўқ?
— Сабаби шундаки, — жавоб берибди донишманд, — ит, мушук маданийлашган уй ҳайвонлари, ҳаёт жараёнида улар бир-бирини ғажишни одамлардан ўрганган.

Насихат

— Шердан ҳам, бўридан ҳам қўрқма, — деб такасига насихат қилибди тоғ эчкиси, лекин одамдан қўрқ. Қўлга тушсанг борми, аввало ваҳшийларча терингни шилиб олади, кейин эса гўштингни қовуриб ейди.

Сўрашайлик

— Нега энди оғзингни очиб лаллайиб турибсан? — сўрабди тулки Қопқондан.
— Аввал сўрашайлик, кейин жавобини оласиз, — дебди Қопқон қувлик билан.

Буйруқ

— Мунча ҳам бераҳмсан, қоқавериб миямнинг қатигини чиқариб юбординг-ку! — деди Мих.
— Менга буйруқ шундай, мен ҳам бировнинг қўлидаман-да, — жавоб берди Болға.

Жўрахон АБДУЛЛАЕВ,
Андижон.

Тил ва Тиш

Тил Тишга деди:
— У, Тиш, сенинг нима керагинг бор ўзи?
Тиш жавоб қилди:
— Ножўя ё ёлгон гап айтсанг сени тишлаш учун.

Оғиз ва Қорин

Оғиз Қоринга деди:
— Вой-вў, Қоринбой, намунча семирмасанг?
Қорин шу заҳоти жавоб қилди:
— Сен ҳар нарсани ютаверсанг бундан баттар бўламан!

Абдуғани ЗОҲИДОВ,
Тошкент.



ЛОФЛАР

Икки лофчи учрашиб қолди.
— Бу йил қишлоғимиз деҳқонлари роса бойиб кетишди. Ҳар бир тарвуз эллик килодан оғир келади.
— Визнинг қишлоқда бунақа тарвузларни мош дейишади.

* * *

Бир лофчи иккинчи лофчиникига болға сўраб келди.
— Йўқ деманг, биродар, битта хира қўнғиз эшигим тагида гўнғиллаб безор қияпти, бошига болға билан бир ураману, яна қайтиб бераман.
Иккинчи лофчи жавоб қилди:
— Жон деб берардим, аммо эрталаб битта чумоли болғамни судраб девордан ошириб олиб чиқиб кетган эди-да!

Феруза ХОЛМИРЗАЕВА,
Қирғизистон, Чурбек қишлоғи.



— Ичишга ичиволиб шайтоннинг сўзига кирдим деб визни гуноҳкор қилишади, кошки биз уларга ўргатсак



Неъмат Аминов
хангомалари

Устоз ҳажвчи Неъмат ака Аминов билан сафарга чиқсангиз борми, ҳажвий назар ҳар қадамда бир нарсани илтираверадиган бўлиб қолади. У кишининг кўзи билан кўрганингизни, айтганларини ёзсангиз бир дунё китоб бўлади. Қуйидаги бўлажак китобдан бир чимдим, холос.

Ютуқ

«Муштум» адабиёт бўлимида Неъмат ака билан суҳбатлашиб ўтирган эдик, хатти-ҳаракатларидан додирлиги шундайгина сиртига теп-

чиб турган йигит семизгина папка кўтариб кириб келди. Салом-алиқдан сўнг йигит папкани Неъмат акага узатди. Неъмат ака кўзойнагини тақиб, беш-олти варақ ўкиганларидан сўнг варақни ағдарарканлар хитоб қилиб юбордилар:

— Ҳо-о, шеър ҳам ёзаман денг?!

Йигит довдираб деди:

— Ҳам ҳикоя ёзаман, ҳам шеър. Шоирларга учрасам, сизнинг ҳикояларингиз ўқимишли чиққан, дейишади, ёзувчиларга учрасам, шеърларингиз равон дейишади. Қайбирларига ишонишни билмай ҳайрон бўлиб юрибман.

Неъмат ака қўлёзмаларни қайтариб берарканлар, мулоим дедилар:

— Менимча, ҳар иккаласига ҳам ишонмаганингиз маъқул. Ана шунда ютуқ сизники бўлади!

Ҳеч вақо топишмабди

Кашқадарё сафаримиз айниқса эсда қоларли бўлди. Аллақайси хўжалик клубидаги учрашув чоғида лоф айтишув бўлди. Мезбон ёзувчилардан бири лоф қилди:

— Шаҳрисабзнинг қалъасини кавлаётганда меъморлар икки қулоч келадиган занглаган мис топишибди. Биласизми, бу — кашқадарёликларнинг бундан минг йил аввал ҳам симли телефонда гаплаш-

ганидан далолат беради!

Неъмат ака давранинг нариги тарафидан гапга қўшилдилар:

— Қоракўлдаги қадим Пайкент қалъасини ўша сиз айтган меъморлар беш йил қазиб, биласизми нима топишди?!

— Хўш-хўш, — дейишди тўпланганлар қизиқиб.

— Ҳеч вақо топишмади, — деди Неъмат ака бамайлихотир, — биласизларми, бу — бухороликларнинг бундан беш минг йил аввал ҳам симсиз телефон, яъни телеграф орқали гаплашганидан далолат беради!

Хафа бўлади

Бир даврада аллақайси гуруҳбозликка қўшилган кимса қасам ичди:

— Ит бўлай агар, шу ишлардан бохабар бўлсам...

Неъмат ака қўл силтадилар:

— Айтманг-э, бу гапингизни эшитса ит жонивор хафа бўлиб кетади-е...

Муҳаммад ПИРРИЕВ,
Бухоро.

— АТИГИ МИНГ СЎМЛИК ЗИРАК ЭКАН ОЛИБ БЕРИНГ ДАДАЖОНИСИ, АХИР ҚИЗИМИЗ 8-СИНФДА ЯХШИ БАҲОЛАРГА ЎҚИЯПТИКУ.

ҲАЗИЛ САВОЛЛАР

Дунёда нима қиммат?

(тўғрилиқ)

Қиличдан ўткир нима?

(кўз)

Дунёда нима кўринмайди?

(севги)

Қирғоқ билан сув ўртасида нима бор?

(билан боғловчиси)


Қайси пайт соатга қарашнинг иложи йўқ?

(ухлаётганда)

Қайси жойда осмон пастда бўлади?

(сувда)

Шаҳло ХУЖАМҚУЛОВА,
Самарқанд вилояти, 10-синф
ўқувчиси.



Карикатураларни Муроджон УНГАРОВ чизган.

Катталиги ойномамизнинг қўшсаҳифасичалиқ ушбу жомадонга сизмаган кулгилар ҳам бор. И. Абдурахмонов, С. Умрзоқова, Ғ. Али, М. Қувон, З. Холбоев (Самарқанд), Р. Сотволдиева, А. Жамолов (Андижон), Н. Мўйдинов, В. Аҳмад (Фарғона), Б. Содиқов (Сурхондарё), Ф. Тошматова, Д. Усмонова (Тошкент), С. Убайдуллаев (Ленинобод), С. Рўзимбоев (Хоразм) сингари кўплаб хандасевар муштарийларимизнинг келгусидаги ижодлари янада ўткир ва кулгига бой бўлишини истаб қоламиз.

ТАҲРИРИЯТ.

Тез ўқиб кўринг-чи!

Тянь-Шань тоғининг тақир тошидан Тошболта тоғининг томоғига тўрт юз тўқсон тўрт тонналик тош тиқилиб турибди, тортиволиб тарозида тортишса тўрт юз тўқсон тўрт тонналик тош тўла-тўқис турибди.

Озода ҲАЙДАРОВА,
Фарғона.

Қўш саҳифани
Султон СУЛАЙМОНОВ безаган.



Сиртқи олимпиада

ИККИНЧИ ТУРГА ЖАВОБЛАР

(«Еш куч», 1990 йил, 10-сон)


Математика

1. Берилган сонлар a, b, c нинг мусбатлиги ҳамда $a^2 + b^2 = c^2$ шартидан $a < c$ ва $b < c$ лиги равшан. У ҳолда

$$a^{13} + b^{13} = a^2 \cdot a^{11} + b^2 \cdot b^{11} < a^2 \cdot c^{11} + b^2 \cdot c^{11} = (a^2 + b^2) \cdot c^{11} = c^{13}$$

Демак, $a^{13} + b^{13} < c^{13}$

2. Ўткир бурчакли учбурчакларга ажратиш усулларидан бири шаклда келтирилган. Бу ерда ўтмас бурчакли учбурчак 7 та ўткир бурчакли учбурчакларга ажратилган.



3. Бундай натурал K сони мавжуд эмас. Ҳақиқатан ҳам $K^2 + K + 1 = K(K+1) + 1$. Бу эса K нинг исталган натурал қийматида тоқ сон. 1990 эса жуфт сон. Тоқ сон эса жуфт сонга бўлинмайди.

4. Икки хонали $10X + Y$ сон билан $10Y + X$ соннинг йиғиндиси $11(X+Y)$ га тенг. Агар бирор соннинг квадрати 11 га бўлинса, у ҳолда бу сон 11^2 га ҳам бўлинади. Демак, $X+Y = 11K^2$, бунда K натурал сон. Аммо $X+Y$ йиғинди 1 дан 18 гача қийматларни қабул қилади, бироқ бу сонлар орасида 11 га қаррали бўлган фақат биттагина сон бор. Демак, $X+Y = 11$. Рақамлари икки хонали сон ва фақат шундай сонгина шартни қаноатлантиради. Булар қуйидагилар: 29, 38, 47, 56, 65, 74, 83, 92.


$$5x^4 + y^4 = x^4 + 2x^2y^2 + y^4 - 2x^2y^2 = (x^2 + y^2)^2 - 2x^2y^2 = (x+y)^2 - 2xy)^2 - 2x^2y^2 = (1-2xy)^2 - 2x^2y^2 = 1 - 4xy + 2x^2y^2$$

Демак, $1 - 4xy + 2x^2y^2 = 1$. Бундан $xy = 0$ ва $xy = 2$ лиги келиб чиқади.

Б. РИХСИЕВ,
Т. ҚУРҒОНОВ.

Физика

1. Берилган: $H = 4$ км; $t = 10$ с; $C = 330$ м/с
Топиш керак: $v = ?$
Ечилиши: Тайёра учиб ўтган ҳар қайси нуқтадан сферик товуш тўлқини тарқалади. То-



вуш етиб келган зона чегараси конус чизикдан иборат бўлиб, бу конус товуш тўлқинларининг ўрвчиси бўлади (расмга қаранг), АВ ва АС шу конуснинг чизма текислиги билан кесишиш чизиғи (чизма текислиги ерга перпендикуляр).

Расмда кўрсатилишича, даставвал В нуқта товуш О₁ нуқтадан етиб келади ($BO_1 \perp AB$). АО — тайёра кузатувчининг тепасидан учиб ўтаётган пайтидан унинг товуши эшитилган вақт давомида учиб ўтган йўл узунлиги, ОД — шу вақт ичида О нуқтадан бошлаб товуш тўлқини ўтган йўл узунлиги ($OD \perp AB$). ВАО ва ВОД бурчаклар тенг.

Бу бурчакларни α орқали белгилаймиз. Расмдан кўришиб турибдики,

$$\cos \alpha = OD/OB = Ct/H, \quad (1)$$

$$\sin \alpha = OD/OA = Ct/vt = C/v, \quad (2)$$

(1) ва (2) тенгламаларни биргаликда ечиб қуйидагини оламиз:

$$v = CH/\sqrt{H^2 - C^2 t^2} = 583 \text{ м/с.}$$


2. Берилган: $\alpha = 45^\circ$; $a = 0,6$ м/с²

Топиш керак: $K = ?$

Ечилиши: Масала шартига асосан ишқаланиш кучи (расмга қ.)

$$F_{\text{ишк}} = Kmg \cos \alpha,$$

$$F = mg \sin \alpha$$




бунда m — автомобиль массаси, $F_{\text{ишк}}$ — ишқаланиш кучи, F — оғирлик кучи mg ва реакция N нинг тенг таъсир этувчиси. Бундан $ma = F_{\text{ишк}} - F$ ёки $a = g(k \cos \alpha - \sin \alpha)$ ва ниҳоят, $k = a + g \sin \alpha / \cos \alpha = 1,08$

3. Берилган: $t = 30^\circ \text{C}$; $p = 700$ мм. сим. уст; $m = 1 \text{ г}$

Топиш керак: $v = ?$

Ечилиши: Масала шартига асосан гелий ҳосил бўлиш реакциясини қуйидагича ёзамиз.



Шундай қилиб, ҳосил бўлган гелийнинг массаси

$$m_{He} = \frac{8}{7} m_{Li} = 1,14 \text{ г}$$

Газ ҳолати тенгласидан гелий ҳажмини топамиз.

$$V = \frac{m}{\mu} \frac{RT}{P} = 7,7 \cdot 10^{-3} \text{ м}^3$$

4. Берилган: $S = 25 \times 25$ см; $d_1 = 0,5$ мм; $V_1 = 10 \text{ В}$; $d_2 = 5$ мм

Топиш керак: $V_2 = ?$

Ечилиши: Масала шартига асосан пластинкалар сурилгандан кейин конденсаторнинг заряди q ўзгармайди, бинобарин,

$$q = V_1 C_1 = V_2 C_2 \text{ бундан } C_1 = \frac{E_0 S}{d_1}$$

$$C_2 = \frac{E_0 S}{d_2}$$

Бундан қуйидагини оламиз

$$V_2 = \frac{d_2}{d_1} \cdot V_1 = 100 \text{ В.}$$

5. Берилган. $I_1 = 3 \cdot 10^{-5} \text{ А}$; $r_1 = 20 \text{ Ом}$; $n_1 = 11$; $I_2 = 5 \cdot 10^{-5} \text{ А}$; $r_2 = 30 \text{ Ом}$; $n_2 = 5$

Топиш керак: $E = ?$ $R = ?$

Ечилиши: Масаланинг мазмунига асосан биринчи гальванометр уланганда термомпара

$$\text{занжирида } I_1 = \frac{E}{r_1 + R} \text{ ток ўтади.}$$

Шунга ўхшаш иккинчи гальванометр улан-


ганда $I_2 = \frac{E}{r_2 + R}$ ток ўтади. Бундан

$$E = \frac{I_1 \cdot I_2 (r_2 - r_1)}{I_1 + I_2} = 1 \cdot 10^{-2} \text{ В} \cdot R = \frac{E - I_1 r_1}{I_1} = 17 \text{ Ом.}$$

М. ҚУРБОНОВ.

Кимё

1. Аммиакнинг термик диссоциаланиш реакция тенгламаси:



Бу реакция охиригача борганда 2 моль аммиак, 1 моль азот ва 3 моль водородга айланади ва жами 4 моль газлар аралашмаси ҳосил бўлади. Демак бунда ҳажм 2 марта ортади. Масала шартига биноан 5 л аммиакдан 10 л азот ва водород аралашмаси ҳосил бўлар экан.

2. Пулат баллондан чиқариб юборилган газнинг бошланғич босимидаги ҳажми $50 \cdot 101,325 : 5066,25 = 1$ л ни эгаллайди. Баллонда қолган газнинг ҳажми ($V-1$) л бўлади. Бу газнинг идишдаги босими 1215,9 кПа бўлса, унда Бойль-Мариотт қонуни асосида қуйидаги нисбатга эга бўламиз: $P_1(V-1) = P_2 V$ ёки $5066,25(V-1) = 1215,9V$, бундан $V = 5066,25 : 3850,35 \text{ л} = 1,316 \text{ л}$ келиб чиқади.

Идишда қолган газнинг нормал босимдаги ҳажми $1,316 \cdot 1215,9 : 101,325 = 15,8 \text{ л}$ бўлади. Ҳаммаси бўлиб, пулат идишдаги нормал босимдаги бошланғич ҳажми $5066,25 \cdot 1,316 : 101,325 = 65,8 \text{ л}$ бўлган экан.

3. Руда таркибидаги Fe_2O_3 нинг массаси $m(\text{Fe}_2\text{O}_3) = 1000 \cdot 0,69 = 690 \text{ т}$ бўлади. Ундан ҳосил бўладиган тоза темир массаси $m(\text{Fe}) = 690 \cdot 168 : 232 = 499,655 \text{ т}$ бўлади. (Бунда $168 - 3$ моль темир массаси, 232 эса 1 моль Fe_2O_3 массаси). Маҳсулот унумини ҳисобга олганда ҳосил бўладиган тоза темир массаси $m(\text{Fe}) = 499,655 \cdot p = 499,655 \cdot 0,93 = 464,679 \text{ т}$ бўлади.

Чўян массаси эса $m(\text{чўян}) = 464,679 - 464,679 \cdot 0,04 = 483,266 \text{ т}$ бўлади.

4. Масала шартига биноан 1000 г эритмада 90 г сахароза эриган бўлади. Бу эритма ҳажми $V = 1000 : 1,034 = 967,12 \text{ мл}$ бўлади. 1000 мл эритмада эриган сахароза массаси m (сахароза) $= 90 \cdot 1000 : 967,12 = 93,06 \text{ г/л}$, моль микдори эса n (сахароза) $= 93,06 : 342 = 0,272 \text{ моль}$ бўлади.

5. Модданинг моляр массаси $M(x) = 2,8966 \cdot 29 = 84$. Модданинг оддий формуласини топамиз: $n(C) = 0,714 : 12 = 0,0595$; $n(H) = 0,095$ ва $n(O) = 0,19 : 16 = 0,01188$ ёки $n(C) : n(H) : n(O) = 0,0595 : 0,095 : 0,01188 = 5 : 8 : 1$ бўлади, яъни унинг формуласи $\text{C}_5\text{H}_8\text{O}$ бўлади, унинг моляр массаси ҳисоблаб топишдан қийматни қаноатлантиради. Бу модда таркибида 27 хил спирт, 12 хил альдегид ва 9 хил кетон гуруҳларини тугган бирикмалар бўлиши мумкин, ундан ташқари 10 дан ортиқ оддий эфирлар ҳам шундай таркибга эга бўла олади. Бу моддаларнинг кўпчилигини геометрик изомерлари ҳам бор.

А. МУФТАХОВ.

АНИК
 LA 1
 arcs
 cos
 sin



БЎЛГАНМИ?

ФИЗИК МЕНДЕЛЕЕВ



1834 йилда Тобольскдаги маҳаллий гимназия директори оиласида таваллуд топган Димитрий Иванович Менделеевнинг кимё фанига қанчалик ҳисса қўшганлиги барчага маълум. Лекин гоҳида физиклар ҳам олимнинг физикага қўшган катта улуши ҳақида оғиз кўпиртириб қолишади. Хўш, уларга ишониш керакми? Олим физикада ҳам ихтиролар қилганми?..

Менделеевларнинг уйи шаҳарнинг ҳақиқий маънавий маркази эди — бу ерда Тобольскнинг илгор зиёлилари ва сургунда яшаётган декабристлар йиғилишарди. Илғор фикрловчи эътиқодли кишилар билан мулоқатда бўлиш бўлажак олимнинг дунёқарашининг ҳар томонлама шаклланишига кучли таъсир қилди.

У етуклик аттестати олгач, Петербургдаги бош педагогик институтнинг физика-математика куллиётига ўқишга кирди ва талабалик йилларидаёқ мустақил илмий тадқиқотлар қила бошлади. Олийгоҳни 1855 йилда олтин медаль билан тугатди. Кейин у 30 йилдан кўпроқ ўз илмий фаолиятини кимё фанини ўқитиш билан бирга олиб борди, 1865 йилда эса Петербург дорилфунуни профессори бўлди.

Менделеевнинг кимё олдидagi хизматлари жуда улкан, у кашф қилган даврий қонун ва кимёвий элементлар даврий системаси кимё фанига асос

бўлди. Лекин олимни фақат кимёгар деб ҳисоблаш мутлақо хато бўлар эди. У ҳақида сўз юритган шўро олими академик С. И. Вавилов бундай деган эди: қизиқишларининг хилма-хиллиги, фан, техника ва маданиятнинг турли соҳаларидаги ишларининг унумдорлиги жиҳатидан Менделеев номини Леонардо да Винчи, М. В. Ломоносов каби даҳолар қаторига қўйиш мумкин. У қайси соҳада шуғулланмасин, барчасида ҳам, албатта олий даражада профессионал равишда шуғулланган. Булар жумласида шиша пишириш усуллари ҳам, кон ишлари ҳам, агрономия ҳам, педагогика ҳам, санъатшунослик ҳам бор.

Энди олимнинг физикага қўшган ҳиссасига келсак, бу ҳам жуда салмоқлидир. 1860 йилда у критик ҳарорат, яъни суюқликни (босим қандай бўлишидан қатъи назар) газдан фарқ қилиб бўлмайдиган ҳарорат мавжудлигини биринчи марта аниқлади. Бу улкан кашфиётнинг аҳамияти ўша вақтда бирданига тушунилмади. Бизнинг даврга келиб критик ҳодисаларни ўрганиш физиканинг энг долзарб йўналишларидан бирига айланди.

Д. И. Менделеев молекуляр физика учун асосий бўлган идеал газ ҳолати тенгламасини яратувчилардан биридир. Булардан ташқари ҳақиқий

газлар ва суюқликларнинг физик хоссаларини ўрганишга бағишланган кўпгина ишлар ҳам унга тааллуқли.

1890 йилда олим ҳаётида галаги воқеа юз берди. Талабалар галаёни вақтида Менделеев билан маориф вазири орасида қаттиқ зиддият вужудга келди ва у Петербург дорилфунунини ташлаб кетди. Лекин бу воқеа ҳам Менделеевнинг физика ривожига янада ҳисса қўшишига сабаб бўлди, десак янглишмаймиз. 1892 йилда у Ўлчовлар ва тарозилар бош палатасига раҳбар бўлади. Бу лавозимда ишлаганда у физик метрология соҳасида жуда кўп муҳим ишларни бажарди: тарозиларнинг аниқ назариясини яратди, оғирликни прецизион (аниқ) тортиш усуллари ишлаб чиқди, материаллар қаттиқлигини аниқлашнинг янги методикасини ривожлантирди, мамлакатда ўлчовларнинг метрик системасини жорий қилиш чораларини тайёрлади.

Бутун дунё кимёгарлари Менделеевни ўз фанининг буюк классиги сифатида ҳурмат қиладилар. Физиклар ҳам унинг номини абадийлаштиришга ўзларининг муҳим ҳиссасини қўшдилар: 1955 йилда америкалик олимлар синтез қилган даврий системанинг 101-элементи МЕНДЕЛЕЕВИЙ деб аталди.



Катта ёйлар бўйлаб: 1. Кичик ва нафис расомлик жанри. 2. Соҳиб Жамолнинг «Ғули сиёҳ» романининг қаҳрамони. 3. Тилнинг маҳаллий ўзига хослиги. 4. Шойи газлама. 5. Енгил атлетикага мансуб мусобақа тури. 6. Чақириқларни намойиш қилиш усули. 7. Мусиқа асари жанри. 8. Вақтни кўрсатувчи асбобсоз уста. 9. Зиравор ўсимлик. 10. Сопол буюмлари ҳунарманди. 11. Навоий достони қаҳрамони. 12. Хоҳиш, эрк. 13. Савдо йўлларидаги манзил, карвонсарой. 14. Италиян рассоми, Венеция мактабининг йирик вакили. 15. Тасвирий санъатнинг гул, мева кабилар акс эттириладиган соҳаси. 16. Тош йўнувчи уста. 17. Бадийий ижод тури. 18. Ҳозирги таниқли ўзбек эстрадаси кўшиқчиларидан бири. 19. Атоқли шўро театри режиссёрларидан бири. 20. Ҳайкалтарош, ССЖИ халқ рассоми, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. 21. Металл буюмлар ясовчи уста. 22. Тасвирий санъат вакили.

Кичик ёйлар бўйлаб: 23. Шарнинг марказидан ўтувчи чизиқ. 24. Графика санъати тури. 25. Какао-ли ширинлик хили. 26. Бирор соҳада олиб бориладиган ҳаракат, машғулот. 27. Ўзбек рақсларидан бири. 28. Таниқли шўро авиация муҳандиси. 29. Устоз доирачи созанда, Ўзбекистон халқ артисти. 30. Йиғин, мажлис. 31. Ўзбекистон халқ рассоми.

Фозилжон ОРИПОВ тузган.

ЗОТИ ШАРИФ

ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАБ

Куйидаги сатрлар Алишер Навоийнинг «Сабъи сайёр» дostonидан олинган бўлиб, ғоятда таъсирчандир.

Шоҳ тилар бўлса шоҳлик қилмок,
Сипоҳдан керакмас айрилмок,
Шоҳни дерлар сипоҳ бирла шоҳ,
Шоҳ эмасдир, йўқ эрса анда сипоҳ.
Шоҳга хайл ўлса фатх, анинг ишидур,
Бир киши Рустам ўлса, бир кишидур...
Борса шатранж шоҳининг сипоҳи,
Кўрки, борми ҳисоб ичинда шоҳи.

Улуғ шоирнинг 535 йиллигига бағишланган «Навоий ва шатранж» номли мақоламда («Совет Ўзбекистони» рўзномаси, 1976 йил, 9 февраль) «Навоийнинг шатранж ўйнаганлигига бирон-бир ишончли, яхлит манба ҳозирча учрамади. Лекин «Лисонут-тайр»даги ҳикоянинг моҳирона ёзилганлигига ҳамда ўша даврнинг устоз шатранжчиларига берилган таърифларга қараб, Навоий фақат кузатувчигина бўлмасдан, бу ўйинни ўзи ҳам севган ва яхши билган, деб дадил айта оламиз» дейилган жойи бор эди.

Мақола юзасидан редакцияга йўлланган мактубида самарқандлик бир ёш олим: «Яхлит манба бор...» деб бизни ажиб бир факт билан таништирганди. Навоий билан шоир Биноий ҳазил-мутуйибага мойил ва ҳозиржавоб бўлганликлари кўпчиликка маълум. Одам зич йиғинларнинг бирида Навоий ёнида ўтирган Биноийга «Оёқни қаёққа узатсанг шоирнинг кетига тегади», — деса, Биноий шу захоти: «Йиғиштирсанг ҳам...» — деб жавоб берган экан. «Ма-

на шу воқеа худди шахматчилар мажлисида юз берганлигини машҳур шарқшунос академик Бартольд аниқлаган», — деб ёзибди ўша олим.

Биз унга жавоб мактуби йўллаб, ўз давридаги шатранж мажлисларининг нуфузини оширувчи бу далил билан ошно қилгани учун олимга ташаккуримизни билдирар эканмиз, ўша мажлисда ҳам Навоий шахсан ўйнамаганлиги, профессор А. Семёновнинг 1940 йилда босилган бир мақоласида буюк шоир сафар чоғида ҳам шатранж ўйнаганлигини айтган бўлса-да, яққол мисол келтирмаганини айтдик.

Навоий шахсан шатранж ўйнаганлигига асло шубҳа йўқ. Лекин қачон, қаерда ва ким билан ўйнаганлиги ҳозирча бизга номаълум холос.

Энг муҳими, Навоий асарлари шатранж тарихи, атамаларини ўрганиш ва яратишда қимматли манбалардан экани муқаррар.





Заҳматкаш олим, зукко адиб Ойбекнинг «Навоий» романида ҳам шахмат мажлиси тасвирланганлиги бежиз эмас. Бу эпизодни яратиш учун ёзувчи кўп машаққат чеккан бўлса керак. Мана шу парчадагидек қадим шарқда шатранжчилар даврасига кирган кишилар нафақат ўйин бобида, балки қатак тахтада вужудга келувчи турли-туман вазиятларга монанд тайёр байтларни танлаб ўқиш, хонаси келганда бир зумда янгисини тўқиш жиҳатидан ҳам мусобақалашардилар.

Шатранж мажлислари ўтказиш анъанаси ҳозирда ҳам жумҳуриятимизда унча-мунча давом этиб келаяпти.

Конкурснинг навбатдаги топшириқлари

(1, 2, 3, 4 — диаграммалар).

4тала вазият ҳам амалий ўйинларда содир бўлган. Ҳаммасида юриш навбати оқлардан. Сиз қандай ўйнардигиз? (ҳар бир тўғри жавоб учун 4тадан очко берилади).



Ижтимоий-сиёсий, адабий-бадий безакли ойнома

МУАССИС—ЎЗБЕКИСТОН ЛКЕИ
МАРКАЗИЙ ҚҲМИТАСИ

1986 йил июль ойидан чиқа бошлади

№ 4 (58) апрель, 1991.

Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитаси
«Камалак» нашриёт-матбаа бирлашмаси.

Бош муҳаррир —
Худойберди ТҲҲТАБОВ

Таҳрир ҳайъати:
Шоҳруҳ АКБАРОВ —
масъул котиб
Хуршид ДҲСТМУҲАММАД —
бош муҳаррир ўринбосари
Баҳтиёр КАРИМОВ
Ҳасан НОРМУРОДОВ
Эркин МАЛИКОВ
Тоҳир МАЛИК
Латиф МАҲМУДОВ
Абдуғафур РАСУЛОВ
Акмал САИДОВ
Исроил ТҲҲТАЕВ
Урол ХОЛМОНОВ
Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ
Файзулла ҚИЛИЧЕВ
Музроб ҚҲРБОНОВ
Турсунали ҚҲРБОНОВ
Садриддин ҒУЛОМИДДИНОВ

Бадий муҳаррир —
Султон СУЛАЙМОНОВ
Саҳифаловчи —
Улуғбек ЯҚВАЛХҲЖАЕВ
Мусаҳҳиҳ —
Мақсуда ҲАКИМОВА

«Ёш куч» — ежемесячный, общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал

На узбекском языке
Учредитель—ЦК ЛКСМ Узбекистана
Мақонимиз: 700113, Тошкент-ЧГСП,
Қатортол кўчаси, 60.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари: 78-93-24.
Масъул котиб 78-94-73

Бўлимлар
Хатлар 78-48-85
Ижтимоий-сиёсий, адабиёт ва санъат,
Шеърят 78-85-64.
Мақтаб, фан-техника ва спорт 78-57-84.

Таҳририят ҳажми 2 босма тобоқдан зиёд асарлар қўлэмасини қабул қилмайди. Бир босма тобоқ ҳажмидаги асарлар муаллифларига қайтарилмайди. Ойномадан кўчириб босилганда «Ёш куч»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.

Таҳририят тавсияси билан берилган таржималар қабул қилинади.

«Ёш куч», апрель, 1991.

«Камалак» нашриёт-матбаа бирлашмаси.


Босмахонага туширилди 14.02.91 й. Босишга рухсат этилди 22.03.91 й. Офсет усулида чоп этилди. Китоб-ойнома учун офсет қоғози. Формати 70×108¹/₈. Шартли босма листи 5,6. Шартли бўёқ нусхаси 16,8. Нашриёт босма листи 10,6. 590000 нусха. Буюртма 4840. Баҳоси: обуначига — 55 тийин. Сотувга — 80 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент 700000, «Правда» газетаси кўчаси, 41.



Таниқли гуржи хонандаси Тамара Гвардцетели ва латиш қўшиқчиси Лайма Вайкуленинг қўшиқларини севиб тингламайдиган ёшлар йўқ орамизда.





МИРМУҲСИН

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ҳамза мукофоти совриндори. «Умид», «Чиниқиш», «Дегрез ўғли», «Меъмор», «Темур Малик», «Зиёд ва Аддиба» (шеърий) романлари муаллифи.

